

№2 (22)
Aprel-iyun
**20
23**



ISSN 2181-0567
ISSN 2181-1830

IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**



Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi bilan hamkorlikda nashr etilmoqda





IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS

№ 2 (22)
Aprel-Iyun, 2023-yil

TAHRIR HA'YATI:

- J.Qo'chqorov** – O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari, tahrir hay'ati raisi
- U.Abidxadjayev**, DSc – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktori
- Z.Xaldarov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining birinchi o'rinbosari
- T.Axmedov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- B.Xamidov** – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- D.Kurbanova**, i.f.n., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti ilmiy kotibi
- S.Chepel**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bosh ilmiy xodimi
- N.Rasulov**, DSc, dots. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- D.Karimova**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- R.Xasanov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bo'lim boshlig'i
- H.Saydaliev**, DSc., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- N.Ibragimova**, PhD., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- M.Karimov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

TAHRIRIYAT:

- Bosh muharrir – **R. Xasanov**
- Mas'ul muharrir – **A. Yuldashev**
- Texnik muharrir – **I. Odashev**
- Kompyuter grafikasi dizayneri – **I. Saidov**
- Nashr uchun mas'ul – **N. Primov**

Jurnal Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2019-yil 29-iyundagi 266/8-sonli qaroriga asosan OAK dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga va Rossiya Federatsiyasining Ilmiy iqtibos indeksi (RINS) ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2021-yil 22-aprelda 1043-sonli guvohnoma bo'yicha qayta ro'yxatga olingan.

Bosma ISSN 2181-0567; Elektron ISSN 2181-1830.

Format 84/60, 1/8, 9,85 b.t. Chop etishga 03.07.2023-yilda ruxsat etildi. Jurnalning «Matbuot tarqatuvchi» AK obuna katalogidagi indeksi – 1360. Jurnal uch oyda bir marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning yozma roziligi bilan amalga oshiriladi.

Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Maqoladagi ma'lumotlar haqqoniyligiga mualliflar shaxsan mas'ul hisoblanadi.

Tahririyat manzili:

100011, Toshkent sh., Xadra massivi, 33A. Tel.: (+998 71) 244-05-42. E-mail: jurnal@imrs.uz
Tarqatish bo'limi telefoni: (+998 71) 244-05-42

**Mundarija /
Содержание /
Contents**

**Макроiqtisodiyot, prognozashtirish va tahlil /
Макроэкономика, прогнозирование и анализ /
Macroeconomics, forecasting and analysis**

- 4 **Турсун АХМЕДОВ, Ботир АБДУЛЛАЕВ, Нурбек ЯКУБОВ.** *Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда яратилган бизнес муҳитини баҳолаш*
- 14 **Konstantin KURPAYANIDI.** *The role of innovation and innovative activity in the context of economic transformation: analysis of theoretical aspects*
- 21 **Эркин МУЙДИНОВ.** *Аудитнинг халқаро стандартлари асосида муҳимлик кўрсаткичини аниқлаш услубиёти*
- 30 **Nargiza ACHILOVA.** *Conceptual bases of the national branding*
- 35 **Ваходир МАМАТОВ, Malika TOSHPUлатова, Ixtiyor JABBOROV.** *Mamlakatlarning Jahon savdo tashkilotiga (JST) a'zo bo'lishidan avvalgi va keyingi davrdagi makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili*

**Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar /
Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /
Investment, digital and innovative technologies**

- 47 **Низамиддин ХАЙДАРОВ.** *Инвестиция ва инновацияларнинг ривожланишида инвестиция муҳитининг тутган ўрни*
- 56 **Дилноза ИБОДОВА.** *Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари*
- 64 **Музаффар КАРИМОВ, Ислом ХУДАЙБЕРДИЕВ.** *Развитие новых и нетрадиционных источников финансирования в Узбекистане*

**Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot /
Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /
Industry, agriculture, and regional economy**

- 75 **Yakhyo NAJMIDDINOV.** *The importance of low-carbon energy sources in the development of Uzbekistan*
- 81 **Убайдулла НАДИРХАНОВ.** *Автомобильная промышленность Узбекистана: от экспорта товара - к вывозу капитала*

- 90 **Феруз РАХМАТОВ.** Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш жараёнларини бошқариш ва рағбатлантириш механизмлари трансформацияси
- 96 **Марғуба ХИДИРОВА.** Саноат ишлаб чиқаришида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини ривожлантириши
- 101 **Сергей ВОРОНИН, Феруза АЗИМОВА, Мурат ДЖАЙДАКБАЕВ.** Трансформация угольной отрасли в условиях современных реалий: поиск путей адаптации

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education and poverty reduction

- 108 **Бехзод ТАГАЕВ, Шохрух ХОЛМУРОДОВ, Гулчеҳра ТУРҒУНОВА.** Олий таълимда рақамли трансформация – инклюзив таълим омили сифатида
- 116 **Шахло МАХКАМОВА.** Пенсия жамғармаси даромадларини ошириши ҳамда даромад ва харажатлар мутаносиблигини таъминлаш
- 122 **Shirin DUSHAMOVA.** Consequences of domestic violence for a child: health and development
- 134 **Улуғбек ЮЛДОШЕВ.** Давлат-хусусий шериклик орқали жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
- 141 **Одил НОРБОЕВ.** Мулк дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиши ва хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириши истиқболлари
- 147 **Сардорбек ИСМОИЛОВ.** Давлат фуқаролик хизматида раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш: хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma /
Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

- 152 **Madina RAHIMOVA.** Tarkibiy o'zgarishlarni chuqurlashtirish orqali urbanizatsiya darajasini oshirish

**Makroiqtisodiyot, prognozlashtirish va tahlil / Макроэкономика, прогнозирование и анализ /
Macroeconomics, forecasting and analysis**

УЎК: 336.025(575.1)

Турсун АХМЕДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти директор ўринбосари,
E-mail: t.akhmedov@imrs.uz,

Батир АБДУЛЛАЕВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,
E-mail: abs1965@mail.ru,

Нурбек ЯКУБОВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими,
E-mail: newfrank@mail.ru

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда яратилган бизнес муҳитини баҳолаш

Аннотация: тадбиркорлик фаолияти аҳолини иши билан таъминлашда, даромадларни оширишда ва фаровонликни юқори даражага кўтаришда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириши, жумладан кичик бизнесни рағбатлантириши ва қўллаб-қувватлаш мамлакатда иши ўринлари, инновациялар, рақобат, иқтисодий барқарорлик ва солиқ тушумларининг ошишига олиб келади. Шу сабабли бевосита жойлардаги тадбиркорлик фаолиятидаги ўзгаришларни тезкор мониторингини олиб бориши, тадбиркорлар кўтарган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириши, уларни босқичма-босқич ҳал қилиши, билдирилаётган таклиф ва тавсияларини эътиборга олиши жуда долзарбдир.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кредит, субсидия, хизматлар, ривожлантириши, солиқ, қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар, ислоҳот, маълумот.

Оценка деловой среды, создаваемой при осуществлении предпринимательской деятельности в Узбекистане

Турсун Ахмедов,
доктор экономических наук, профессор,
заместитель директора Института макроэкономических и региональных исследований,

Батир Абдуллаев,
руководитель группы
Института макроэкономических и региональных исследований,
Нурбек Якубов,
ведущий научный сотрудник
Института макроэкономических и региональных исследований

Аннотация: предпринимательская деятельность является одним из решающих факторов обеспечения занятости населения, увеличения доходов и подъема благосостояния на более высокий уровень. Кроме того, развитие предпринимательства, в том числе поощрение и поддержка малого бизнеса, приведет к увеличению рабочих мест, инноваций, конкуренции, экономической стабильности и налоговых поступлений в стране. По этой причине очень важно проводить оперативный мониторинг изменений деловой активности на местах, своевременно реагировать на каждую проблему, поднимаемую предпринимателями, поэтапно решать их, учитывать их предложения и рекомендации.

Ключевые слова: бизнес, кредит, субсидия, услуги, развитие, налог, поддержка, льготы, реформа, информация.

Assessment of the business environment created during entrepreneurial activities in Uzbekistan

Tursun Akhmedov,

*Doktor of Economics Sciences, Professor,
Institute for Macroeconomic and Regional Studies,
deputy director,*

Batir Abdullaev,

*Institute for Macroeconomic and Regional Studies,
head of the group,*

Nurbek Yakubov,

*Institute for Macroeconomic and Regional Studies,
leading researcher*

Abstract: *entrepreneurship is one of the decisive factors in ensuring employment, increasing income, and raising the level of prosperity. In addition, the development of entrepreneurship, including the encouragement and support of small businesses, will lead to increased jobs, innovation, competition, economic stability, and tax revenues in the country. For this reason, it is very important to conduct prompt monitoring of changes in business activity on the ground, timely respond to every problem raised by entrepreneurs, gradually resolve them, take into account their suggestions and recommendations.*

Keywords: *business, credit, subsidy, services, development, tax, support, benefits, reform, information.*

Кириш. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу сабабли, бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар ва сиёсатчилар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Германиянинг иқтисодий муваффақиятининг ортида “аввал кичик нарсалар ҳақида ўйланг” (Think small first) тамойилига асосланган тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари туради. Улардаги барча фирмаларнинг 99 фоизидан ортиғини кичик ва ўрта корхоналар ташкил этади ва ялпи

ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи, иш ўринларининг қарийб 60 фоизи ушбу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Сўнгги 2-3 йилларда мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришдаги қабул қилинаётган қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг айрим жиҳатлари тадбиркорлик субъектлари фаолияти барқарорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан кичик ва ўрта бизнес ўсишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мамлакатда иш ўринлари, инновациялар, рақобат, иқтисодий барқарорлик ва солиқ тушумларининг ошишига олиб келади. Тадбиркорлик фаолияти ҳозирда ва келажакда аҳолининг даромадларини оширишда ва фаровонликни юқори даражага кўтаришда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Чора-тадбирлар рўйхатида турли соҳалардаги тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар дастурлари, солиқ ислохотлари (солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш, солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш), божхона имтиёзлари, транспорт имтиёзлари, субсидиялаш, кредит таътиллари, хусусий мулк дахлсизлиги жорий этилганлиги ҳамда 114 турдаги лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилинганлигини қайд этишимиз мумкин.

Шунингдек, сўнгги икки йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклида учрашувларининг аъъанага айланиши ва 20 август “Тадбиркорлар куни” сифатида эълон қилиниши бизнес муҳитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ислохотларнинг тадбиркорлар фаолиятига таъсирини баҳолаш ҳамда келгусида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорлар кўтарган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш ва ечимларини топиш, қарорлар қабул қилишда билдирилаётган таклиф ва тавсияларни инobatга олиш учун жойларда тадбиркорлик фаолиятидаги ўзгаришларни тезкор мониторинг қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадбиркорлар ўртасида телефон орқали ва онлайн сўровлар ўтказишда электрон сўровлар бир қатор афзалликларга эга. Улар тезкорлик асосида ресурсларни тежаш; шахсий фикр ва мулоҳазаларни чекланмаганлиги; ташқи таъсирнинг йўқлиги; рақамли технологиялардан фойдаланиш имконияти ва бошқалар. Социологик тадқиқотлар унинг репрезентативлигини тўла таъминламаслиги ҳам бундай усуллардан фойдаланиш тез суръатларда ўзгараётган бизнес муҳитни ўз вақтида аниқлаш ва муаммоларни комплекс баҳолаш имконини беради.

2023 йилнинг 10-25 март кунлари республика-миз худудларида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган 300 дан ортиқ тадбиркорлар орасида махсус тайёрланган саволнома асосида сўров ўтказилди.

Ушбу тадқиқотдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматнинг тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қарорларининг таъсирини баҳолаш, яратилган қулайликлар ва ўзгаришлар ҳамда кўрилаётган чора-тадбирларга тадбиркорлар муносабатини ўрганиш ва шаклланган бизнес муҳитини баҳолаш асосида тегишли таклифлар тайёрлашдан иборат.

Мазкур сўровномада асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар дастурларининг жорий қилиниши, солиқ ислохотлари (солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш, солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш), божхона ва транспорт имтиёзлари, субсидиялаш, кредит таътиллари, хусусий мулк дахлсизлиги ҳамда юздан ортиқ турдаги лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилиниши каби тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг таъсирини ўрганиш ҳамда шаклланган бизнес муҳитни баҳолаш асосида тегишли таклифлар тайёрлашдан иборат.

Сўров натижаларига асосан фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишига кўра иштирок этганларнинг бешдан бир қисми, яъни 20,0 фоизи улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланишини, 12,3 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари, 11,3 фоизи саноат, 10,3 фоизи қишлоқ хўжалиги, 8,3 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар билан шуғулланувчи тадбиркорлар эканлигини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Маълумот учун: Статистика агентлигининг маълумотларга кўра 2022 йил якуни билан республика бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидagi улуши) савдо – 34,7 фоиз, саноат – 18,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 10,1 фоиз, қурилиш – 8,9 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 7,0 фоиз, ташиш ва сақлаш – 3,9 фоиз, ахборот ва алоқа – 2,3 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 1,9 фоиз ва бошқа турлари – 12,5 фоизни ташкил этди.

Асосий қисм. Тадқиқот натижалари. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган шароитларни умумий баҳолаш. Сўровда иштирок этганларнинг аксарият қисми (66 фоиз) сўнгги йилларда

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун яратилган шароитларни “яхши” ёки “аъло” даражада баҳолашган.

Айниқса, мазкур фикрдаги респондентлар улушининг қурилиш (81 фоиз), фан, технология ва таълим (80 фоиз), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (88,2 фоиз) соҳаларида юқорилиги ушбу соҳаларда ислохотлар самараси яққол сезилганлигидан дарак беради. Умуман, ушбу рақамлар мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, тадбиркорлик субъектлари-

нинг ҳуқуқлари ва кафолатларининг мустаҳкамланганлиги ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилганлигидан далолат беради (1-жадвал).

Шунга қарамасдан, транспорт ва логистика соҳасида салбий баҳо (1-2 балл) берган респондентлар улушининг нисбатан кўплиги (28,6 фоиз) мазкур соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишга алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатмоқда.

1-жадвал

Тадбиркорлар учун яратилган шароитларни баҳолаш

| № | Иқтисодий фаолият тури | Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ҳудудингиздаги ҳолат, яратилган шароитларни қандай баҳолайсиз? (1 баллдан 5 баллгача, 1 - жуда ёмон - 5 - аъло) | | | | |
|----|--|--|-------------|--------------|--------------|--------------|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 0.0% | 9.1% | 42.4% | 27.3% | 21.2% |
| 2 | Саноат (енгил, оғир, озиқ-овқат ва бошқалар) | 7.5% | 10.0% | 32.5% | 40.0% | 10.0% |
| 3 | Қурилиш, биноларни таъмирлаш, архитектура | 0.0% | 0.0% | 19.0% | 61.9% | 19.0% |
| 4 | Улгуржи ва чакана савдо | 1.7% | 6.7% | 26.7% | 58.3% | 6.7% |
| 5 | Транспорт ва логистика операциялари | 14.3% | 14.3% | 35.7% | 28.6% | 7.1% |
| 6 | Умумий овқатланиш | 2.6% | 0.0% | 21.1% | 71.1% | 5.3% |
| 7 | Фан, технология ва таълим | 13.3% | 0.0% | 6.7% | 66.7% | 13.3% |
| 8 | Соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар | 0.0% | 4.0% | 28.0% | 60.0% | 8.0% |
| 9 | Маданият ва спорт | 0.0% | 0.0% | 38.5% | 38.5% | 23.1% |
| 10 | Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 0.0% | 0.0% | 11.8% | 76.5% | 11.8% |
| 11 | Бошқа | 0.0% | 8.0% | 12.0% | 64.0% | 16.0% |
| | Жами | 3.0% | 5.3% | 25.9% | 54.2% | 11.6% |


Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Сўровда иштирок этганларнинг 41 фоизи тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлардан сўнг ижобий силжишлар борлигини эътироф этишган бўлса, 50,2 фоиз респондентлар мазкур ислохотлар самарасини қисман ҳис қилаётганлигини таъкидлашган. Фақатгина 9 фоиз тадбиркорлик вакилларининг фикрича, ўз соҳаларида тадбиркорлик учун қулайликларни ҳис этишмаган (2-расм).


Сўнгги уч ойда тадбиркорлик соҳасидаги ўзгаришлар борасида 38,2 фоиз респондентлар “вазият анча яхшилланган” деган фикрни тасдиқлашган бўлса, 22,9 фоиз сўров иштирокчилари сезиларли даражада яхшилланганлигини эътироф этишган. Ушбу ҳолатни мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида

ижобий ўзгаришлар бўлаётганининг исботи сифатида кўришимиз мумкин. Шунингдек, тадбиркорликда ўзгариш бўлмаганлигини (30,9 фоиз) ҳамда сезиларли даражада ёмонлашганлигини (4,0 фоиз) билдирган жавоблар ҳам мавжуд (3-расм).

Ҳукумат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлардан хабардорлиги бўйича сўров натижаларига кўра, энг кўп хабардорлик “Имтиёзли кредитлар” бўйича – 58,8 фоиз, “Солиқлар бўйича имтиёзлар” – 57,1 фоиз ва “Субсидиялаш, харажатларни қоплаш” – 45,8 фоиз тадбиркорлар эътироф этганлар. Шунингдек энг кам хабардорлик (6,6 фоизи) божхона имтиёзлари бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга тўғри келди.



2-расм. Давлат томонидан тадбиркорларга яратилган қулайликлар асосида сўнгги йилларда бўлган ўзгаришларни баҳолаш
Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.



3-расм. Сўнгги уч ой давомида тадбиркорлик соҳасидаги ўзгаришларга берилган баҳо, %
Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Респондентларнинг 11,0 фоизи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ва қарорлардан умуман хабардор эмаслиги кузатилган. (4-расм). Бу эса қабул қилинаётган қарор ва фармонларни кенг жамоатчиликка етказишда инновацион ечимларни қидириш лозимлигини кўрсатади.

Давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан яқин ҳамкорликда бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорларга ўз вақтида етказишлари лозим.




4-расм. Ҳукумат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлардан хабардорлиги
Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

50 фоиздан ортиқ тадбиркорлар ҳукумат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни асосан телеграм каналлари (50 фоиз) ва ижтимоий тармоқлардан (56 фоиз) олишди. Атиги 10 фоиз респондентлар ушбу маълумотларни бошқа манбалар қаторида ҳокимият расмий веб-саҳифаларидан олишларини билдиришган.

Жавоб берган респондентларнинг 78,7 фоизи чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада эканлигини таъкидлаган. Бироқ, 22,3 фоизи эса маълумотлар етарли эмаслигини кўрсатишган бўлиб, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни янада фаоллаштириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш. Тадбиркорларга яратилаётган қулайлик, шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумотлар етарли эканлигига қарамадан улардан фойдаланиш даражаси нисбатан паст бўлиши кузатилган. Сўровда иштирок этган корхоналарнинг 40 фоизга яқини ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чораларидан камида биттасидан фойдаланган. Мазкур имтиёз ва қўллаб-қувватлашлардан қурилиш (47,6 фоиз), умумий овқатланиш (47,4 фоиз), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги (45,5 фоиз) корхоналари фаол фойдаланишган. Саноат (35 фоиз), транспорт ва логистика (35,7 фоиз) ҳамда санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (35,3 фоиз) соҳаларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш даражасининг нисбатан

пастиги корхоналарнинг мавжуд имкониятлардан беҳабарлиги ёки ушбу соҳага йўналтирилган чора-тадбирларнинг етарли даражада эмаслигидан бўлиши мумкин (5-расм).



5-расм. Ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаландингизми?

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Тадбиркорларнинг 52,5 фоизи ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлардан фойдаланмаганлигини билдиришган. Тадбиркорларнинг ярмидан кўпи имтиёзлардан фойдаланмаслиги салбий ҳолат бўлиб, унинг асосий сабаблари бўлмиш бюрократияни йўқотиш, давлат ва молия ташкилотларига бўлган ишонччи шакллантириш керак.

Чора-тадбирлар самарадорлиги. Респондентларнинг 43,5 фоизи ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари энг самарали эканлигини таъкидлашган (2-жадвал). Бу, айниқса, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (72,7 фоиз) катта самара беради. Ушбу рақамлар бир томондан кичик ва ўрта бизнес вакилларининг молия тизимига кириш имкониятлари чекланганлигидан

Тадбиркорлар солиқ ставкасининг янада пасайтирилиши (32,6 фоиз) тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим омиллардан деб билишади.

далолат берса, бошқа томондан ҳозирда кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги сабабли тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда асосий муаммо ташқи молиялаштириш имкониятлари эканлигини кўрсатади.

Ҳар қандай тадбиркорнинг биринчи даражали мақсади бу харажатларни камайтириш ва даромадни оширишдан иборат. Шунинг учун, тадбиркорлар солиқ ставкасининг янада пасайтирилиши (32,6 фоиз) тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим омиллардан деб билишади. Хусусан, қурилиш (47,6 фоиз), умумий овқатланиш (42,1 фоиз), улгуржи ва чакана савдо (38,3 фоиз) ва саноат (32,5 фоиз) соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик вакилларининг катта қисми солиқ ставкасини пасайтиришни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда энг самарали чоралардан бири сифатида эътироф этишган.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига муносабати. Аксарият респондентлар томонидан ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати ижобий (64,0 фоиз) баҳоланмоқда. Албатта, ушбу ислохотлар узок муддатли даврга мўлжалланган бўлиб, қисқа муддатга тез натижа бермайди. Шу боис 32,0 фоиз тадбиркорлар чора-тадбирларга ҳозирча бетараф эканликларини ошкор қилишган (6-расм).



6-расм. Ҳукумат томонидан тадбиркорни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга муносабат

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Шунингдек, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни салбий баҳолаганлар ҳам мавжуд (4,0 фоиз). Уларнинг улуши кам бўлсада, ушбу муносабатни тўғри қабул қилиш лозим.

2-жадвал

Ҳукумат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қўрилайтган чора-тадбирларнинг қайси бири энг самарали деб ҳисоблайсиз?

| Тартиб | Чора-тадбирлар | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | Саноат (енгил, оғир, озиқ-овқат ва бошқалар) | Қурилиш, биноларни таъмирлаш, архит-тектура | Улгуржи ва чакана савдо | Транспорт ва логистика операциялари | Умумий овозлаганиш | Фан, технология ва таълим | Соғлиқни сақлаш, иктимой хизматлар | Маданият ва спорт | Саъят, қўнил очиш ва дам олиш | Бошқа | ЖАМИ |
|--------|---|---------------------------------|--|---|-------------------------|-------------------------------------|--------------------|---------------------------|------------------------------------|-------------------|-------------------------------|-------|-------|
| a | Имтиёзли кредитлар | 72.7% | 45.0% | 42.9% | 33.3% | 35.7% | 39.5% | 53.3% | 24.0% | 53.8% | 35.3% | 52.0% | 43.5% |
| b | Кредитларни / сўғурта мукофотларини кечиктириш | 6.1% | 5.0% | 4.8% | 3.3% | 7.1% | 5.3% | 13.3% | 4.0% | 0.0% | 5.9% | 12.0% | 5.6% |
| c | Солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш | 9.1% | 17.5% | 47.6% | 36.7% | 0.0% | 31.6% | 6.7% | 20.0% | 15.4% | 11.8% | 20.0% | 22.9% |
| d | Транспорт имтиёзлари | 6.1% | 10.0% | 9.5% | 1.7% | 7.1% | 2.6% | 6.7% | 0.0% | 0.0% | 17.6% | 4.0% | 5.3% |
| e | Солиқ ставкасини пасайтириш | 21.2% | 32.5% | 47.6% | 38.3% | 14.3% | 42.1% | 33.3% | 32.0% | 23.1% | 23.5% | 28.0% | 32.6% |
| f | Солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш | 3.0% | 5.0% | 9.5% | 13.3% | 0.0% | 10.5% | 0.0% | 8.0% | 15.4% | 11.8% | 8.0% | 8.3% |
| g | Субсидиялаш, харажатларни қоплаш | 15.2% | 17.5% | 0.0% | 15.0% | 14.3% | 23.7% | 20.0% | 44.0% | 38.5% | 35.3% | 16.0% | 20.3% |
| h | Қайта ишлаш тўловини тўлашни кечиктириш | 0.0% | 2.5% | 0.0% | 5.0% | 0.0% | 2.6% | 0.0% | 4.0% | 7.7% | 5.9% | 0.0% | 2.7% |
| i | Божхона имтиёзлари | 12.1% | 10.0% | 14.3% | 10.0% | 7.1% | 0.0% | 13.3% | 16.0% | 0.0% | 11.8% | 8.0% | 9.3% |
| j | Бепул қайта тайёрлаш дастурлари | 3.0% | 2.5% | 0.0% | 1.7% | 0.0% | 5.3% | 20.0% | 0.0% | 15.4% | 5.9% | 4.0% | 4.0% |
| k | Ёшларни иш билан таъминлаш учун субсидиялар | 12.1% | 10.0% | 14.3% | 13.3% | 7.1% | 10.5% | 6.7% | 4.0% | 15.4% | 11.8% | 4.0% | 10.3% |
| l | Коммунал тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш фойзларини белгилаш | 3.0% | 2.5% | 4.8% | 0.0% | 0.0% | 2.6% | 13.3% | 4.0% | 7.7% | 5.9% | 0.0% | 3.0% |
| m | Субсидиялар бериш тартибларини соддалаштириш | 15.2% | 5.0% | 4.8% | 6.7% | 7.1% | 13.2% | 6.7% | 4.0% | 0.0% | 23.5% | 0.0% | 8.0% |

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Қўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳалар. Тадбиркорларнинг фикрига кўра, давлат томонидан қўшимча ёрдам қуйидаги соҳа ва тармоқларга қаратилиши айtilган. Булар: хизматлар соҳаси – 36,2 фоиз, экология (чиқиндиларга ишлов бериш, утилизация) – 22,3 фоиз, электр таъминотини барқарорлаштириш – 21,6 фоиз, яшил иқтисодиёт – 20,9 фоиз, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги – 17,9 фоиз, улгуржи ва чакана савдо – 15,9 фоиз ва бошқалар (7-расм). Умуман мавжуд имтиёз ва қулайликларнинг самарадорлигини чуқур ўрганиш ва аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.



7-расм. Бизнес соҳаларини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш, %

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Сўровнома асосида тадбиркорлар томонидан билдирилган мавжуд муаммолар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган (3-жадвал).



3-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги муаммолар ва уларнинг асосий сабаблари

| Асосий тизимли муаммолар | Муаммонинг асосий сабаблари |
|---|--|
| 1. Банк кредитлари бўйича (28,6 фоиз) | Кредит фоиз ставкасининг юқорилиги, кредит олиш тартибининг мураккаблиги, иссиқхона ташкил қилишга кредит олишдаги муаммолар ва кредит олишда бюрократик тўсиқлар мавжудлиги |
| 2. Солиқ бўйича (21,0 фоиз) | Солиқ текширувлари билан боғлиқ жарималарнинг тури кўплиги, камерал солиқ текширув кўплиги, ижтимоий солиқ ставкасининг юқорилиги, божхона тўловларининг юқорилиги |
| 3. Бўш турган бинолар ва ер ажратишдаги муаммолар (20,6 фоиз) | Биноларни ҳокимият балансидан чиқаришдаги муаммолар, бино ижараси тўловларининг қимматлиги, тадбиркорлик учун ер ажратишда ҳокимликлардаги бюрократия ва ерларни аукционга қўйилиш тартибидagi муаммолар |
| 4. Ичимлик суви ва электр таъминоти бўйича (16,0 фоиз) | - электрэнергия ва ичимлик суви таъминоти мунтазам эмас, электр таъминотида тез-тез узилишлар мавжуд |
| 5. Кадастр масалалари бўйича (13,8 фоиз) | - кадастр маълумотлари реал ҳолатга мос келмаслиги натижасида корхона фаолиятини турли тизимларда рўйхатга олишдаги муаммолар, мулкка эгаллик ҳуқуқи бошқа субъектга ўтганлиги қарамадан кадастр маълумотлари эскилигича қолиб кетаётганлиги |

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.


Респондентлар доимий муаммо бўлиб келаётган банк кредитларидан фойдаланиш ва солиқ (божхона) тизимидаги муаммоларга эътибор қаратганлар (50 фоизга яқин). Ушбу муаммоларнинг асосий сабаблари кредитни олиш ва солиқни йиғиш билан боғлиқ ташкилий-институционал механизмларнинг самарадорлиги паст эканлигидан иборат.

Иккинчи йўналишдаги муаммолар асосан ер ва давлат мулкидан фойдаланишда бюрократик тўсиқлар (20,6 фоиз) мавжудлиги бўлиб, аниқ механизм ва шаффофликнинг етишмаслигидан иборат. Ушбу йўналишга кадастр муаммоларини ҳам қўшиш мумкин (13,8 фоиз). Янги кадастрни шакллантириш механизми тўғрисида тадбиркорлар тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги бунга сабаб бўлмоқда.

Инфраструктура объектлари хизматидан фойдаланишдаги муаммолар (16,0 фоиз) нисбатан жойнинг ўзида ҳал қилиниши мумкин бўлиб, маҳаллий ҳокимиятлар уларнинг тезкор ечимини топишлари лозим.

Янги иш ўринлари яратиш. Аҳолини турмуш даражасининг ижтимоий ҳаётни яхшилашга қатъий таъсирини эътиборга олган ҳолда, сўровномадаги “Охирги уч ойда корхонангиз иш жойларида қандай ўзгаришлар рўй берди” деган саволга респондентларнинг ярмидан кўпи (50,2 фоиз) ўзгариш бўлмаганлигини билдирганлигини ижобий ҳолат деб бўлмайди. Фақатгина 17,3 фоиз тадбиркорлар иш ўринлари кўпайганлигини айтиб ўтганлар, холос. Иш жойларида вазият салбий томонга ўзгарганлигини 25,6 фоиз респондентлар эътироф этганлар, иш ўринларининг қисман қисқарганлиги – 22,3


фоизни ва оммавий қисқарганлиги – 3,3 фоизни ташкил қилган (8-расм). Олинган жавоблар тадбиркорларнинг янги қўшимча иш жойларини ташкил этишдан манфаатдор эмаслигини ва бу йўналишдаги чора-тадбирларни кўриб чиқишни талаб қилади.



8-расм. Охирги уч ойда корхонангизда иш ўринларида қандай ўзгаришлар юз берди?

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Тадбиркорлар қутилмалари. Яқин келажакда тадбиркорлик соҳасидаги вазият ўзгаришига муносабат бўйича берилган саволга тадбиркорларнинг аксарияти, яъни 79,7 фоизи ижобий жавоб берган. Шу жумладан, нисбатан яхшиланади деганлар – 58,1 фоиз, сезиларли даражада яхшиланади деб фикр билдирганлар эса – 21,6 фоизни ташкил этган. Тадбиркорлик соҳасида келгусида вазият ижобий томонга ўзгармаслигини – 16,0 фоиз тадбиркорлар таъкидлаганлар. Хусусан, “ўзгармайди” деб жавоб берганлар – 14,3 фоиз ва нисбатан ёмонлашади деганлар – 1,7 фоизни ташкил қилган (9-расм).



9-расм. Респондентларнинг келажакда тадбиркорлик соҳасидаги вазият ўзгаришига муносабати

Манба: 2023 йил март ойида ўтказилган сўров натижалари.

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- тадбиркорлик фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг (2023 йил 1-чорак) юқори баҳоланганлиги мамлакатда, ҳудудларда, тармоқларда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини кўрсатмоқда. Лекин шу билан бирга ҳозирда шакланган бизнес муҳитда айрим муаммолар ва камчиликлар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди;

- аксарият кўпчилик тадбиркорларнинг келажакдаги умидлари ва ишончлари уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг давом этиши ва бизнес муҳитнинг янада яхшиланиши билан боғлиқ;

- сўровнома яна бир бор тадбиркорлар учун яратилган қулай шароитлар ва имтиёزلардан самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаблари тадбиркорларда яратилган қулай имкониятлар тўғрисида тўлиқ маълумотнинг йўқлиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада эканлиги билан боғлиқ;

- тадбиркорлар ҳукумат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига ижобий баҳо бериб, берилаётган имтиёзлар аниқ устувор соҳаларга қаратилиши лозимлигини кўрсатиб ўтганлар (хизматлар, яшил иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма объектлари),

Юқоридагилардан келиб чиқиб чиққан ҳолда қуйидагилар таклиф этилган:

- тадбиркорлик фаолиятидаги ўзгаришлар тезкор мониторингини ташкил қилиш орқали муам-

моларга ўз вақтида муносабат билдириш, жойларда билдирилаётган таклиф ва тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳар чоракда мониторинг натижалари ва қабул қилинган қарорлар ҳақида махсус информацион платформа орқали тадбиркорларни хабардор қилиб бориш;

- тадбиркорлик субъектларининг кўпида банд бўлганлар сони 5 кишидан ошмаслиги, мавжуд ҳолат самарадорликни таъминлашда маълум қийинчиликларни туғдиришини ҳисобга олиш лозим. Ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларининг сонини ошириш билан бир қаторда уларнинг сифат кўрсаткичларини (меҳнат унумдорлиги, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва бошқалар) ҳам юқори даражага кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- тадбиркорликни барқарор электр энергияси ва сув билан таъминлашни устувор вазифа сифатида қаралиши, бир-икки йилда амалга ошириши мўлжалланаётган инвестиция дастурларини муаммо ечими қилиб кўрсатмасдан, жойнинг ўзида вақтинчалик чора-тадбирлар орқали уни ҳал қилиш йўлини топиш лозим (тизимли равишда электр энергия ишлаб чиқарадиган кичик ва содда генераторларни сотиб олишга кўмаклашиш, қуёш батареяларидан фойдаланиш, керакли сув ресурсларини етказиб бериш механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

Ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларининг сонини ошириш билан бир қаторда уларнинг сифат кўрсаткичларини (меҳнат унумдорлиги, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва бошқалар) ҳам юқори даражага кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

- жойларда аҳоли ва тадбиркорлар томонидан бизнесни ривожлантириш бўйича берилаётган таклифлар, ғоялар, инвестицион лойиҳаларни ягона ахборотлар базасини шакллантириб бориш ва амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- кўплаб тадбиркорларни давлат томонидан берилаётган имтиёزلарни билмаслиги, билса ҳам улардан фойдаланмаслиги, мавжуд имкониятларга

ишончнинг йўқлиги тарғибот-ташвиқотнинг ягона тизимини шакллантиришни тақозо қилади. Айниқса солиқ ва кредит имтиёзларидан фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш, имтиёзлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларни оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатиш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.*
3. *“Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш., 2021 йил 23 декабрь, ЎРҚ-739-сон.*
4. *2023 йил 10-25 март кунлари республикамиз ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида Институт ходимлари томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони.*

УЎК: 33.338.(575.1)

Konstantin KURPAYANIDI,
PhD (in economics), Professor,
Academician of the International Academy of Pure and Applied Sciences (USA),
Fergana polytechnic institute,
E-mail: antinari@gmail.com

The role of innovation and innovative activities in the conditions of economic transformation: analysis of theoretical aspects

Abstract: *in light of the instability of the global economy, questions arise about its future development, especially with regard to the technological component. Historical evidence shows that the emergence of technological innovations in the market has a positive impact on economic growth. The paper discusses different approaches to defining the concepts of "innovation" and "innovation activity", giving a retrospective analysis of a number of scientific papers. From this analysis, it can be concluded that the successful development of enterprises producing knowledge-intensive products requires the widespread use of various methods of innovation management. These methods should include technological, scientific, personnel, commercial, and other policies that provide a systematic solution to the problems of innovation development.*

Keywords: *analysis, innovation, innovative activity, innovative economy, R&D, transformation of the economy.*

**Iqtisodiyotni transformatsiyasi sharoitida
innovatsiyalar va innovatsion faoliyatning roli:
nazariy jihatlarini tahlil qilish**

Konstantin Kurpayanidi,
*iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor,
Xalqaro nazariy va amaliy fanlar akademiyasining
akademigi (AQSh),
Farg'ona politexnika instituti*

Annotatsiya: *jahon iqtisodiyotining beqarorligi nuqtai nazaridan, ayniqsa, texnologik komponentni hisobga olgan holda, uning kelajakdagi rivojlanishi*

haqida savol tug'iladi. Tarixiy ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, bozorda texnologik yangiliklarning paydo bo'lishi iqtisodiy o'sishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Maqolada bir qator ilmiy ishlarning retrospektiv tahlilini berib, "innovatsiya" va "innovatsion faoliyat" tushunchalarini aniqlashga turli yondashuvlar muhokama qilinadi. Ushbu tahlildan xulosa qilish mumkinki, yuqori texnologiyali mahsulotlar ishlab chiqaradigan korxonalarini muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun innovatsion menejmentning turli usullarini keng qo'llash zarur. Ushbu usullar innovatsion rivojlanish muammolarini tizimli hal qilishni ta'minlaydigan texnologik, ilmiy, kadrlar, tijorat va boshqa siyosatlarni o'z ichiga olishi kerak.

Kalit so'zlar: *tahlil, innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsion iqtisodiyot, ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlari, iqtisodiyotni o'zgartirish.*

**Роль инноваций и инновационной
деятельности в условиях трансформации
экономики: анализ теоретических аспектов**

Константин Курпаяниди,
*кандидат экономических наук, профессор,
Академик Международной академии
теоретических и прикладных наук (СИНА),
Ферганский политехнический институт*

Аннотация: *в свете нестабильности мировой экономики возникает вопрос о ее будущем развитии, особенно с учетом технологической составляющей. Исторические данные показывают, что появление технологических инноваций на рынке*

оказывает положительное влияние на экономический рост. Статья обсуждает различные подходы к определению понятий "инновации" и "инновационной деятельности", приводя ретроспективный анализ ряда научных трудов. Из данного анализа можно сделать вывод о том, что для успешного развития предприятий, производящих наукоемкую продукцию, необходимо широкое применение различных методов управления инновационной деятельностью. Эти методы должны включать технологическую, научную, кадровую, коммерческую и другие политики, обеспечивающие системное решение задач инновационного развития.

Ключевые слова: анализ, инновация, инновационная деятельность, инновационная экономика, НИОКР, трансформация экономики.

Introduction

Current processes, which are taking place in the world economy and the economy of the Republic of Uzbekistan, indicates that innovative activity, initiated by the acceleration of the pace of scientific and technological progress, significantly affects all aspects of society development and promotes the exit from the economic crisis. Currently, the innovative model of economic systems development is extremely attractive and the most appropriate for the national economy of Uzbekistan. This is especially true given the current crisis in the global economy.

Based on the theory of long-term cycles of world economic development, known as Kondratiev's long waves, the exit from an economic crisis and a new economic upturn begin with a key innovation, which gives rise to a whole range of derivative innovations in other sectors. Thus, increased innovation activity is a prerequisite for the start of recovery growth [2].

Transformation and globalization of the world economy, as well as increased volatility in the prices of natural resources and minerals are becoming a key factor in the development of socio-economic structures, due to their focus on modernisation and radical innovations. Intensive development and application of innovative solutions enables companies to produce competitive products and strengthen their position and occupy new niches in global and local markets. The development of innovation infrastructure can give firms a strong competitive advantage, which is one of the major global trends in the development of firms around the world.

Methodological, theoretical foundations of the study

For this study, methodological and theoretical frameworks combining theoretical and systems analysis were used to identify the main research directions within the general theory of innovation, describe their theoretical constructs and explore their interrelationships. In the process of research, systemic and behavioural approaches, methods of comparison and grouping, analogy and scientific assumption, logical, economic and statistical analysis and other methods were applied.

Further development of the innovation model of economic systems development in Uzbekistan requires strengthening and expanding the innovation infrastructure, prioritizing the development of innovative technologies and scientific research, as well as conducting training programs and improving competence in the field of innovation and technology. Moreover, strengthening the organisation of interaction between research institutes, universities and companies in Uzbekistan can contribute to a faster and more effective implementation of innovations in practice and make the Uzbek economy more competitive in world markets.

In addition, improved legal regulation in the area of innovation can stimulate innovation activities and facilitate investment in promising projects. In addition, the development of public-private partnerships and the creation of specialised R&D centers becomes a prerequisite for the successful implementation of technological innovations and the development of new products and services.

The innovative model of economic development stimulates not only economic growth but also new forms of employment, streamlined work processes and increased productivity. Successful expansion of the innovation sphere can also reduce the dependence of the Uzbek economy on fossil resources and increase the environmental security of the country.

Overall, the development of innovation activities is a prerequisite for the successful development of Uzbekistan's economy in the longer term.

Analysis and results

In a changing economy where knowledge and technology are becoming major sources of society's competitiveness, innovation and inventive activities are becoming increasingly crucial. Many experts and researchers have suggested that innovation activity

plays an important role in shaping the new global economic order. This review will look at the theoretical aspects of the role of innovation and innovative activities in economic transformation.

Innovation and its importance in economic development

Innovation is crucial for economic development. Schumpeter, J. A. (1934) [3] stressed that innovation is the main engine of economic growth because it increases labour productivity, saves resources and creates new goods and services to meet market demands. Porter, M. E. (1990) [4] concluded that innovation is a key factor in the competitiveness of companies and entire industries. The study of different aspects of innovation is essential for understanding the role of innovation in economic development.

Innovation activities

Innovation activities cover the whole cycle of creation, implementation and diffusion of innovation in the economy. Drucker, P. F. (1986) [5] and Nelson, R. R. (Ed.) (1993) [6] point out that innovation should be the basic strategy of all companies. Innovation activities include opening up new markets, creating innovative products and services, developing innovative technologies and optimising production processes. Therefore, in order to implement the innovation strategy it is necessary to have qualified specialists, as well as sufficient funds to invest in these projects.

Economy transformation

Economic transformation is related to the transition from goods to knowledge, cultural products and new technologies. Freeman, C. (1987) [7] points out that in a transforming economy, innovation processes become the key factor in the formation of a competitive economy. The transformation of the economy creates new opportunities for innovation activities, as not only the number of new products increases, but also their quality. Economic transformation can also create new challenges and difficulties for companies, which must adapt to rapidly changing market conditions.

The innovation system

The innovation system is the economic mechanism that enables scientific and technological progress and the development of the economy as a whole. Christensen, C. M. (1997) [8] states that the innovation system includes scientific and technical research, innovative technologies, innovative business models and other elements. Nowadays, in view of changing economic realities, it is necessary to strengthen the

innovation system in order to give a new impetus to economic development.

Innovation strategies

The development and implementation of innovation strategies is an important step in creating company competitiveness. Chesbrough, H. W. (2003) [9] and Mitra, N. (2021) [10] stress the importance of innovation strategies. Innovation strategies should combine both economic and social objectives and be adapted to market conditions. The main priorities in the development of innovation strategies are defining the main objectives, developing an action plan, allocating resources, and assessing and managing risks. Today, understanding the role of cooperation with other companies and public authorities is also important for the development of innovation activities.

Innovation and social responsibility

In Lundvall, B. Å. (1992) [11] and Freeman, C., & Soete, L. (1997) [12] emphasize the importance of linking innovation and social responsibility of companies. Innovation should solve social problems, improve people's quality of life and protect the environment. This entails not only the need for innovative development, but also the imperative of ethical and moral principles in business.

Innovation and national development

Innovation has become a major factor in a country's economic development. Fogel, R. W. (2000) [13] states that innovation improves living standards, creates new jobs and increases a country's competitiveness in the global market. Freeman, C., & Soete, L. (1997) [12] stressed that innovative development can be a key factor in a country's prosperity, especially for developing countries. The development of innovative activities requires significant investment by both companies and the government. The availability of appropriate infrastructure is also an important factor in the development of innovation in a country.

Overall, the analysis shows that innovation plays an important role in the transformation of the economy. Innovation processes allow companies to increase their competitiveness and create new products and services to meet market needs. However, the development of innovation activities requires the availability of appropriate infrastructure as well as investments. The most promising area for innovation development is in the field of information technology, as well as medical and environmental technologies.

Discussions

There is a growing interest in the topic of innovation and its role in the economic development of countries. The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) has developed a number of guidelines aimed at generating and analyzing data on science, technology and innovation. According to the Frascati Manual [14], innovation is defined as "the end result of innovative activity embodied in a new or improved product introduced into the market, a new or improved technological process used in practice, or a new approach to social services".

According to the Oslo Manual, innovation covers "any scientific, organizational, technological, commercial or financial activity which actually leads to or is conceived to bring about innovation". The guidelines distinguish four types of innovation: product, process, marketing and organizational.

It is important to note that there is currently no single interpretation of the term "innovation activity", but the definitions presented in the Frascati Manual and the Oslo Manual are widely used in practice and sufficiently reveal the essence and importance of innovation activities in the modern world.

Research in recent years has shown that innovative activity is most successful in companies that have highly skilled personnel, economic stability and a well-developed infrastructure. The aforementioned theoretical works explore the origins and nature of innovation processes, the fundamental problems of managing scientific, technological and innovation activities.

The understanding of innovation activity is different from traditional notions of economic growth, which include factors of production and increasing their efficiency. However, in today's world, innovation activities are becoming increasingly important to achieve competitive advantage and customer satisfaction. In this context, it is necessary to pay attention to the study and implementation of new technologies, R&D, marketing strategies and organizational models.

At the same time, it is worth bearing in mind that innovation is not an end in itself, but needs to address the real problems and needs of society. Today, there is a need to strengthen the innovation base of economically developed countries and create conditions for the development of innovation potential in developing countries.

Therefore, a successful innovation effort requires not only strategy and goal setting, but also thoughtful

management of processes and resources. In addition, there is a need to build partnerships between companies, public organisations and academic institutions to share knowledge, experience and technological solutions.

Thus, innovation is an important element of economic development, which should be aimed at addressing the real problems and needs of society. Creating a favourable environment for innovation and managing it through an innovation strategy and partnerships are essential conditions for successful development.

In today's world, innovation activities are becoming increasingly important in order to achieve competitive advantage and meet the needs of society. Innovation management is one of the key issues that need to be addressed in a market economy.

In his works, Van Wulfen, G. (2011). [15] proposed the FORTH (Full Steam Ahead, Observe & Learn, Raise Ideas, Test Ideas and Homecoming) method, which offers a clear sequence of actions for each stage of the innovation process. However, this method focuses more on the psychological aspects of innovators' personal development rather than creating specific mechanisms.

The problems of alignment between innovation strategies and other activities in the company, the difficulties in prioritizing between innovation projects for funding are considered by Pisano, G. P. (2015) [16], who suggests developing tools to ensure alignment between innovation strategy, processes, organizational structures and financial resource allocation procedures.

Foster, R., & Kaplan, S. (2011) [17] point out that the main problem of innovation activities is the dependence on the behaviour of the external environment. They propose to solve this problem by changing the approach to strategic planning and taking into account alternative ways of obtaining innovation.

Baranchev, V. P., Maslennikova, N. P., & Mishin, V. M. (2014) [18] note the peculiarity of innovation management in that the management object is the innovation life cycle or innovative product created based on the prior knowledge of highly qualified specialists concentrated in one place. In this case, the design is carried out by creating new knowledge, which is the product of the process.

Several models of innovation processes that can be used to organise and manage innovation activities have been presented in the economic literature. Among them are the "technological push" model proposed by M.I. Tugan-Baranovsky [19], Schumpeter, J. A.

[20], Mensch, G. [21] market pull model supported by Freeman, C., & Soete, L. (1997) [22] and Kuzma, E., Padilha, L. S., Sehnem, S., Julkovski, D. J., & Roman, D. J. (2020) [23], the integrated model of innovation processes proposed by Aoki, M., & Patrick, H. (1995) [24], the coupled innovation (coupling) model developed by Rothwell, R. (1994) [25] and Mowery, D. (1995) [26], and the innovation process in strategic networks model developed by Cooper, R. G. (1979) [27] and Oppenländer, K. H. (1977) [28].

The "technology push" model considers the source of innovation to be new achievements in science and technology, while the "demand challenge" model is based on market demand and the adequate response of enterprises in knowledge-intensive industries to consumer demands. The coupled model of innovation takes into account the presence of non-linear innovation processes, and the integrated model of innovation processes involves the integration of ideas of several groups of specialists to accelerate the process of creating new products.

Despite the differences in the innovation process models, their common feature is the focus on identifying and using new knowledge to achieve company goals. The active introduction of innovative technologies into the production process can allow the company not only to reduce production costs, but also to achieve improved product quality and increased productivity.

Overall, innovation management is a complex and multifaceted process that requires the use of different tools and approaches to achieve its goals. However, it is also important to involve the entire team of employees in the process, as innovation can arise not only from individual outstanding individuals, but also from the close collaboration of many team members.

In order to create a strong innovation culture in the company, it is necessary to provide an environment that stimulates and supports innovative ideas. This can include holding regular meetings and brainstorming sessions to generate new ideas, creating a reward system for those who make meaningful contributions to innovation, and encouraging experimentation and out-of-the-box approaches.

In addition, it is important to have the right innovation strategy and an effective innovation project management system in place. This will allow the company to identify and focus its resources on the most promising projects, identify and solve problems in a timely manner, and make quick decisions.

The innovation management process should be continuous and dynamic so that the company can adapt to changes in the market and respond quickly to new challenges.

In addition, it is important not to limit itself to internal sources of innovation, but also to consider external sources such as research institutes, universities, business partners, etc. Companies can use different forms of cooperation, such as project cooperation, joint venture, technology licensing, etc.

Finally, one of the key aspects of innovation management is the measurement and evaluation of innovation performance. Companies should define key innovation performance indicators and regularly evaluate the results of their innovation projects. This will enable the company to improve its processes and make more informed decisions in the future.

All of the above aspects of innovation management are important if companies are to remain competitive and grow successfully in a rapidly changing market environment.

In addition, innovation management requires the support of the company's management, which must understand the importance of innovation and be willing to put its support behind the implementation of innovative projects. Management must provide the necessary resources and funding for the development of innovative activities and create the conditions for the implementation of innovative ideas [29,30].

Finally, it is important to consider the cultural and social aspects of innovation management. The company must create an environment in which each employee feels free to express his or her ideas and feels part of the team. In addition, it is necessary to ensure diversity in the team and to value the opinions of different parties, which can lead to the birth of new ideas and innovations.

Overall, innovation management requires a comprehensive approach and many aspects to be considered in the process. Companies that can develop a strong innovation culture and an effective innovation management system will have advantages and opportunities for future success.

After a thorough analysis of a number of academic papers on innovation, it can be concluded that various innovation management techniques need to be widely applied for an efficient and dynamic enterprise that is engaged in the production of knowledge-intensive products. These methods should include the use

of technological, scientific, personnel, commercial and other strategies, which together will provide a systematic approach to solving problems related to innovation development.

Thus, the widespread application of enterprise innovation management methods will ensure sustainable growth and successful development in the current conditions of economic transformation.

Conclusion

The actual problem of the present time is to create conditions conducive to innovative activity and the study of the mechanisms of transforming an idea into a final product. However, insufficient attention has been paid to the problems that have a negative impact on the results of innovation activities. At present, the main risk associated with innovation activities is market risk; however, the external economic environment of a project can have a significant impact on the feasibility of innovative projects. There is some gap in the methodological support for the management of innovation activities of enterprises, despite the fact that there are many works in economic science devoted to innovation and related issues.

In the economic literature, there are a significant number of papers devoted to the specifics of knowledge-

intensive industries; however, the analysis of these papers reveals a lack of a unified methodology to define knowledge-intensive industries. It is necessary to define the criteria for classifying sectors into this category.

At present, due to economic instability, industry is undergoing profound modernization, which, including the restructuring of many enterprises in knowledge-intensive industries, requires increasing the efficiency of their innovation activities. It is productive innovation activity of knowledge-intensive enterprises that should play a key role in the transition from the resource-based model of economy to the innovative one. The ongoing and planned reorganization and modernization of enterprises in knowledge-intensive industries will require significant expenditure, and errors in planning and decision-making in the management of innovation activities can lead to costly consequences. Therefore, it is necessary to improve the methodological apparatus of innovation management of enterprises in knowledge-intensive industries, which will allow accompanying managerial decision-making. Based on the analysis of existing innovation management practices, it is advisable to develop a unified approach in methodological support of the management of this process.

References:

1. Ashurov, M.S., Kurpayanidi, K.I. (2021). *Problems and solutions for the formation of a competitive national innovation system. Monograph. - Raqobatbardosh milliy innovatsiya tizimini shakllantirish muammolari va yechimlari. Monografiya. Farg'ona: Al-Ferganus.*
2. Kondratiev waves. Electronic resource: <https://moneyman.ru/wikibank/volny-kondrateva>
3. Schumpeter, J. A. (1934). *The theory of economic development: An inquiry into profits, capital, credit, interest, and the business cycle.*
4. Porter, M. E. (1990). *New global strategies for competitive advantage. Planning Review, 18(3), 4-14.*
5. Drucker, P. F. (1986). *Innovation and entre-preneurship: practice and principles. Harper & Row.*
6. Nelson, R. R. (Ed.). (1993). *National innovation systems: a comparative analysis. Oxford University Press on Demand.*
7. Freeman, C. (1987). *Technology, policy, and economic performance: lessons from Japan. Burns & Oates.*
8. Christensen, C. M. (1997). *The Innovators's Dilemma When New Technologies Cause Great Firms to Fail (No. BOOK). Harvard Business School Press.*
9. Chesbrough, H. W. (2003). *Open innovation: The new imperative for creating and profiting from technology. Harvard Business Press.*
10. Mitra, N. (2021). *Impact of strategic management, corporate social responsibility on firm performance in the post mandate period: Evidence from India. International Journal of Corporate Social Responsibility, 6(1), 1-15.*
11. Lundvall, B. Å. (1992) *National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning.*
12. Freeman, C., & Soete, L. (1997). *The economics of industrial innovation. Psychology Press.*

-
13. Fogel, R. W. (2000). *The fourth great awakening and the future of egalitarianism*. University of Chicago Press.
 14. Manual, Frascati (2022). *Proposed standard practice for surveys on research and experimental development*. OECD Publishing ISBN: 9789264199033, 256, 2.
 15. Van Wulfen, G. (2011). *Creating innovative products and services: The FORTH innovation method*. Gower Publishing, Ltd.
 16. Pisano, G. P. (2015). *You need an innovation strategy*. *Harvard business review*, 93(6), 44-54.
 17. Foster, R., & Kaplan, S. (2011). *Creative Destruction: Why companies that are built to last underperform the market--And how to success fully transform them*. Currency.
 18. Barancheev, V. P., Maslennikova, N. P., & Mishin, V. M. (2014). *Upravlenie innovatsiyami: uchebnik dlya bakalavrov [Innovation management: textbook for bachelors]*.
 19. Tugan-Baranovsky, M. I. (1954). *Periodic industrial crises*. *Annals of the Ukrainian Academy of Arts and Sciences in the United States*, 3(3), 745-802.
 20. Witt, U. (2016). *How evolutionary is Schumpeter's theory of economic development? In Rethinking Economic Evolution (pp. 73-88)*. Edward Elgar Publishing.
 21. Mensch, G., Coutinho, C., & Kaasch, K. (1981). *Changing capital values and the propensity to innovate*. *Futures*, 13(4), 276-292.
 22. Freeman, C., & Soete, L. (1997). *The economics of industrial innovation* Routledge.
 23. Kuzma, E., Padilha, L. S., Sehnem, S., Julkovski, D. J., & Roman, D. J. (2020). *The relationship between innovation and sustainability: A meta-analytic study*. *Journal of Cleaner Production*, 259, 120745.
 24. Aoki, M., & Patrick, H. (Eds.). (1995). *The Japanese main bank system: its relevance for developing and transforming economies*. Clarendon Press.
 25. Rothwell, R. (1994). *Towards the fifth-generation innovation process*. *International marketing review*.
 26. Mowery, D. (1995). *The practice of technology policy*. *Handbook of the economics of innovation and technological change*, 513-557.
 27. Cooper, R. G. (1979). *Identifying industrial new product success: Project NewProd*. *Industrial Marketing Management*, 8(2), 124-135.
 28. Oppenländer, K. H. (1977). *Patent policies and technical progress in the Federal Republic of Germany*. In *Innovation, Economic Change and Technology Policies: Proceedings of a Seminar on Technological Innovation held in Bonn, Federal Republic of Germany, April 5 to 9, 1976 (pp. 307-329)*. Birkhäuser Basel.
 29. Kurpayanidi, K. I. *Management of innovative activities of business entities in industry / K. I. Kurpayanidi, D. E. Mamurov: AL-FERGANUS, 2022. – 200 p. DOI 10.5281/zenodo.6475830.*
 30. Kurpayanidi, K. I. *Institutional conditions for the development of entrepreneurship in the context of the transformation of the national economy / K. I. Kurpayanidi // Scientific and analytical journal Science and Practice of the Plekhanov Russian University of Economics. – 2022. – Vol. 14, No. 4(48). – P. 103-116.*
-
-

УЎК: 657.22(575.1)

Эркин МУЙДИНОВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,
Тошкент молия институти,
E-mail: emuydinov@list.ru

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида муҳимлик кўрсаткичини аниқлаш услуги

Аннотация: ушбу мақолада “муҳимлик” кўрсаткичига таъриф берилди, уни аудиторлик текширувини режалаштириш, ўтказиш ва аудит натижалари асосида аудитор хулосасини шакллантириш жараёнларига таъсири кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: аудитнинг халқаро стандартлари, муҳимлик, муҳимлик даражаси, хато, фирибгарлик, дедуктив ва индуктив ёндашув, фаолиятнинг узлуксизлиги, аудитор хулосаси.

Методика определения показателя значимости на основе международных стандартов аудита

Эркин Муйдинов,
кандидат экономических наук, доцент,
Ташкентский финансовый институт

Аннотация: в данной статье дано пояснение показателю «значимость» и рассмотрено её влияние на процессы планирования, проведения аудита и формирования аудиторского мнения по результатам аудита.

Ключевые слова: международные стандарты аудита, значимость, уровень значимости, ошибка, мошенничество, дедуктивно-индуктивный подход, непрерывность деятельности, аудиторское заключение.

Methodology for determining the significance indicator based on international auditing standards

Erkin Muydinov,
PhD (in Economics), Associate Professor,
Tashkent Financial Institute

Abstract: in this article, the concept of the indicator "materiality" is given and its influence on the processes of planning, conducting an audit and forming an audit opinion on the results of the audit is considered.

Keywords: international auditing standards, materiality, materiality level, error, fraud, deductive-inductive approach, going concern, audit report.

Кириш. “Муҳимлик” кўрсаткичларини аниқлаш, унинг даражасини баҳолаш ва олинган натижаларни аудитор хулосасига таъсирини ўрганиш халқаро аудит назарияси ва амалиётида аҳамиятли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур йўналиш, “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказиш” номли 200-сонли Аудитнинг Халқаро Стандарти (АХС) ва “Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик” деб номланган 320-сонли АХС да батафсил ёритилган.

Бошқа яна бир қатор АХСларида ҳам бу масалага эътибор қаратилган ҳолатлар жуда кўп учрайди. “Аудит жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш” номли 450-сонли АХСда эса аниқланган бузиб кўрсатишларнинг аудитга ва тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг (агар улар мавжуд бўлса) молиявий ҳисоботга таъсирини баҳолашда муҳимлик мезонини қўллаш тартиби баён этилган.

Мазкур масалага муносабат билдирилган АХСларда улар асосида аудиторлик текширувларини ўтказиётган аудиторнинг умумий мақсадлари қуйидагилардан иборат эканлиги таъкидланади:

■ аудит ўтказилаётган молиявий ҳисобот умуман олганда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага

келган жиддий бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш;

■ аудиторлик текширувини режалаштириш ва уни амалга оширишда муҳимлик концепциясини тегишли равишда қўлаш;

■ аудиторлик текширувига тортилган молиявий ҳисоботда аниқланган бузиб кўрсатишларнинг аудиторнинг хулосасига ва тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг (агар улар мавжуд бўлса) молиявий ҳисоботга таъсирини баҳолаш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Халқаро аудит назариясига оид чоп қилинган китобларнинг аксариятида –“Муҳимлик” (жиддийлик, моддийлик) иборасига, молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатишнинг энг юқори қийматини аниқлаш, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади, деб таъриф берилган. Мазкур масалани ўрганиш молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишлар ҳисоботни тузган ходимлар томонидан йўл қўйилган “хато” ёки яқка тарзда, аксарият ҳолларда уюшган гуруҳ таркибида амалга оширилган “фирибгарлик” таъсирида юзага келишини кўрсатди.

“Хато” ибораси молиявий ҳисоботларда учрайдиган ва махсус тарзда амалга оширилмаган нотўғри ёзувлар ва ҳолатларни тавсифлаш учун ишлатилади. Масалан, бузиб кўрсатишларга сабаб бўлувчи хатолар қуйидаги жараёнларда юзага келиши мумкин:

а) молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун асос бўлган маълумотларни йиғиш ёки уларга ишлов беришдаги хатоликлар (ноаниқликлар);

б) бирон-бир сумма ёки очиб бериладиган маълумотнинг тушириб қолдирилиши;

в) фактлар тушириб қолдирилиши ёки нотўғри талқин қилиниши натижасида бажарилган ҳисоблаб чиқилган баҳонинг нотўғрилиги;

г) тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг аудитор асосли эмас деб ҳисоблаётган ҳисоблаб чиқилган баҳолар ёки аудитор мувофиқ эмас деб топган ҳисоб сиёсатининг танланиши ва қўлланиши хусусидаги мулоҳазалари.

“Муҳимлик” масаласи аудит назарияси билан шуғулланувчи кўплаб олимларнинг илмий ижодларида ўз аксини топган. Жумладан, профессор М.М. Тўлаходжаеванинг таърифига кўра, “Ҳисоботларда фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилишда чалғитиши мумкин бўлган, оқибатда бефойда мо-

лиявий сарф-харажатлар, нобудгарчиликка ва зарарларга олиб келадиган хато ва тушириб қолдиришлар жиддий, муҳим (моддий) ҳисобланади” [9].

Профессор Р.Д.Дўсмуратовнинг таъкидлашича, “Жиддийлик тушунчаси аудитор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатонинг ҳажмини ва ўтказиладиган аудиторлик текширувининг кўламини аниқлаш ҳамда тузиладиган аудиторлик хулосасини белгилаш (ижобий ёки салбий) учун бирламчи ва асос бўлувчи манба ҳисобланади” [4].

Аудит назарияси ривожига беҳисса ҳисса қўшган Америкалик олим Р.Монтгомери эса, муҳимлик ҳақидаги мулоҳазалар аудитни режалаштириш ва унинг натижаларини баҳолашга таъсир қилиши, молиявий ҳисоботнинг тўғри тақдим этилганлигини аниқлашда хал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган [7].

Муҳимлик кўрсаткичининг чегараси бўйича профессор Дж. Робертсон фикр билдирган ва унинг ёзишича аксарият аудиторлар 5-10 фоиз оралиғидаги хатоликларни аҳамиятга молик бўлмаган, муҳим бўлмаган хатоликлар деб қарайдилар. 10 фоиздан юқори бўлган хатоликлар эса муҳим хатоликлар қаторига киритилади [8]. Аудит амалиётида муҳим бўлмаган четга чиқишларнинг даражасини белгилашда қуйидаги кўрсаткич ва миқдорлардан фойдаланишлари мумкинлиги тавсия этилган [6]:

- йиллик соф фойдадан - 5% гача;

- соф тушумдан - 2% гача;

- молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот валюта-сидан - 2% гача;

- хусусий капитал қийматидан – 10% гача;

- ялпи харажатлар суммасидан – 2% гача.

Муҳимлик кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи яна бир омил “Фирибгарлик” тушунчаси бўлиб, бу иборага таъриф “Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказиш пайтида аудиторнинг фирибгарликка нисбатан вазифалари” деб номланган АХС 240 да келтирилган¹. Унга кўра, фирибгарлик – раҳбарият, бошқарув юклатилган шахслар, ходимлар ёки учинчи шахслар орасидан битта ёки бир нечта шахслар томонидан алдаш йўли билан асоссиз ва ноқонуний манфаат кўриш мақсадида билиб туриб қилинадиган ҳаракатдир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунларига кўра хўжалик юритиш ва мулкчилик

¹ АХС 240 “Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказиш пайтида аудиторнинг фирибгарликка нисбатан вазифалари”, 11-банд.

шаклидан қатъий назар корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва тақдим қилинаётган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун унинг раҳбари жавобгардир. “Хато” ва “Фирибгарлик” ҳодисалари натижасида молиявий ҳисоботга муҳим бузиб кўрсатишларнинг тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида корхона раҳбарияти самарали ички назорат тизимини ташкил қилиши зарур [1].

Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик муомалаларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимидир. Ички назорат тизимининг тўғри ташкил қилинганлиги, унинг кенг қамровлилиги, унга билимли ва малакали мутахассислар жалб этилганлиги, у назоратнинг замонавий техник воситалари билан таъминланганлиги, ҳамда тизим ишининг қанчалик самарали йўлга қўйилганлиги корхона фаолияти мобайнида юз бераётган хато ва фирибгарликларни ўз вақтида аниқлаб, кейинчалик бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш имконини беради. Лекин, аудит амалиёти шуни кўрсатадики, ички назорат тизими қанчалик самарали ишламасин, барибир, хато ва фирибгарликлар таъсирида молиявий ҳисоботга бузиб кўрсатилган маълумотларнинг тушиб қолиш эҳтимоли сақланиб қолади.

Тадқиқод методологияси

Мақолани тайёрлаш жараёнида илмий тадқиқотнинг маълумотларни йиғиш, уларни ўлчаш, таҳлил қилиш усуллари қўлланилди, дедуктив усулдан фойдаланиб молиявий ҳисоботнинг йирик моддалари бўйича муҳимлик даражаси ҳисоблаб чиқилди. Бунда аудит бозорида 20 йилдан ортиқ даврда фаолият кўрсатаётган ва аудит жараёнида 5 йилдан буён халқаро стандартларни қўллаб келаётган “Profі Audit” аудиторлик ташкилоти маълумотлари ва бошқа маълумотлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро аудит амалиёти аудитор текширувни бошлашдан аввал мижоз корхона ички назорат тизимининг ҳолатига баҳо бериши ва бу орқали текширув учун тақдим этилган маълумотларга ишонч билдириш даражасини аниқлаш учун те-

гишли аудиторлик тартиб-таомилларни белгилаши лозимлигини тақозо этади. 320-сонли АХС нинг 4 бандига кўра, аудитор томонидан муҳимлик даражасини белгилаш профессионал мулоҳаза масаласи ҳисобланади ва молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини аудитор қандай тушунишига боғлиқ бўлади. **Ушбу контекстда аудитор фойдаланувчилар хусусида қуйидагиларни тахмин қилиши учун асослар мавжуд:**

а) улар бизнес, иқтисодий фаолият ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билимга эга, шунингдек молиявий ҳисоботда тақдим этилган ахборотни оқилона даражада қунт билан ўрганишга тайёр;

б) улар молиявий ҳисобот муҳимлик даражасидан келиб чиқиб тайёрлангани, тақдим этилгани ва аудит қилинаётганини тушунади;

в) улар ҳисоблаб чиқилган баҳолардан фойдаланиш, мулоҳаза юритиш ва бўлғуси воқеаларни кўриб чиқишга асосланган суммаларнинг баҳола-ниши ноаниқ эканини тан олади;

г) молиявий ҳисоботларда ифодаланган ахборотлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилади.

Аудит амалиётида муҳимлик чегараси молиявий ҳисоботда тузатилмаган ва аниқланмаган бузиб кўрсатишлар йиғиндиси молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражасидан ошиши эҳтимолини қабул қилинадиган даражагача пасайтириш мақсадида белгиланади. Юқорида таъкидланганидек муҳимлик концепцияси аудитор томонидан аудитни режалаштиришда, уни амалга оширишда ва яқунлаш жараёнида, яъни аниқланган бузиб кўрсатишларни аудиторлик хулосасига ҳамда тузатилмаган бузиб кўрсатишларни (агар улар мавжуд бўлса) молиявий ҳисоботларга таъсирини баҳолашда қўлланилади.

Аудитни режалаштириш аудит келишуви учун аудит умумий стратегиясини белгилаш ва аудит режасини ишлаб чиқишни назарда тутди. Демак, аудитор маълум тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботини ўтказилиши кутилаётган аудиторлик текширувининг умумий стратегиясини белгилаётганда ва аудиторлик текшируви режаси тузаётганда, мазкур молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражасини белгилаши лозим.

Аудит амалиётида муҳимлик даражасини ҳам сифат, ҳам юқорида келтириб ўтганимиздек миқдор кўринишида баҳолаш мумкин. Аниқланган камчиликларни сифат кўринишида баҳолашда ушбу четга чиқиш қонунчилик бўйича мазкур хўжалик муо-

малаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдан қанчалик даражада фарқ қилиши, яъни бу ҳолат қонунбузарлик ва молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигига таъсири нуқтаи назаридан “муҳим” ёки “муҳим бўлмаган” ҳодиса сифатида текширувга тортилади. **Масалан, муҳимлик даражасини сифат кўринишида баҳолаш аудит жараёнида аниқланиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатларга нисбатан қўлланиши мумкин:**

■ ҳисоб сийёсатининг мавжуд эмаслиги ёки унда акс эттирилган ҳолатларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги;

■ қонунчилик ва Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МХХС) талабларига мос тарзда очиб беришлар амалга оширилмаганлиги;

■ фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фаздан фойдаланишга асослилигини тасдиқловчи баҳолаш амалга оширилмаганлиги ёки бундай баҳолашларнинг ишончлилиги даражаси пастлиги ва ҳқ.

Муҳимлик даражаси миқдор кўринишида баҳоланганда эса 320-АХС нинг 2-бандида баён қилинганидек, бузиб кўрсатишлар, шу жумладан тушириб қолдиришлар, агар улар ўз-ўзича ёки бошқа бузиб кўрсатишлар билан бирликда, оқилона мўлжалларга кўра, фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши даражаси ўрганилади.

Аудитор муҳимликнинг оқилона даражасини аниқлаб олишда аудит ўтказилиши кутилаётган мижоз корхона молиявий ҳисоботининг аҳамиятли кўрсаткичларини ўзи учун ажратиб олиши лозим. Бунда у аудит назариясида етарлича ёритилган ва амалиётда қўлланиб келаётган қуйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин.

| Ўта этиборли модда усули | Барқарор кўрсаткичлар усули | Асосий массив усули | Таваккалчиликка мойил кўрсаткичлар усули | Оқибати муҳим кўрсаткичлар усули |
|--------------------------------|-----------------------------------|---------------------------|---|--|
|--------------------------------|-----------------------------------|---------------------------|---|--|

Чизма 1. Муҳимлик даражасини ҳисоблаш учун аҳамиятли кўрсаткичларни ажратиб олишда қўлланиладиган усуллар

Манба: *Journal of Economy and Business*, vol. 4-2 (62), 2020.

1. Ўта этиборли модда усули молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчилари биринчи навбатда этибор беришлари мумкин бўлган кўрсаткичларни танлаб олишга асосланган. Масалан, акциядорлик жамиятларида “Бир акцияга тўғри келувчи фойда” кўрсаткичи.

2. Барқарор кўрсаткичлар усулида асосан ҳисобот даврида ўта сезиларли ўзгаришларга мойил

бўлмайдиган кўрсаткичлар танлаб олинади. Масалан, акциядорлик капитали, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг якуний қиймати, узоқ муддатли активлар.

3. Асосий массив усулида кўрсаткичларни танлашда уларнинг молиявий ҳисоботлар умумий қийматидаги улуши этиборга олинади. Яъни бу усулда, улуши катта бўлган кўрсаткичлар аҳамиятли ҳисобланади.

4. Таваккалчиликка мойил кўрсаткичлар усулида бошқа кўрсаткичларга нисбатан хатоликка йўл қўйилиши юқори бўлган ҳисобот моддалари танлаб олинди.

5. Оқибати муҳим кўрсаткичлар усулида хатолик ва четга чиқишларнинг мавжудлиги қонунбузарлик билан боғлиқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган кўрсаткичлар этиборга олинади.

Халқаро аудит амалиётида уларни комбинациялашган ҳолда қўллаш тартиби кенг тарқалган. 320-сонли АХСнинг А4 бандига кўра, тадбиркорлик субъектининг шароитларига қараб, мақбул деб эътироф этилиши мумкин бўлган кўрсаткичларга мисол тариқасида ҳисоботларда акс эттирилган даромад тоифалари, хусусан солиқ солингунга қадар бўлган фойда, асосий фаолиятдан жами даромад, ялпи фойда ва жами харажатлар, жами капитал ёки активларнинг соф қийматини келтириш мумкин.

АҚШ профессорлари Аренс Э.А, Лоббек Дж.К аудит амалиётида "муҳимлик" тушунчасидан фойдаланишни бешта босқичга ажратиш маъқул деб ҳисоблайдилар [3]:

1. Муҳимликнинг дастлабки умумий қийматини аниқлаш;

2. Муҳимликнинг дастлабки умумий қийматини ҳисобот моддалари ўртасида тақсимлаш;

3. Молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддалар бўйича муҳимлик даражасининг ҳақиқий қийматини аниқлаш;

4. Молиявий ҳисобот бўйича муҳимлик даражасининг умумий ҳақиқий қийматини аниқлаш;

5. Муҳимликнинг ҳақиқий қийматини унинг дастлабки қиймати билан солиштириш.

Биринчи босқич. Муҳимликнинг дастлабки умумий қийматини аниқлаш.

Бу босқичда аудитор йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг минимал (энг паст) ва максимал (энг юқори) чегараларини аниқлайди. Минимал чегарадан пастда жойлашган хатоликлар муҳим бўлмаган хатоликлар ҳисобланади ва ауди-

тор уларни ўрганиш учун катта эътибор ажратиши шарт эмас деб ҳисобланади. Максимал чегарадан юқорида жойлашган хатоликлар эса муҳим хатоликлар ҳисобланади ва улар молиявий ҳисоботнинг тўғрилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун аудитор томонидан мукаммал тарзда ўрганиб чиқилиши лозим бўлади.

Танланган мўлжалга нисбатан қўлланиладиган фоизни белгилаш аудитордан профессионал мулоҳаза чиқаришни назарда тутати.

Тармоқлар бўйича муҳимлик даражасини аниқлаш учун қабул қилинадиган кўрсаткичлар ва уларнинг фоиз даражалари турлича бўлиши мумкин. **Масалан:**

- ◆ нефть-газ саноати корхоналари учун юқоридаги кўрсаткичларга қўшилиши ёки бирортасининг ўрнига киритилиши мумкин бўлган модда - асосий воситаларнинг қиймати;

- ◆ юк транспорти ташкилотлари учун – ташилган юклар ҳажми;

- ◆ савдо корхоналари учун - товарлар айланмаси;

- ◆ инвестиция ташкилотлари учун – солиққа тортилгунга қадар фойда ва ҳк.

Муҳимлик даражаси икки хил ёндашув асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин: дедуктив ва индуктив.

Дедуктив ёндашувда аввал аудиторлик текширувига тортилган молиявий ҳисобот бўйича умумий муҳимлик даражаси аниқланади ва сўнгра бу қиймат молиявий ҳисоботнинг аҳамиятга молик моддалари ўртасида тақсимлаб чиқилади. Индуктив ёндашувда аввал молиявий ҳисоботнинг аҳамиятга молик моддалари бўйича муҳимлик даражалари аниқланиб, сўнгра уларнинг йиғиндиси сифатида молиявий ҳисобот бўйича умумий муҳимлик даражаси топилади.

Профессор Дж.Робертсоннинг фикрича назарий жиҳатдан муҳимлик даражасига баҳо беришда дедуктив усул маъқулроқдир (8).

Муҳимлик даражаси ҳар бир миқдор учун унинг аввалги аудиторлик текширувлари натижалари, бизнесининг хусусиятлари, ишбилармон доираларда унга нисбатан бўлган ишонч даражаси ва бошқа яна бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ҳисоблаб чиқилади ва бу ҳолат аудиторнинг тегишли ишчи ҳужжати билан расмийлаштирилади.

Муҳимлик даражасини дедуктив усулда ҳисоблашга оид мисол келтирамиз.

1-жадвал

Дедуктив ёндашув асосида муҳимлик даражасини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар

| Базавий кўрсаткичларнинг номи | Базавий кўрсаткичнинг миқдори, минг сўм | Тахмин қилинаётган муҳимлик даражаси, % | Муҳимлик даражасини аниқлаш учун қабул қилинувчи миқдор, минг сўм | Улуши, % |
|---|---|---|---|------------|
| Соф тушум | 7 800 500 | 0,50% | 39 003 | 18 |
| Йиллик соф фойда | 960 300 | 4,00% | 38 412 | 17 |
| Ялпи харажатлар | 6 840 200 | 0,50% | 34 201 | 16 |
| Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот валютаси | 12 657 890 | 0,50% | 63 289 | 29 |
| Хусусий капитал | 4 369 752 | 1,00% | 43 698 | 20 |
| Жами | 32 628 642 | x | 218 602 | 100 |

Манба: *WBM Textile МЧЖ, 2022 й. молиявий ҳисоботи.*

1-вариант. Бу ҳолатда барча базавий кўрсаткичлар учун ягона муҳимлик даражаси 1-жадвалнинг 3- сатрида акс эттирилган сумма - 34 201 минг сўм деб олинади ва ундан амалиётда фойдаланишни қулайлаштириш мақсадида кўп (35000 минг сўм) ёки кам томонга (34000 минг сўм) яхлитлаб олиш мумкин. **Бунда:**

- кўп томонга яхлитлаш $(35\ 000 - 34\ 201)/34\ 201 * 100\% = 2,34\ \%$

- кам томонга яхлитлаш $(34\ 201 - 34\ 000)/34\ 201 * 100\% = 0,59\ \%$

Аудит амалиётида оғиш даражаси 20% гача бўлса амал маъқул деб ҳисобланади, ундан ортса аудитор томонидан ҳисоб-китобларни тартибга солувчи қўшимча тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Кўриб турганимиздек четга оғиш фоизлари иккала ҳолатда ҳам катта эмас. Шунинг учун танлаб олинган сумма (34 000 минг сўм) ни барча ба-

завий кўрсаткичлар учун умумий муҳимлик даражаси сифатида қабул қилинади. Бу ҳолатда, жами молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражаси эса (34 000 минг сўм*5) – 170 000 минг сўм даражасида белгиланади. Мазкур сумма Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот умумий қийматининг (170 000/12 657 890*100) – 1,34 %ини ташкил қилади ва кўрсаткич аудит амалиётида тавсия этиладиган даража (5-10%) дан кам бўлиб аудиторлик ташкилотини қониқтиради.

2-вариант. Бу ҳолатда:

а) 1-жадвалнинг 4 устунидаги маълумотлар асосида муҳимликнинг ўртача даражасини ҳисоблаб чиқамиз.

$(39\ 003 + 38\ 412 + 34\ 201 + 63\ 289 + 43\ 698)/5 = 43\ 721$ минг сўм.

б) муҳимликнинг ўртача даражасидан кўп ёки кам томонга катта фарқ қилувчи кўрсаткичларнинг қийматлари тўпладан чиқариб юборилади. Бизнинг мисолда бу суммалар 63289 минг сўм ва 34 201 сўм.

в) қолган қийматлар асосида муҳимликнинг янги ўртача миқдори аниқланади.

$(39\ 003 + 38\ 412 + 43\ 698)/5 = 40\ 371$ минг сўм.

г) фойдаланишда қулай бўлиши учун кам томонга яхлитлаб оламиз.

Шунда бизнинг мисол маълумотларига кўра барча базавий кўрсаткичлар учун умумий муҳимлик даражаси 40 000 минг сўмга тенг бўлади ва жами молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражаси (40 000 минг сўм*5) – 200 000 минг сўмни ташкил қилади. Мазкур сумма Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот умумий қийматининг (200 000/12 657 890*100) – 1,58 %ини ташкил қилади ва кўрсаткич аудит амалиётида тавсия этиладиган даража (5-10%) дан кам бўлиб аудиторлик ташкилотини қониқтиради.

– 1,58 %ини ташкил қилади ва кўрсаткич аудит амалиётида тавсия этиладиган даража (5-10%) дан кам бўлиб аудиторлик ташкилотини қониқтиради.

Муҳимлик даражасини базавий кўрсаткичларнинг ўртача қиймати бўйича аниқлаш услубиётининг бир қатор афзалликлари мавжуд. **Жумладан:**

- базавий кўрсаткичларни ўзгартириш, баъзиларини олиб ташлаш ёки янгиларини киритиш;

- базавий кўрсаткичлар улушини ўзининг билим ва амалий иш тажрибасидан келиб чиқиб ўзгартириш;

- яхлитлаш тартибини ўзгартириш;

- ўтган йилги ҳисобот кўрсаткичларини эътиборга олиш ва уларнинг ўзгариш суръатини ҳисобга олиш;

- ҳисобот шакллари ва базавий кўрсаткичларнинг алоҳида моддалари бўйича турлича муҳимлик даражаларини қўллаш;

- муҳимлик даражасини ҳисоблаш жадвали ва унинг даражасини ҳисоблашнинг ўзига хос услубиётини ишлаб чиқиш.

Иккинчи босқич. Муҳимликнинг дастлабки умумий даражасини ҳисобот моддалари ўртасида тақсимлаш.

Бу босқичда аудитор муҳимликнинг дастлабки умумий даражасини ҳисобот моддалари ўртасида тақсимлаб чиқади. Бу амални бажаришни Хусусий капитал кўрсаткичи бўйича аниқланган муҳимликнинг дастлабки даражаси (34 000 минг сўм) ни унинг алоҳида моддалари ўртасида тақсимлаш орқали тушунтириб ўтамиз.

2-жадвал

Ялпи харажатлар кўрсаткичи бўйича аниқланган муҳимликнинг дастлабки қийматини унинг моддалари ўртасида тақсимлаш тартиби

| Ялпи харажатлар моддаларининг номи | Суммаси, минг сўм | Улуши, % | Муҳимлик қийматини тақсимоти, минг сўм |
|------------------------------------|-------------------|----------------|--|
| Сотилган маҳсулот таннари | 3 470 448 | 50,74 | 17 250 |
| Сотиш харажатлари | 580 000 | 8,48 | 2 883 |
| Маъмурият харажатлари | 360 950 | 5,28 | 1 794 |
| Бошқа операцион харажатлар | 1 308 802 | 19,13 | 6 506 |
| Молиявий харажатлар | 1 120 200 | 16,37 | 5 567 |
| Жами | 6 840 200 | 100,00% | 34 000 |

Манба: *WBM Textile МЧЖ, 2022 й. молиявий ҳисоботи.*

Худди шундай тарзда молиявий ҳисоботнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган ягона муҳимлик қийматини уларни ташкил қилувчи унсурлари ўртасида тақсимлаб чиқилади. Мана шундай маълумотларга

асосланиб аудитор текширувга тортилиши кутилаётган молиявий ҳисоботнинг заиф жойлари тўғрисида дастлабки маълумотга эга бўлади ва бу ҳолатларни аудит текшируви режасини тузишда эътиборга олади.

Учинчи босқич. Молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддалар бўйича муҳимлик даражасининг ҳақиқий қийматини аниқлаш.

Бу босқичда аудитор молиявий ҳисоботда қатнашаётган ҳар бир модда бўйича ҳақиқатда йўл қўйилган хатоликлар суммаси (X) ни ҳисоблаб топади.

Агар, ҳақиқий хатолик суммаси танланмадан фойдаланган ҳолда аниқланган бўлса, мазкур модда бўйича ҳақиқатда аниқланган хатолик суммаси (A), тестга тортилган ҳужжатлардаги сумма қиймати (B) га тақсимланиб, шу модда бўйича тўпланиннг умумий суммаси (C) га кўпайтирилади:

$$X = (A/B) * C$$

Мисол: Аудиторлик текшируви жараёнида Хусусий капиталнинг “Захира капитали” моддаси бўйича қуйидаги маълумотлар олинди:

$$A = 10\,824 \text{ минг сўм,}$$

$$B = 1\,757\,860 \text{ минг сўм,}$$

$$C = 2\,510\,536 \text{ минг сўм.}$$

Ечим: $X = (A/B) * C = (10\,824 / 1\,757\,860) * 2\,510\,536 = 15\,459 \text{ минг сўм.}$

Бундан келиб чиқадики, муҳимлик даражасини аниқлаш учун қабул қилинган “Ялпи харажатлар” кўрсаткичининг “Сотилган маҳсулот таннархи” моддаси бўйича хатоликнинг танланма кузатиш натижасида олинган ҳақиқий суммаси 15 459 минг сўмни ташкил қилади. Бу эса дастлаб режалаштирилган даража (17 250 минг сўм) дан 1 791 минг сўм пастдир.

Шу тариқа молиявий ҳисобот бўйича муҳимликнинг дастлабки даражасини аниқлаш учун қабул қилинган бошқа кўрсаткичлар ва уларнинг модда-

лари бўйича бузиб кўрсатишларнинг ҳақиқий қийматлари аниқлаб чиқилади.

Ушбу ҳисоб-китобларни “Ялпи харажатлар” кўрсаткичининг бошқа моддалари бўйича ўтказганимизда улар бўйича аудиторлик текшируви натижаларига кўра хатоликларнинг ҳақиқий суммаси қуйидагиларни ташкил этди деб фараз қилайлик:

Сотиш харажатлари – 2 010 минг сўм

Маъмурият харажатлари – 2 112 минг сўм

Бошқа операцион харажатлар – 8 325 минг сўм

Молиявий харажатлар – 5 488 минг сўм.

4-босқич. Молиявий ҳисобот бўйича муҳимлик даражасининг умумий ҳақиқий қийматини аниқлаш.

Бу босқичда жами молиявий ҳисобот бўйича муҳимлик даражасининг умумий ҳақиқий даражасини ҳисоблаб чиқамиз. **Мазкур сумма,**

$$15\,459 \text{ минг} + 2\,010 \text{ минг} + 2\,112 \text{ минг} + 8\,325 \text{ минг} + 5\,488 \text{ минг} = 33\,394 \text{ минг сўмга тенг.}$$

Бу эса муҳимликнинг аниқланган дастлабки даражасидан 606 минг сўм (34 000 – 33 394) паст дамқдир

5-босқич. Муҳимликнинг ҳақиқий даражасини унинг дастлабки қиймати билан солиштириш.

Бу босқичда аудиторлик текшируви натижаларига кўра базавий кўрсаткичларининг барча моддалари бўйича танланма кузатиш асосида ҳақиқатда аниқланган хатоликлар суммалари уларнинг дастлабки қийматлари билан солиштириб чиқилади ва тегишли ишчи ҳужжати тузилади. Бу жараёни “Ялпи харажатлар” базавий кўрсаткичи моддалари бўйича амалга ошириш орқали тушунтириб ўтамыз.

3-жадвал

Ялпи харажатлар базавий кўрсаткичи бўйича ҳақиқатда аниқланган муҳимлик даражасини унинг дастлабки даражаси билан солиштириш

| Ялпи харажатлар моддаларининг номи | Дастлабки муҳимлик даражаси, минг сўм | Ҳақиқий муҳимлик даражаси, минг сўм | Фарқ суммаси, минг сўм |
|------------------------------------|---------------------------------------|-------------------------------------|------------------------|
| Сотилган маҳсулот таннархи | 17 250 | 15 459 | - 1 791 |
| Сотиш харажатлари | 2 883 | 2 010 | - 873 |
| Маъмурият харажатлари | 1 794 | 2 112 | 318 |
| Бошқа операцион харажатлар | 6 506 | 8 325 | 1 819 |
| Молиявий харажатлар | 5 567 | 5 488 | - 79 |
| Жами | 34 000 | 33 394 | - 606 |

Манба: *WBM Textile МЧЖ, 2022 й. Молиявий ҳисоботи.*

3-жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, аудит натижаларига кўра ўрганилаётган кўрсаткичининг моддалари бўйича ҳам камайиш, ҳам кўпайиш томонга фарқ юзага келган.

Бу ҳолатда ҳақиқатда аниқланган бузиб кўрсатишларга аудиторнинг муносабати масаласи “Аудит жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш” номли 400-сонли АХСнинг 6-бандида баён қилинган.

Унга кўра:

аудитор аудит умумий стратегияси ва аудит режасини қайта кўриш зарурлиги ёки зарур эмаслигини аниқлаши лозим, башарти:

а) аниқланган бузиб кўрсатишлар хусусияти ва уларнинг юзага келиши сабаблари аудит ўтказиш жараёнида йиғилган бузиб кўрсатишлар билан жамулжам ҳолда муҳим бўлиши мумкин бўлган бошқа бузиб кўрсатишлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигига ишора қилса ёки

б) аудит ўтказиш жараёнида йиғилган бузиб кўрсатишлар йиғиндиси 320-сонли АХС га мувофиқ белгиланган муҳимлик даражасига етган бўлса.

Аудит жараёнида амалда эришиладиган молиявий натижалар давр охирида кутилаётган, аввалбошдан молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражасини аниқлаш мақсадида фойдаланилган молиявий натижалардан жиддий фарқ қилиши эҳтимоли анча катта эканлиги аниқланган бўлса, аудитор дастлабки муҳимлик даражасини қайта кўриб чиқади. Бу эса аудит умумий стратегияси ва аудит режасини қайта кўриб чиқишга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатда, тегишли аудиторлик ишчи ҳужжатини тузиб қўйиш лозим бўлади. Чунки, 320-сонли АХС нинг 14-моддасида “Аудиторлик ҳужжатлари” деб номланган 230-сонли АХСга таянган ҳолда муҳимлик билан боғлиқ қайси ҳолатларда тегишли аудиторлик ҳужжатларини тузиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Жумладан:

Аудитор аудиторлик ҳужжатларига қуйидаги суммаларни, шунингдек мазкур суммаларни аниқлашда кўриб чиқилган омилларни киритиши лозим:²

- а) молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражаси ;
- б) зарур ҳолда, муомалалар, счётлар қолдиқлари ёки очиб бериладиган маълумотнинг айрим туркумлари учун муҳимлик даражаси ёки даражалари;
- в) муҳимлик чегараси;
- г) аудитни бажаришга қараб (а)-(в) бандларини ҳар қандай тарзда қайта кўриш.

Аудитор аудит ўтказиш жараёнида йиғилган барча бузиб кўрсатишлар тўғрисида тадбиркорлик субъекти раҳбариятини ўз вақтида хабардор қилиши лозим³. Шу билан бирга корхона раҳбариятига аниқланган ҳолатлар юзасидан йўлланган тақдимномада аудитор тадбиркорлик субъекти раҳбари-

ятидан бундай бузиб кўрсатишларни тузатишни ва тузатишлар киритиб бўлингач, тузатилган ва сабабини кўрсатган ҳолда тузатиш киритилмаган муҳим кўрсаткичларнинг ҳар бири тўғрисида аудиторга ёзма хабар беришни сўраши лозим.

Айрим ҳолларда тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар баъзи бир тузатилмаган бузиб кўрсатишлар бузиб кўрсатишлар эмас, деб ҳисоблашлари мумкин. Шу сабабли улар ўз ёзма баёноти таърифига қуйидаги сўзларни қўшиб қўйишлари мумкин: “Биз аудиторнинг молиявий ҳисоботнинг “...” моддаларида акс эттирилган суммалар бузиб кўрсатишлар ҳисобланади деган фикрига қўшилмаймиз, чунки [сабаблар тавсифи]”.

Бироқ, бундай билдиришни олганлик аудиторни тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсири тўғрисида ҳулосани таърифлаш заруриятидан озод этмайди⁴.

Агар тадбиркорлик субъекти раҳбарияти аудитор хабар қилган барча ёки айрим бузиб кўрсатишларни тузатишдан бош тортса, аудитор тадбиркорлик субъекти раҳбарияти бузиб кўрсатишларни тузатмаётгани сабабларини аниқлаши зарур ва молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар бор-йўқлигига баҳо бераётганда ҳамда дастлабки белгиланган таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқаётганда бу ҳолатни эътиборга олиши лозим.

Ҳулоса ва таклифлар

Кўриб турганимиздек, муҳимлик даражаси билан аудит таваккалчилиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд экан. Лекин, бу боғлиқлик тескари мазмунга эга. Яъни, муҳимлик даражаси қанча юқори бўлса аудит таваккалчилиги шунча паст бўлади ва аксинча муҳимлик даражаси пастлаб борган сари аудит таваккалчилиги даражаси кўтарилиб боради. Демак, агар аудитор аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишлар муҳимликнинг дастлабки даражасини пасайтириш томонга қайта кўриб чиқишни талаб этади деган фикрга келса, бу ҳолат аудит таваккалчилигининг дастлаб белгиланган даражасини қайта кўриб чиқиши лозимлигини англатади. Бу ҳолатда халқаро аудит амалиёти аудиторлик таваккалчилиги даражасини пасайтиришнинг икки усулидан биридан ёки иложи бўлса иккаласидан фойдаланишни тавсия этади.

2 АХС 230, “Аудиторлик ҳужжатлари”, 8–11 ва А6 бандлар.

3 АХС 260 “Бошқарув юклатилган шахслар билан ахборот алмашинуви”, 7-банд.

4 АХС 450 “Аудит жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш”, А24-банд.

Биринчи усулга кўра қўшимча аудиторлик таомилларини ўтказиш орқали назорат воситалари таваккалчилиги даражасини ва моҳияти бўйича ўтказилиши режалаштирилган тестларнинг туси, муддати ва ҳажмини ўзгартириш орқали эса аниқлай олмаслик таваккалчилиги даражасини пасайтиришни таъминлаши керак.

| Kuzatuvchi | Jazoir | 26.46 | 9.79 | 9.79 | 3.22 |
| A'zo bo'lgan yil | Mamlakat nomi | Ishsizlik darajasi,% | | | |
| | | 1993-1995y.y | 1996-1998y.y | 1999-2001y.y | 2002-2004y.y |
| 1995 | Turkiya | 8.39 | 6.79 | 7.52 | 10.58 |
| Kuzatuvchi | Eron | 10.02 | 9.75 | 11.63 | 11.54 |
| Kuzatuvchi | Jazoir | 28.60 | 26.87 | 28.46 | 22.42 |
| A'zo bo'lgan yil | Mamlakat nomi | TTXlarning YaIMdagi ulushi,% | | | |
| | | 1993-1995y.y | 1996-1998y.y | 1999-2001y.y | 2002-2004y.y |
| 1995 | Turkiya | 0.45 | 0.39 | 0.77 | 0.56 |
| Kuzatuvchi | Eron | 0.12 | 0.03 | 0.13 | 2.07 |
| Kuzatuvchi | Jazoir | 0.00 | 0.79 | 1.05 | 1.28 |

Manba: *www.wb.org va www.wto.org sayti ma'lumotlari asosida mualliflar ishlanmasi.*

Tahlil natijasi shuni ko'rsatdiki, Nazorat guruhi uchun tanlangan makroiqtisodiy ko'rsatkichlar Turkiyani Jahon savdo tashkilotiga a'zolidan keyin qisqa muddatda ijobiy natijalarga erishmadi. Uzoq muddatda esa ko'rsatkichlar ijobiy tomonga o'zgarishini ko'rishimiz mumkin, "ishsizlik" va "to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya"larda esa, kichik salbiy o'zgarish yuzaga kelgan.

Shu davrda kuzatuvchi bo'lib kelayotgan davlatlar, ya'ni Eron va Jazoirda ham o'zgarishlar Turkiya

kabi qiyosiy ma'noda iqtisodiyot yaxshilanganini ko'rishimiz mumkin. Shu sabablardan kelib chiqqan holda, Turkiyani boshqa davlatlar bilan solishtirilganda iqtisodiy rivojlanish jihatidan Jahon savdo tashkilotiga a'zoli samara bergani ko'rinmoqda.

Yuqoridagi 7-jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, Turkiya JSTga 1995-yil a'zo bo'lgan va makroiqtisodiy ko'rsatkichlaridagi o'zgarishlardan importning o'sishi tashkilotga a'zo bo'lishidan avvalgi

1993-1995-yillardagi 14,5 %dan 2002-2004-yillarda 21,87 %ga , YaIM tashkilotga a'zolikdan avvalgi 1993-1995-yillardagi 3,62 dan 2002-2004-yillarda 7,34 %ga o'sgan. Shuningdek, aholi jon boshiga YaIM hajmi 1993-1995-yillardagi 1,84 %dan

2002-2004-yillarda 5,88 %ga oshgan. Shu bilan birga, inflyatsiya darajasi 1993-1995-yillardagi 86,81 %dan 2002-2004-yillarda 25,05 ga pasaygan va bu mamlakatning makroiqtisodiy barqarorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan.

8-jadval

Turkiya Respublikasining jahon eksportidagi ulushi (foizda)

| Yil | | Tovar va xizmatlar eksporti | Mamlakat nomi | Tovar va xizmatlar eksporti | Turkiyaning jahon eksportidagi ulushi T/(W-T)*100% |
|------|-------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|--|
| 1993 | Jahon | 4885302612514,58 | Turkiya | 24636054545,45 | 0,506845188 |
| 1994 | Jahon | 5433414416973,60 | Turkiya | 27918206081,08 | 0,516478136 |
| 1995 | Jahon | 6438857551687,09 | Turkiya | 33713478165,94 | 0,526350036 |
| 1996 | Jahon | 6735000382637,19 | Turkiya | 39094658476,66 | 0,583859153 |
| 1997 | Jahon | 6996365162923,58 | Turkiya | 46664617511,52 | 0,671462277 |
| 1998 | Jahon | 6921909020185,17 | Turkiya | 57032056003,07 | 0,830780454 |
| 1999 | Jahon | 7183691245856,34 | Turkiya | 48228456781,28 | 0,675898091 |
| 2000 | Jahon | 7980541548206,70 | Turkiya | 54534716890,60 | 0,688047816 |
| 2001 | Jahon | 7730982877885,80 | Turkiya | 54839879895,56 | 0,714419728 |

Manba: *www.wb.org va www.wto.org sayti ma'lumotlari asosida mualliflar ishlanmasi.*

8-jadval asosidagi tahlil shuni ko'rsatdiki, Turkiyani jahon eksportidagi ulushi jahon savdo tashkilotiga a'zo bo'lishidan oldin 0.5 foizdan yuqori bo'lgan, a'zolikdan, ya'ni 1995-yildan so'ng esa bu ko'rsatkich 0.7 foiz atrofida bo'lib kelayotgani ifodalanmoqda. Bu esa mamlakatning eksport salohiyatida qisman yaxshilanish ro'y berayotgani ehtimolini beradi.

Natijalar. Yuqoridagi tahlillarga asoslangan holda, dunyoning 15 ta rivojlanayotgan, JSTga

a'zo mamlakatlarining 1992-2020-yillardagi panel ma'lumotlari asosida ekonometrik tadqiqot olib borildi. Unda o'zgaruvchilar sifatida: ekport, import, aholi jon boshiga YaIM, ishsizlik darajasi, TTXI, tabiiy resurslardan olinadigan rentaning YaIMdagi ulushi olindi. Shuningdek, tadqiqotda qatnashgan mamlakat JSTga a'zo bo'lgan yili uchun indikator 1, qolgan yillari uchun 0 qo'yildi.

9-jadval

Tavsifiy statistika

| O'zgaruvchilar | Kuzatuvlar soni | O'rtacha qiymat | Standart og'ish | Minimum | Maksimum |
|------------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------|-----------|
| Eksport | 435 | 3.650e+10 | 9.327e+10 | 82000000 | 5.900e+11 |
| Import | 435 | 3.302e+10 | 7.440e+10 | 1.000e+08 | 4.700e+11 |
| Ahoji jon boshiga YaIM | 435 | 3783.546 | 5011.418 | 164.293 | 25869.1 |
| Ishsizlik darajasi | 435 | 7.294 | 5.118 | 1 | 30.015 |
| TTXI | 435 | 2.862e+09 | 8.318e+09 | 0 | 7.500e+10 |
| Valyuta kursi | 435 | 171.212 | 377.913 | 0 | 2813.29 |
| Tabiiy resurslar/YaIM | 435 | 5.638 | 7.777 | .033 | 42.216 |
| Indikator o'zgaruvchi | 435 | .671 | .47 | 0 | 1 |
| ln_exp | 435 | 22.476 | 1.92 | 18.222 | 27.103 |
| ln_imp | 435 | 22.725 | 1.761 | 18.421 | 26.876 |
| ln_gdppc | 435 | 7.584 | 1.143 | 5.102 | 10.161 |
| ln_fdi | 435 | 19.417 | 3.82 | -9.21 | 25.041 |
| ln_exrate | 435 | 3.177 | 2.619 | -10.414 | 7.942 |

O'zgaruvchilar orasida multikollinearlik muammosining oldini olish maqsadida korrelyatsion matritsa tahlili o'tkazildi.

10-jadval

Korrelyatsiya matritsasi

| O'zgaruvchilar | (1) | (2) | (3) | (4) | (5) | (6) | (7) |
|--------------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|-------|
| (1) ln_exp | 1.000 | | | | | | |
| (2) ln_imp | 0.982 | 1.000 | | | | | |
| (3) ln_fdi | 0.559 | 0.556 | 1.000 | | | | |
| (4) ln_gdppc | 0.630 | 0.585 | 0.559 | 1.000 | | | |
| (5) ln_exrate | -0.255 | -0.265 | -0.061 | -0.333 | 1.000 | | |
| (6) unemp | 0.027 | 0.091 | 0.203 | 0.005 | -0.163 | 1.000 | |
| (7) nr_rent_of_gdp | 0.325 | 0.235 | 0.252 | 0.441 | 0.122 | -0.216 | 1.000 |

Regression modellarda foydalaniladigan, o'zgaruvchilarni statsionarlik bo'yicha tekshirishda ishlatiladigan Levin-Lin-Chu unit root test qo'llanildi. O'tkazilgan test natijalariga ko'ra, ln_gdppc va nr_rent_of_gdp o'zgaruvchilari statsionar emasligi aniqlandi.

11-jadval

Levin-Lin-Chu unit-root test natijalari

| O'zgaruvchilar | Statistika | | p-qiymat |
|----------------|--------------|---------|----------|
| ln_gdppc | Unadjusted t | -3.2637 | 0.1632 |
| | Adjusted t* | -0.9814 | |
| ln_exp | Unadjusted t | -5.6116 | 0.0005 |
| | Adjusted t* | -3.2677 | |
| ln_imp | Unadjusted t | -4.7652 | 0.0072 |
| | Adjusted t* | -2.4451 | |
| ln_fdi | Unadjusted t | -9.5930 | 0.0000 |
| | Adjusted t* | -5.2013 | |
| ln_exrate | Unadjusted t | -8.3872 | 0.0293 |
| | Adjusted t* | -1.8912 | |
| Unemp | Unadjusted t | -6.1029 | 0.0138 |
| | Adjusted t* | -2.2033 | |
| nr_rent_of_gdp | Unadjusted t | -8.4089 | 0.0567 |
| | Adjusted t* | -1.5830 | |

Regressiyani amalga oshirishda avtokorrelyatsiya va heteroskedastiklik muammosining oldini olish uchun Prais-Winsten regression modelidan (PCSEs) foydalanildi.

12-jadval

Prais-Winsten regression model (PCSEs) natijalari

| ln_gdppc | Model 1 | Model 2 |
|----------------|------------------------|------------------------|
| ln_fdi | 0.0262*** (0.00622) | 0.0161*** (0.00525) |
| ln_exrate | -0.0671*** (0.0220) | 0.00923 (0.0332) |
| Unemp | -0.00608 (0.00817) | -0.0467*** (0.0101) |
| nr_rent_of_gdp | 0.0159*** (0.00566) | 0.0108** (0.00532) |
| Dummy | 0.132** (0.0632) | 0.179*** (0.0599) |
| Konstanta | 6.703*** | 7.827*** |

| | | |
|---------------------|---------|---------|
| | (0.189) | (0.290) |
| Kuzatuvlar soni | 435 | 435 |
| R-kvadrat | 0.948 | 0.965 |
| Mamlakatlar ta'siri | Yo'q | Bor |

Izoh: Qavs ichida standart og'ishlar berilgan. (***) $p < 0.01$, (**) $p < 0.05$, (*) $p < 0.1$)

Regressiya natijalariga ko'ra, aholi jon boshiga YaIMga (GDP Per Capita, GDPPC) ta'sir qiluvchi omillar aniqlanganda, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, valyuta kursi, tabiiy boyliklardan olinadigan rentalarning ahamiyatlilik darajasi yuqori ekanligi aniqlandi. Bunda TTXI va tabiiy boyliklardan olinadigan rentalarning ta'siri ijobiy, valyuta kursining ta'siri esa salbiy ekanligi aniqlandi. Shuningdek, natijalarda ishsizlik darajasining ta'siri manfiy ekanligi, ammo ahamiyatlilik darajasining past ekanligini ham ko'rishimiz mumkin.

Mamlakatlarning JSTga a'zo bo'lishidan avvalgi va a'zolikdan keyingi o'zgarishlarini tahlil qilish uchun foydalanilgan indikator o'zgaruvchiga ko'ra, boshqa omillarni o'zgarimas deb qaralganda, o'rganilayotgan mamlakatlarning JST ga a'zo bo'lishi ulardagi aholi jon boshiga YaIM ning o'sishiga ijobiy ta'sir qilishi va ahamiyatlilik darajasi yuqori ekanligi aniqlandi. Bunda JST a'zo bo'lish ushbu mamlakatlarda aholi jon boshiga YaIM ning o'rtacha 13,2 % ga o'sishiga olib kelishi aniqlandi. Bu ko'rsatkich mamlakatlar alohida ta'sirini inobatga olingan holatda esa 17,9 % ga yetadi, ya'ni, JST ga a'zo bo'lish ushbu mamlakatlarda aholi jon boshiga YaIM hajmini 17,9 % ga o'sishiga olib keladi.

Berilgan tobe o'zgaruvchi, ya'ni eksport hajmi va mustaqil o'zgaruvchilar o'rtasida uzoq muddatli bog'liqlik (long-term relationship) bor yoki yo'qligini tekshirish uchun Kao kointegratsiya testi o'tkazilganda, test natijalariga ko'ra, ular orasida uzoq muddatli bog'liqlik borligi aniqlandi.

13-jadval

Prais-Winsten regression model (PCSEs) natijalari

| ln_exp | Model 1 | Model 2 |
|---------------------|-------------------------|------------------------|
| ln_fdi | 0.0270*** (0.00781) | 0.0142*** (0.00523) |
| ln_exrate | -0.0163 (0.0216) | 0.0285 (0.0343) |
| Unemp | -0.0444*** (0.00967) | -0.0691*** (0.0118) |
| nr_rent_of_gdp | 0.0293*** (0.00548) | 0.0256*** (0.00534) |
| Dummy | 0.254*** (0.0859) | 0.247*** (0.0727) |
| Konstanta | 21.19*** (0.193) | 21.40*** (0.352) |
| Kuzatuvlar soni | 435 | 435 |
| R-kvadrat | 0.995 | 0.995 |
| Mamlakatlar ta'siri | Yo'q | Bor |

Izoh: Qavs ichida standart og'ishlar berilgan. (***) $p < 0.01$, (**) $p < 0.05$, (*) $p < 0.1$)

Regressiya natijalari tahlil qilinganda, eksport hajmiga ta'sir qiladigan omillar qatoriga TTXI oqimi, ishsizlik darajasi va tabiiy resurslardan olinadigan renta darajasi hisoblanib, ularning ahamiyatlilik darajasi yuqoriligi ma'lum bo'ldi. Bunda, TTXI oqimi va renta darajasining ta'siri ijobiy bo'lsa, ishsizlik darajasining ta'siri salbiy hisoblanadi. Valyuta kursining ahamiyatlilik darajasi esa juda past. Shuningdek, JST ga a'zo bo'lishni hisoblovchi indikator (dummy) o'zgaruvchining ahamiyatlilik darajasi yuqori va ta'siri ham ijobiydir, ya'ni, boshqa omillar o'zgarimas deb qaralganda, JST ga a'zo bo'lish ushbu mamlakatlarda eksport hajmining o'rtacha 25,4 % ga

o‘shiga olib keladi. Mamlakatlarning alohida ta’sirlari hisobga olinganda esa bu ko‘rsatkich 24,7 % ni tashkil etadi va ahamiyatlilik darajasi ham ortadi.

Berilgan tobe o‘zgaruvchi, ya’ni import hajmi va mustaqil o‘zgaruvchilar o‘rtasida uzoq muddatli bog‘liqlik (long-term relationship) bor yoki yo‘qligini tekshirish uchun Kao kointegratsiya testi o‘tkazilganda, test natijalariga ko‘ra, ular orasida uzoq muddatli bog‘liqlik borligi aniqlandi.

14-jadval

Prais-Winsten regression model (PCSEs) natijalari

| ln_imp | Model 1 | Model 2 |
|---------------------|-------------------------|-------------------------|
| ln_gdppc | 0.907*** (0.0526) | 0.974*** (0.0294) |
| ln_exrate | -0.0141 (0.0162) | -0.0280** (0.0137) |
| nr_rent_of_gdp | 0.00893*** (0.00301) | 0.00933*** (0.00264) |
| Dummy | 0.115*** (0.0441) | 0.177*** (0.0427) |
| Constant | 15.80*** (0.413) | 14.35*** (0.223) |
| Kuzatuvlar soni | 435 | 435 |
| R-kvadart | 0.995 | 0.999 |
| Mamlakatlar ta’siri | Yo‘q | Bor |

Izoh: Qavs ichida standart og‘ishlar berilgan. (*** $p < 0.01$, ** $p < 0.05$, * $p < 0.1$)

Regressiya natijalariga ko‘ra, import hajmiga ta’sir qiladigan omillarga tabiiy resurslardan olinadigan renta va aholi jon boshiga to‘g‘ri keluvchi YaIM kirib, ikkalasining ham ta’siri ijobiy va ahamiyatlilik darajasi yuqoriligi ma’lum bo‘ldi.

Levin-Lin-Chun unit root test natijalariga ko‘ra, ln_gdppc o‘zgaruvchisida statsionarlik aniqlanmagani uchun regressiyada ln_gdppc ning o‘rniga uning o‘zaro farqlari (d.ln_gdppc) o‘zgaruvchi sifatida foydalanildi. Natijalarni tahlil qiladigan bo‘lsak, TTXI oqimiga ta’sir qiluvchi omillarga ishsizlik darajasi va tabiiy resurslardan olinadigan renta kirib, ularning ta’siri ijobiy va ahamiyatli ekanligi aniqlandi. TTXI oqimiga aholi jon boshiga YaIM va valyuta kursi ijobiy ta’sir qilsada, ular yuqori darajada ahamiyatga ega emas deb topildi.

Xulosa va takliflar. Tahlilda Qozog‘iston, Turkiya va Gruziya mamlakatlarining JSTga a‘zo bo‘lishi mamlakat makroiqtisodiy ko‘rsatichlariga ta’siri ko‘rib chiqilgan bo‘lib, undan ko‘rinadiki Qozog‘iston tashkilotga 2015-yilda a‘zo bo‘lgan bo‘lsa, inflyatsiya 2013-2015-yillarda o‘rtacha 6,41 % bo‘lgan, 2016-2018-yillarda 9,34 %gacha ko‘tarilgan, 2019-2021-yillarda esa, 6,66 %ga pasaygan.

Ishsizlik darajasi esa, 2013-2015-yillarda 5,06 %dan tashkilotga a‘zolikdan so‘ng pasaya boshlagan, ya’ni 2016-2018-yillarda 4,9 %ga, 2019-2021-yillarda 4,86 %gacha pasayishi kuzatilgan.

O‘tkazilgan tadqiqot natijalariga ko‘ra, tadqiqotda hisobga olingan 15 ta rivojlanayotgan mamlakatlarda JSTga a‘zo bo‘lishlik ularning eksport, import, TTXI va aholi jon boshiga YaIM hajmining o‘shiga ijobiy ta’sir ko‘rsatgan. Tanlab olingan va tadqiqotda foydalanilgan 15 ta rivojlanayotgan mamlakatlarda JSTga a‘zo bo‘lganlikning makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarga ta’siri, ya’ni aholi jon boshiga YaIM hajmi – 17,9 %, eksport – 24,7%, import – 17,7%, TTXI – 148,2%ga o‘shiga olib kelishi aniqlandi.

O‘zbekiston JSTga a‘zo bo‘lgan taqdirda, yaqin 10 yillikda yuqoridagi makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar o‘sib, iqtisodiyotimiz barqaror iqtisodiy o‘shida davom etadi.

A‘zolik mamlakatimizga TTXI hajmining oshishi natijasida innovatsion texnologiyalarning ishlab chiqarishda qo‘llanilishini orttiradi va oqibatda jahon standartlariga javob bera oladigan tovar va xizmatlar ishlab chiqariladi hamda mamlakatning raqobatbardoshligi ortadi.

Aksariyat arab mamlakatlari faqatgina JSTga a'zo mamlakatlar bilan tashqi savdo aloqalarini olib borishini hisobga olsak, agarda biz JSTga a'zo bo'lsak, aholi daromadlari yuqori bo'lgan arab mamlakatlaridagi oziq-ovqatga bo'lgan ehtiyojni qondirishidagi importni, asosan Janubi-Sharqiy Osiyo mamlakatlari bilan raqobatlashib, Yaqin Sharq oziq-ovqat bozoriga kirib boramiz. Bunda eksportimiz

asosini tashkil etuvchi oziq-ovqat mahsulotlari uchun yangi istiqbolli bozorlar topiladi.

O'zbekistonning JSTga a'zo bo'lishi mamlakatimizda jahon hamjamiyati bilan yanada integratsiyalashuviga zamin yaratadi. Shuningdek, mamlakatimiz raqobatbardoshligi ortishi uchun innovatsion texnologiyalardan foydalanishni jadallashtirishga o'tadi.

Manba va adabiyotlar

1. Mamatov B.K. (2021). *The Republic of Uzbekistan on the threshold of the World Trade Organization*. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11 (103), p. 653-655.
2. www.wb.org
3. www.wto.org

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 330.322 (575.1)

Низамиддин ХАЙДАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Инновацион ривожланиш агентлиги хузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази директорининг ўринбосари,
E-mail: khaydarov.1962@mail.ru

Инвестиция ва инновацияларнинг ривожланишида инвестиция муҳитининг тутган ўрни

Аннотация: мақолада мамлакатимиз миллий иқтисодиётида инвестициялар ва инновацияларнинг тутган ўрни ўрганилган. Шу пайтга қадар инвестиция ва инновацияларга берилган таърифлар қиёсий ўрганилиб, давр талабига жавоб берадиган муаллифлик таърифи берилган. Шунингдек, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий давлатлардан келган инвестициялар ҳисобига ташиқил этилган қўшма ва хорижий корхоналар қиёсий ўрганилган. Хорижий инвестицияларнинг тармоқ ва соҳалардаги улуши таҳлил этилган. Шунингдек, мамлакат ҳудудларида ташиқил этилган қўшма корхоналар фаолияти ўрганилиб хулосалар чиқарилган ва мос равишдаги илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инновация, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, аҳоли жон бошига инвестициялар, ҳудудий инвестициялар, хорижий инвестицияли корхоналар, қўшма корхоналар, молиявий манбалар, солиқ имтиёзлари, тармоқ ва соҳада инвестициялар.

Роль инвестиционного климата в развитии инноваций и инвестиций

Низамиддин Хайдаров,
Доктор экономических наук, профессор,
заместитель директора Центра
научно-технического развития при Агентстве
и инновационного развития

Аннотация: в статье изучены роли инвестиции и инновации в национальной экономике страны. Изучены определения инвестиции и инновации, которые даны до сегодняшнего дня, а также даны авторские определения которые соответствуют сегодняшним дням. А также рассмотрены и изучены различия совместных и иностранных предприятий. Анализирована доля зарубежных инвестиций в отраслях и сферах. В конце изучены совместные предприятия, которые созданы на территории республики и соответственно сделаны выводы и научные предложения.

Ключевые слова: инвестиции, инновации, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, инвестиции на душу населения, территориальные инвестиции, предприятия с иностранными инвестициями, совместные предприятия, финансовые источники, налоговые льготы, инвестиции в отраслях и сферах.

The role of the investment climate in the development of innovation and investment

Nizamiddin Khydarov,
Doctor of Economics, Professor, Deputy Director of
the Center for Scientific and Technical Development
at the Agency for Innovative Development

Abstract: the article examines the roles of investment and innovation in the national economy of

the country. Definitions of investment and innovation given to date are studied, as well as original definitions that correspond to today's standards. The effects of the innovation climate on investment and innovation are analyzed and examined. Differences between joint ventures and foreign enterprises are also considered and studied. The share of foreign investments in industries and spheres is scrutinized. Finally, joint ventures created within the territory of the republic are studied, leading to conclusions and scientific proposals.

Keywords: *investments, innovations, foreign investments, investment climate, investments per capita, territorial investments, enterprises with foreign investments, joint ventures, financial sources, tax benefits, investments in industries and spheres.*

Кириш. Миллий иқтисодий ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда бир қатор иқтисодий категориялар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан маркетинг, менежмент, инновация, кредит, пул, нарх, молия, инвестиция ва бошқалар. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар бир иқтисодий категориянинг миллий иқтисодийда ўзига хос ўрни мавжуд ва улар бири-иккинчисининг ўрнини бевосита боса олмайди. Масалан, молия категорияси иқтисодийдаги ишлаб чиқариш ва тақдор ишлаб чиқаришнинг доиравий айланишини таъминлаб туради. Бошқа бирор бир иқтисодий категория бу вазифани ижро қила олмайди. Шунингдек, менежмент иқтисодий категориясини оладиган бўлсак, у бир вақтнинг ўзида иқтисодий ресурслар, табиий ресурслар билан бир қаторда, меҳнат ресурсларини фаолиятини бир маромда таъминлаб туради. Худди шундай ҳар бир категорияни изохлаб чиқиш мумкин албатта. Аммо бизнинг ўрганиш ва таҳлил қилиш объектимиш инвестициялар ва инвестиция муҳити бўлгани боис, асосий урғуни айнан шу категорияга бағишлаймиз.

Даставвал инвестиция иқтисодий категориясининг ички ва ташқи моҳиятини тасвирлаб турувчи таърифини қиёсий ўрганиб чиқамиз. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, инвестиция иқтисодий категориясига кўплаб олимлар, мутахассислар билан бирга, меъёрий ҳужжатларда ҳам таъриф бериб ўтилган. Таърифларни ўрганиб ва таҳлил қилганда, шу нарса намён бўляптики, аксарият ҳолларда берилган таърифларнинг шакли турлича бўлса-да, аммо мазмунан бир векторга қараб бораверади. Биз ана шундай таърифлардан бирига тўхталиб,

сўнгра ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни бериб ўтишни лозим топдик. Хусусан, 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунда ҳам инвестицияларга таъриф берилган бўлиб у қуйидаги мазмунни акс эттиради: **“Инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:**

- маблағлар, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатлари, пайлар, улушлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

- кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, усқуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликлар);

- интеллектуал мулкка доир мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа қимматликларни”¹.

Юқорида қайд этилган таърифдан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, аввало таъриф жуда узундан-узун берилган. Бундан махсус мутахассислар у ёки бу нарсани илғаб олиши мумкин, албатта. Аммо оддий ўқувчи ёки тадбиркор бир нафасда бирор бир нарсани илғаб олиши мушкул масала. Шу боис, азалдан ҳар қандай тушунча ёки таъриф илож борица содда, қисқа, ўқиган ҳар бир инсон учун тушунарли бўлиши керак, деб айтилади. Акс ҳолда, ўқувчининг ҳафсаласи пир бўлиши муқаррар!

Ҳақиқатни англаш учун халқимизда қиёслаш ёки таққослаш керак мазмунидаги ақида бор. Шунга таянган ҳолда инвестицияга муаллифлик таърифини бериб ўтишни лозим топдик. Мақсад ўқувчи таққослаш имкониятига эга бўлиб, қайси бири мақбул бўлиши ҳақида қарор қабул қилсин-да, ўз

¹ Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 25 декабрь.

илмий фаолиятида фойдалансин. Қолаверса шаклан ва мазмунан янада тўлдирсин.

«Инвестиция бу – мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир».

Инвестицияга берилган ушбу таърифнинг яхлит (комплекс) эканлигини қуйидаги жиҳатлари билан изоҳлаш мумкин. **Жумладан:**

- мантиқ қоидаларига таянадиган бўлсак, бозор иқтисодиётини мулк шакллариининг ранг-баранглигисиз тасаввур қилиш қийин. Шунга биноан режали иқтисодиёт рад этилгандан сўнг бизда ҳам мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлиши қонунлар орқали мужассамлашган бўлиб, бугунги кунда иқтисодиётимизда хусусий мулк; ширкат (жамоа) мулки; маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкидан иборат давлат мулки; аралаш мулк ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк шакллари тенг ҳуқуқда иқтисодий ва ижтимоий фаолият юритмоқда. Демак, қорхоналар мулк шаклидан қатъий назар, қонун бўйича тенг ҳуқуқли экан, мос равишда инвестиция фаолиятини олиб боришда ҳам тенгдир;

- барча мамлакатлардаги иқтисодий тузум икки-та бир-бирини тақозо этувчи, бири иккинчисиз фаолият юргиза олмайдиган қисмдан иборат. Булар – тижорат асосида ва нотижорат асосида фаолият юритувчи қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда уларнинг таркибида иш юритувчи шахслардир. Мантиққа риоя қиладиган бўлсак, фақатгина тижорат асосида фаолият кўрсатаётган шахслар иқтисодий самара олишни дастлабки мақсад қилиб, ижтимоий самараларни иккинчи ўринга қўядилар. Нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган шахслар эса, илк ижтимоий, сиёсий самара, сўнгра иқтисодий самара олишни мақсад қилиб қўядилар. Таърифда давлат (ҳуқумат) ҳам келтириб ўтилган. Кўп йиллардан буён ўз иқтисодиётида бозор муносабатларини қўллаб келаётган давлатлар тажрибасидан, давлат тижорат ва нотижорат қорхоналар фаолиятини уйғунликда олиб бораётганлигини билиш мумкин;

- қонун доирасида кўрсатилган ҳар қандай тадбиркорлик объекти дейишимиздан мақсад фақатгина Конституция ва унинг замирида ишлаб чиқил-

ган қонунларда кўрсатилган объектларда ишлаш ва хизмат кўрсатишга даъват этилмоқда. Қонунда руҳсат берилмаган объектлар таркибига инсон умрига завола бўлувчи қурола-яроғ ишлаб чиқариш; гиёҳванд моддаларни тайёрлаш ва тарқатиш; миллатлар ўртасида низо келтириб чиқаришга ташвиқот, тарғибот қилувчи адабиётлар нашр этиш ва шунга ўхшаш фаолиятлар қиради.

Инвестицияга берилган таърифларнинг қайси бири ўқувчи учун қулай ва бир вақтнинг ўзида инвестициянинг ички ва ташқи моҳиятини очиб беришга хизмат қилишини танлашни мутолаа қилувчининг ўзига қолдирамиз.

Инновация иқтисодий категорияси ҳам кейинги 5-6 йилда кенг муомалага киритилган иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Инновациянинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни аҳамиятли бўлгани боис, 2020 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Муқаддам, аниқроғи 2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Президент Фармони қабул қилинган эди. Бироқ, 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонига биноан вазирлик негизида, Инновацион ривожланиш агентлиги ташкил этилди.

Юқорида зикр этилган қонунда, инновация иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф берилган. “Инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма”².

Таърифда имкон қадар инновациянинг ички ва ташқи маъносини англаб олиш мумкин, албатта. Қонундаги таърифда асосан инновация сўзининг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган, яъни янги ишланма билан яқун топган. Аслида янги ишланма бўладими ёки эски ишланма бўладими, уларга ихтиёрий ўзгаришларни киритган ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий самара юқори бўлишлиги устувор бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, фақат янги ишланма билан қарор қабул қилиш инновацион ёндашувни бироз секинлаштириб қўйишга замин яратади.

2 Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 24 июль.

Бирок, инновациянинг миллий иқтисодиётда ва аҳоли турмуш тарзидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқишга мувофиқ бўлинди. **Шундай қилиб:** “Инновация – бу мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кам харажат ва кам ҳаракат қилиб, олдинги натижаларга қараганда юқори ижтимоий, иқтисодий самарга эришган чора-тадбирлар ёки хатти-ҳаракатлар йиғиндиси”дир.

Инвестиция ва инновациянинг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини ҳисобга олиб, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, ушбу икки иқтисодий категория асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз даврига монанд амалга оширилмоқда. Яқин вақтлар ичида инвестиция билан боғлиқ бўлган вазифалар ҳам қабул қилинган бўлиб, улар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ҳам муносиб ўрин олган. Хусусан стратегиянинг: 26-мақсадида: мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш³.

Инвестицияларнинг иқтисодий аҳамияти эътиборга олиниб, улкан марралар кўзда тутилганини ушбу иқтибосдан ҳам кўрса бўлади. Чунки, мамлакатнинг йиллик ЯИМи 2022 йил якуни бўйича энди 80.0 млрд. АҚШ долларига етган бир пайтда, келгуси беш йилнинг ҳар бир йилида камида 24.0 млрд. АҚШ доллари ҳажмида инвестицияларни жалб этиш мисли кўрилмаган вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, жалб этиладиган инвестициянинг қарийб 60 фоизи хорижий инвестициялар бўлиши ҳам ўта аҳамиятлидир.

Тараққиёт стратегиясининг 51-мақсади: “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, sanoat корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”-га бағишланган бўлиб, унда: “Инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманларда мавжуд аналогларидан 50 фоизгача арзонлаштирилган ва сифатли, хом ашё нархига нисбатан 2-3 барабар юқори қўшилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, шу жум-

ладан умумий қиймати 165,9 миллиард сўмлик жами 195 та лойиҳани амалга ошириш”⁴ вазифаси қўйилган.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётини давр талабига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантиришда бир вақтнинг ўзида ҳам инвестициялар, ҳам инновацияларнинг ўрни беқиёс бўлаётганлигини тараққиёт стратегиясида қабул қилинган мақсадлар орқали ҳам билиб олиш мумкин. Бу ўз навбатида, режалаштирилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қулай инвестицион ва инновацион муҳитни яратишни тақозо этади.

Амалий тажрибаларни ўрганишга таяниб айтадиган бўлсак, инвестиция муҳитига берилган таърифлар ҳам анча сероб, албатта. Бизнинг фикримизча, шулар ичидан давр талабига жавоб берадигани Самира Якубова томонидан қайд этилган бўлиб, у қуйидаги мазмунни акс эттиради: “Ўзбекистонда инвестиция муҳити барқарорлигини таъминлашда умумиқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, экологик шарт-шароитлар, молиялаштиришнинг бозор механизмлари, ахборот таъминоти ва бошқалар муҳим ўрин тутди. Шунингдек, хорижий инвесторлар мамлакат иқтисодиётига маблағ киритишида инвестициявий муҳитнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, яъни хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда чиқиб кетиши, инфляция даражаси, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини, истеъмол ва жамғарма нисбати, фоиз ставкалари даражаси ҳамда хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши кабиларни ҳисобга олади. Қолаверса, инвесторлар мамлакатнинг малакали кадрлар захираси, банк-молия хизматлари сифати, монетар ва фискал сиёсат даражаларини ҳам эътиборда тутди”⁵.

Асосий қисм. Бевосита бўлмаса-да аммо билвосита инвестиция муҳитининг таркибий қисми ҳисобланган бизнес муҳитига Президентимиз ўзининг халққа мурожаатида ҳам фикр билдириб ўтган. Хусусан: “Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14

3 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 2022 йил 28 январь.

4 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 2022 йил 28 январь.

5 Самира Якубова. Инвестиция – иқтисодиётнинг юраги. 2019 йил 13 феврал. Халқ сўзи.

триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес мухитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас⁶. Президентимиз жуда тўғри қайд этиптилар, фақатгина солиқ ставкасини камайтириш билан бизнес мухити яхшиланиб қолмайди, албатта. Бунинг учун яна молиявий, ижтимоий ва сиёсий инфраструктуралар ҳам уйғунликда ташкил этилиши зарур. Чунки, бизнес субъекти учун солиқ тўлаш асосий бурчларидан бири ҳисобланади. Энг қулай муҳит тинчлик ва осойишталикда бўлиши билан бирга, бизнес натижаларидан эркин фойдаланиш ҳам ҳисобланади.

Мамлакатимизда инвестицион мухитни яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Оқилона ва одилона инвестиция мухитини яратиш пировардида аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестициялар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Янада аниқ манбага

эришиш учун 1-жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

1-жадвал маълумотларидан маълум бўляптики, мамлакатимиздаги ялпи ҳудудлар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятдаги статистик маълумотлар ўрганиш ва таҳлил объекти ҳисобланди. Мамлакат миқёсида ўрганилган бўлса, 2005 молия йилида аҳоли жон бошига тўғри келган инвестициялар ўртача 121 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, 6861 минг сўмни ташкил этиб, инфляцияни ҳисобга олмаганда айни шу даврдаги ўсиш 56,7 баробарга ошган. Тўғриси айтганда бозор иқтисодиёти учун бундай кўрсаткичнинг қарор топиши астрономик кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ, бу ерда инфляцияни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шунингдек, 16 йил мобайнида аҳолининг ўсиш даражаси ҳам хотирадан чикмаслиги керак.

1-жадвал

Аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестициялар (минг сўм)

| Худудлар | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2017 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Ўзбекистон Республикаси | 121,0 | 583,2 | 1431,7 | 2227,8 | 5834,6 | 6140,3 | 6861,0 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 95,0 | 302,6 | 3388,2 | 1542,2 | 4644,4 | 3710,0 | 4189,2 |
| Андижон вилояти | 55,3 | 282,3 | 678,4 | 999,6 | 2406,0 | 3047,2 | 3470,1 |
| Бухоро вилояти | 171,9 | 1321,5 | 2264,0 | 6254,2 | 5429,3 | 6295,0 | 10462,9 |
| Жиззах вилояти | 73,7 | 391,5 | 1033,1 | 1361,9 | 5778,9 | 8984,7 | 6470,7 |
| Қашқадарё вилояти | 190,3 | 678,5 | 1969,9 | 3583,4 | 7534,6 | 6214,7 | 5148,2 |
| Навоий вилояти | 282,3 | 2031,0 | 1965,1 | 4185,4 | 17855,2 | 15604,2 | 14672,4 |
| Наманган вилояти | 51,7 | 290,0 | 863,8 | 1340,3 | 4344,1 | 4229,2 | 4477,8 |
| Самарқанд вилояти | 70,5 | 344,0 | 912,0 | 1189,4 | 2674,9 | 3746,0 | 3920,7 |
| Сурхондарё вилояти | 89,4 | 312,7 | 773,0 | 1427,1 | 4552,8 | 3792,2 | 4438,7 |
| Сирдарё вилояти | 80,8 | 564,3 | 1382,2 | 2011,1 | 7002,9 | 8425,4 | 9257,1 |
| Тошкент вилояти | 137,2 | 618,2 | 1595,0 | 2087,2 | 6970,0 | 7169,0 | 9644,5 |
| Фарғона вилояти | 56,8 | 300,1 | 731,6 | 822,4 | 2336,2 | 2916,0 | 3272,3 |
| Хоразм вилояти | 43,8 | 264,6 | 884,7 | 1215,1 | 2718,4 | 2868,2 | 4344,3 |
| Тошкент шаҳри | 346,9 | 1472,4 | 2877,4 | 5552,7 | 16710,5 | 19065,6 | 20619,8 |

Манба: Статистика агентлиги очиқ маълумотлар портали.

Худудлар кесимида таҳлил этадиган бўлса, рақамлар янада ранг-баранглиги билан бир-бирдан ажралиб туради. Ўрганилаётган даврларда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида инвестицияларнинг аҳоли жон бошига

ўсиши бошқа худудларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради. Биргина Сирдарё вилоятини оладиган бўлса, бу кўрсаткич 2005 молия йилида 80,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 молия йилида 9257,1 минг сўмга етиб, ўрганилаётган давр ичида 104,2 баробар ортганлигини кузатиш мумкин. Бу вилоятлар ичида энг пешқадам худудлардан бири бўлмоқда. Маълумотларга таяниб айтиш мум-

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь.

кинки, ушбу ҳудудларда бошқа ҳудудларга нисбатан инвестиция муҳити яхшилиги билан ажралиб турибди.


Юқорида қайд этилган ютуқлар билан бирга, нисбатан ортда қолаётган ҳудудлар ҳам кам эмас. Улар қаторига Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятларини киритиш мумкин. Мисол учун Андижон вилояти бўйича маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2005 молия йилида инвестициялар аҳоли жон бошига атиги 55,3 минг сўм тўғри келган, 2021 молия йилида эса бу 3470,1 минг сўмга тенг бўлмоқда. Худди шундай манзарани Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам кузатиш қийин эмас. Шуниси ўзига жалб этадиган ҳолатки, айти шу вилоятлар бошқа вилоятлар ва ҳудудларга қараганда аҳоли кўп истиқомат қилаётган ҳудудлар таркибига киради. Бироқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар бўйича энг сўнгги ўринлардан бирини эгалламоқда. Бу ўз навбатида, ушбу ҳудудларда инвестиция муҳити нисбатан яхши эмаслигидан далолат бермоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини белгиловчи кўрсаткичлардан яна бири, миллий иқтисодиётга хорижий давлатлардан жалб этилаётган инвестицияларнинг ҳажми билан ҳам ўлчанади. Мамлакатимиз миллий истиқлолни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, хорижий давлатлардан инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор бериб келди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Бу соҳа шуниси билан характерлики, 2017 йилдан кейин хорижий инвестицияларнинг кўлами кескин ортиб кетмоқда. Бунга таъсир этган омиллардан бири, мамлакатда молиявий ва сиёсий инфратузилмаларнинг яхшиланиб боришидир. Хорижий мамлакатлар кесимида ташкил этилган хорижий корхона ва қўшма корхоналар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 1-диаграмма маълумотларига мурожаат қиламиз. Мамлакатимизда 2022 йил йил 1 декабрь ҳолатига жами 15497 (шундан: 6401 та қўшма корхона; 9096 та хорижий корхона)та хорижий ва қўшма корхона ташкил этилган бўлса, улар давлатлар кесимида қуйидагича манзарани касб этади.

1-диаграмма маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, биргина Россия Федерацияси инвестицияси ҳисобига 3055 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич жами шу мулкдаги корхоналарнинг 20 фоизини ташкил этмоқда. Туркия давлати билан ташкил этилган корхоналар улуши 2171 тани таш-

кил этиб, бу кўрсаткич, жами шу мулк шаклидаги корхоналарнинг 14 фоизини ташкил этмоқда. Шуниси характерлики Марказий Осиё давлатларининг Афғонистон Республикасидан ташқари барчасидан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган. Ваҳоланки, салоҳиятимиз бундан-да кучли бўлса-да, аммо маълум миқдорда ташкил этилгани ҳам қувонарли.

Ушбу маълумотларни ўрганиш натижасида ҳулоса қилиши мумкинки, Россия, ХХР, Туркия давлатлари қаторида АҚШ ва Германия давлатлари ҳам бўлиши лозим эди. Чунки, дунё иқтисодиётида айти шу давлатларнинг ўрни бекиёс даражада юқори бўлмоқда. Шунингдек, замонавий технологиялар ҳам юқори даражада ривожланган.



1-диаграмма. Давлатлар кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар тўғрисида маълумот

Манба: Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасидаги корхона ва ташкилотлар демографияси бўйича маълумот 2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра.

Мамлакат керагидан ортиқ инвестицияларни жалб этиши мумкин, албатта. Аммо улардан самарали фойдаланилмаса, Қизилкум чўлларида ёққан ёмғирдек самараси бўлмай, давлат ва халқ истиқболда қарзга ботиб қолиши эҳтимоли жуда юқори. Шу боис, жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициядан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий инвестицияларни жалб этишдан олдин обдон соҳа ёки тармоқнинг истиқболини таҳлил ва тадқиқ қилиш лозим. Акс ҳолда, қўшни Тожикистондаги шармандали ҳолат бизда ҳам қарор топиши муқаррар. Нооқилона олиб борилган инвестиция сиёсати натижасида Тожикистоннинг 1,0 фоиз ҳудуди ХХР тасарруфига ўтиб кетди. Худди шунга ўхшаш ҳолат қўшни Қирғизистон Республикасида ҳам қарор топиш эҳтимоли мавжуд бўлмоқда.

Биз ҳам қўшни давлатлардаги аянчли тажрибадан ўз вақтида сабоқ олишимиз давр талабидир.

Мамлакатимиз соҳа ва тармоқларида жойлашган хорижий инвестицияли корхоналар ҳолати бўйича аниқ манбаларга эга бўлиш учун 2-диаграмма маълумотларига мурожаат қиламиз.




2-диаграмма. Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган қўшма ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони тўғрисида маълумот

Манба: Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасидаги корхона ва ташкилотлар демографияси бўйича маълумот 2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра.

2-диаграмма маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, манзара куйидагича кўриниш олади. Миллий иқтисодиётимизнинг 8 та соҳа ва тармоқларидаги маълумотлар далолат бераптики, хорижий инвестициялик корхоналар энг кўп савдо тармоғида ташкил этилган бўлиб, жами 4700 та корхона ташкил этмоқда. Бу жами корхоналарнинг 30,3 фоизни камраб олган. Салмоғи бўйича иккинчи ўринда саноат тармоғи бўлиб, ушбу соҳада 4312 та хорижий капиталга асосланган корхона ташкил этилган бўлиб, жами ташкил этилган корхоналарнинг 27,8 фоизини ташкил этмоқда. Учинчи ўринда қурилиш соҳаси бўлиб, бу соҳада жами 1247 та корхона ташкил этилган бўлиб, улар жами корхоналарнинг 8,04 фоизини ташкил этмоқда. Ва ниҳоят, бошқа тармоқ ва соҳаларда ташкил этилган корхоналарни кузатадиган бўлсак, жами 2479 та корхона ташкил этилган ва бу жами корхоналарнинг 15,9 фоизини ташкил этмоқда.

Таҳлиллар натижасида хулоса қилиш мумкинки, саноат тармоғида хорижий инвестицияга асосланган корхоналарнинг кўп бўлиши таҳсинга сазовор, албатта. Аммо, иш ўрни нисбатан кам яратиладиган савдо соҳасида бундай натижанинг бўлиши бу соҳада тузилмавий ислохотларни олиб боришни тақозо этади. Чунки, савдо соҳасининг мисли қўрилмаган даражада кўп бўлиши, товар ва маҳсулотлар нархининг сунъий кўтарилишига ҳам олиб келади. Нархнинг кўтарилиши ўз навбатида, аҳоли ўртасида норозилик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Мамлакат миқёсида инвестиция муҳити қандай ташкил этилганлигини белгиловчи кўрсаткичлардан яна бири, бу ҳудудлар кесимида қанча хорижий инвестицияга асосланган корхоналар ташкил этилганлиги билан ҳам намоён бўлади. Ҳудудлар кесимида ташкил этилган ва рўйхатдан ўтган корхоналар ҳақида тўлиқ манбага эга бўлиши учун 3-диаграмма маълумотларига мурожаат қиламиз.



3-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида рўйхатдан ўтган хорижий ва қўшма корхоналар ҳақида маълумот

Манба: Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасидаги корхона ва ташкилотлар демографияси бўйича маълумот 2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра.

3-диаграмма маълумотларини ўрганиш натижасида намоён бўляптики, хорижий инвестицияларга асосланган корхоналарнинг жойлашуви ўта нотекислиги билан алоҳида ўринга эга. Республика бўйича рўйхатдан ўтган жами хорижий инвести-

цияга асосланган корхоналарнинг 9496 таси биргина Тошкент шаҳрига тўғри келиб, у жами корхоналарнинг 61,3 фоизини ташкил этган бир шароитда, Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатдан ўтган корхоналарнинг сони бор-йўғи 189 тани ташкил этиб, у республика бўйича жами корхоналарнинг бор-йўғи 1,2 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, аҳолиси бўйича республикада биринчи ва иккинчи ўринда турадиган Самарқанд ва Фарғона вилоятларида мос равишда 704 та ва 598 тани ташкил этмоқда. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси пойтахти, албатта. Аммо бутун республика дегани эмас. Шу боис, айна ҳудудлар кесимидаги корхоналарни ташкил этиш борасида кескин чора-тадбирлар қабул қилиш тақозо этилади. Агар республика бўйича корхоналар аҳоли жон бошига нисбатан бир маромда ташкил этиладиган бўлса, ҳудудларда ҳам янги иш ўринларини ташкил этиш анча осон кечади. Ва аҳолининг сунъий миграцияси олди олинади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инвестицияларнинг муқим қарор топишида инвестиция муҳитининг ўрни беқиёс, албатта. Инвестиция муҳитини ташкил этиш бир вақтнинг ўзида ҳам инвестициялар оқимини кенгайтириш, ҳам инновация ғояларини илгари суриш имкониятини кенгайтиришини инобатга олиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз.



Биринчидан, мамлакатда инвестициялар учун инвестиция муҳити кўшни республикаларда яратилган инвестиция муҳитидан бир қарра яхши бўлиши даркор. Инвестиция фақат иқтисодий самара олишга йўналтирилгани боис, қаерда қулайлик пайдо бўлса, бамисоли симоб каби ўша ерга қараб оқиб бораверади.

Иккинчидан, аҳолига қулай меҳнат шароити яратилса, иш жойларига бориб келиш, ҳар бир ишда касбий маҳоратга эга бўлган истеъдодли мутахассислар ишлай бошласа, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция ўз-ўзидан ортиб бораверади. Аҳоли жон бошига инвестиция ҳажми нисбатан кам бўлган Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, хорижий инвестицияли корхоналар ташкил этишда ҳар бир давлатнинг улуши жами ташкил этилган хорижий инвестицияли корхоналар улушида 10 фоиздан ортиб кетмаслигини таъминлаш шарт. Бугунги кунда бизда Россия Федерацияси, ХХР ва Туркия Республикаси инвестицияси ҳисобига ташкил топган корхоналарнинг ҳар бири 14 фоиздан 20 фоизгачани ташкил этмоқда. Ушбу давлатлардан инвестиция оқимини камайтирмаган ҳолда АҚШ, Германия, Япония ва Франция каби давлатлар инвестициясини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш керак.

Тўртинчидан, мамлакатимизда хорижий инвестицияли корхоналарни тармоқ ва соҳалар кесимида ташкил этиш савдо соҳасида 30,3 фоизни ташкил этмоқда. Амалиётдан маълумки, савдо соҳасининг бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига қараганда янги иш ўринларини ташкил этиш кўрсаткичи сезиларсиз даражада. Шу боис, векторни қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик, қурилиш соҳаларига йўналтириш лозим.

Бешинчидан, хорижий инвестицияли корхоналарни ҳудудлар кесимида ўрганилганда биргина Тошкент шаҳрида жами корхоналарнинг 61,3 фоизи жойлашгани намоён бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ташкил этилган корхоналар сони эса бор-йўғи 1,2-1,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу манзара ўз навбатида, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга миграция қилишига замин яратиши билан бирга, иккинчи бир жойда меҳнат ресурсларининг керагидан ортиғи вужудга келади. Буни баргараф этишнинг ягона йўли чекка ҳудудларда инвестиция муҳитининг ўзаги

ҳисобланган транспорт логистикаси, молиявий ва ижтимоий инфратузилмани давр талабига мос равишда ташкил этиш лозим.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш кўп муддат ва кўп сармояни ҳам талаб эта-

ди, албатта. Бироқ ижро қилишимиз шарт бўлган кўрсаткичлар сирасига киради. Бошида бироз қийин бўлади, аммо сўнгра ўз ижтимоий, иқтисодий самарасини бир неча бор кўп ҳажмда қайтаради.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 2022 йил 21 декабрь.*
3. *Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қонуни.*
4. *Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни.*
5. *Умаров Фахриддин “Худудларда хорижий инвестиция ва кредитларни жозибадорлигини статистик баҳолаш”. Ўзбекистон статистика ахборотномаси илмий электрон журнали. 2021 йил, 4-сон*
6. *Исакова Наима “Инвестицияларнинг корхона фаолиятига таъсирини статистик баҳолашнинг назарий асослари”, Ўзбекистон статистика ахборотномаси илмий электрон журнали. 2021 йил, 3-сон.*
7. *Якубова Самира. Инвестиция - иқтисодиётнинг юраги. 2019 йил 13 февраль. Халқ сўзи.*
8. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Очиқ маълумотлар контенти.*
9. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхона ва ташиқлотлар демографияси бўйича маълумот”и 2-бет.*
10. <https://aniq.uz/yangiliklar/2022-yilda-uzbekiston-va-mdh-mamlakatlari-mingdan-ortiq-qushma-korxonatashkil-etdi>

УЎК: 334.7.338.2 (575.1)

Дилноза ИБОДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг
Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришининг
иқтисодий-ҳуқуқий шароитларини яратиш
бошқармаси бош мутахассиси,
E-mail: dibodova@mineconomy.uz

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Аннотация: мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни, моҳияти ва мазмуни ёритилган. Шунингдек, уларни илм-фан ва олий таълим интеграцияси ва технологик тараққиётнинг ички ва ташқи омиллар билан узвий боғлиқликда ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, рақобатбардошлик, рақамли иқтисодиёт, инновация, рақамли тадбиркорлик, рақамлаштириш, рақобатдошлик муҳити.

Пути повышения конкурентоспособности предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях цифровой экономики

Дилноза Ибодова,
главный специалист Управления по созданию
экономически-правовых условий развития
цифровой экономики Министерства
экономики и финансов Республики Узбекистан

Аннотация: в статье освещена роль, сущность и значение цифровой экономики в повышении конкурентоспособности предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства. Также были

выдвинуты предложения по их развитию в связи с интеграцией науки и высшего образования и внутренними и внешними факторами технологического развития.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство, конкурентоспособность, цифровая экономика, инновация, цифровое предпринимательство, цифровизация, конкурентная среда.

Ways to increase the competitiveness of small business enterprises and private entrepreneurship in the conditions of a digital economy

Dilnoza Ibodova,
Chief Specialist Department for the creation
of economic and legal conditions for the
development of the digital economy
Ministry of Economy and Finance
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: the article discusses the role, essence and importance of the digital economy in improving the competitiveness of small businesses and private entrepreneurship. Additionally, proposals were put forward for their development in connection with the integration of science and higher education and internal and external factors of technological development.

Keywords: *small business and private entrepreneurship, competitiveness, digital economy, innovation, digital entrepreneurship, digitalization, competitive environment.*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 22 сентябрь кунни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида **“Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”** дейилган [1]. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинган 2020 йилда рақамлаштириш йўналишида қатор ишлар бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори қабул қилинди ҳамда тизимли амалий ишлар амалга оширилди [2]. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг трансформацияси рақамли технологияларнинг ривожланиши ва жорий этилиши билан узвий боғлиқ. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ИТ технологияларнинг жадаллашуви ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янги босқичга олиб чиқади. Бунда, рақамли иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига жорий этилиши натижасида жамият фаровонлиги даражасининг кескин оширилишига имкон яратилади. Янги турдаги инновацион ва рақамли дастурий таъминот ёки маҳсулотларнинг (товар, хизмат) пайдо бўлиши бизнес-жараёнларни қайта куриш, бизнес-моделларнинг ўзгариши, маркетингни бошқариш тизимларига ва истеъмолчилар нуқтаи назарининг ўзгаришига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ривождаги ўзгаришлар, уларнинг инновацион ва рақамлаштириш муҳитига мослашувчанлиги, бизнес-жараёнлар ва бизнес-моделларнинг ўзгариши ҳамда инновацион ва рақамли иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро таъсирларнинг ижобий жиҳатларни ўзлаштира олиши кабилар ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Бугунги кунда **республикамизда бизнесни тартибга солувчи 6 мингдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ва 40 мингга яқин техник ҳужжатлар мавжуд** [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 2-иловасида келтирилган “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда 2022 йил 9 ноябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-244-сон Фармонига мувофиқ тадбиркорларнинг замонавий фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор енгилликлар жорий қилинди [4] [5]. Хусусан, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш воситалари аниқ белгиланди. Буларга давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш, техник тартибга солиш, тариф ва нотариф тартибга солиш, мажбурий суғурта, давлат назорати, рақобатни ҳимоя қилиш, жавобгарлик киради. Қолаверса, Дастурнинг 25-мақсадида рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш белгиланган бўлса, 51-мақсадда иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш кўрсатиб ўтилган [4].

Асосий қисм. Рақобат ва рақобатбардошлик муносабатларининг моҳияти тўғрисидаги ғоялар ривожланишининг бошланиши сиёсий иқтисодиётнинг классик мактаби вакиллари томонидан қўйилган. Замонавий иқтисодиёт фанлари доирасида рақобат ва рақобатбардошлик йўналишлари таҳлили кўрсатишича, улар таркибий (Francis Y. Edgeworth, Edward H. Chamberlin, Joan V. Robinson, Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue ва б.) ва институционал (Eugen B. R von Bawerk, Friedrich A. Von Hayek, В.М.Бусыгин ва б.) бўлган. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг рақобат стратегияси эса И.Ансофф, Michael E. Porter, Г.Л.Азоев кабиларнинг асарларида батафсил кўриб чиқилган.

Иқтисодиётнинг миллий рақобатбардошлиги эволюциясининг глобаллашувига оид Е.В.Дроботнинг [6], иқтисодий фаолиятни рақамлаштиришнинг рақобатбардошликка таъсири борасида В.В.Печаткин ва Л.М.Вильдановаларнинг илмий ишларида рақобатбардошлик ва рақамлаштириш ўзаро боғлиқлиги, инновацион технологияларни қўллаш асосида узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда барқарор даромадга эришиш билан боғлайдилар [7].

Россия фанлар академияси профессори Р.В.Мещеряков [8] фикрича “рақамли иқтисодиёт” тушунчасига икки хил ёндашув мавжуд: биринчиси классик ёндашувда – рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган иқтисодиётдир, шу билан бирга бу электрон тижорат (товарлар, хизматлар) йўналиши билан ҳам таснифланади. Иккинчиси кенг ёндашувда – рақамли иқтисодиётни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш сифатида қаралади.

Томас Месенбург эса ишида рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларини назарий жиҳатдан асослаган ва унга қуйидагилар қиради:

- қўллаб-қувватловчи инфратузилма (аппарат таъминоти, дастурий таъминот, телекоммуникациялар, тармоқлар);

- электрон тижорат (ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган барча жараёнлар) [9].

Унинг фикрича рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, уларнинг анъанавий бизнесга кириб бориши, рақамли маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлиши, онлайн-каналлардан оммавий фойдаланиш, бизнес-жараёнларни қайта қуришга, бизнес-моделларнинг трансформациясига, маркетинг тизимини бошқариш ҳамда истеъмолчи хатти-ҳаракатларини ўзгартиришга олиб келади. Рақамли тадбиркорлик – бу янги рақамли технологиялардан (айниқса, ижтимоий тармоқлар, катта ҳажмдаги маълумотлар, мобил қурилмалар учун ечимлар ёки “булутли технологиялар”) фойдаланишдир. Бу ерда асосий мақсад ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, янги бизнес-моделлар ихтироси, корхоналарнинг интеллектуал мулкларини ёки истеъмолчилар билан манфаатдор томонларнинг ўзаро алоқасини яхшилаш бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Роб Клинг, Роберта Лэмб рақамли иқтисодиётни тўртта асосий таркибий қисмга ажратишган:

- Рақамли маҳсулотлар (товар, хизматлар). Рақамли технологиялар ёрдамида етказиб бериладиган маҳсулотлар, шунингдек, рақамли равишда тақдим этиладиган хизматлар турлари (масалан, онлайн ахборот хизматлари, дастурий таъминотни сотиш, электрон таълим ва бошқалар);

- Аралаш рақамли маҳсулотлар (товар, хизматлар). Маҳсулотларнинг чакана савдоси (масалан, китоблар, гуллар, меҳмонхона хоналари ва бошқа савдо-сотик);

- ИТ билан боғлиқ хизматлар ёки маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Рақамли технологиялар ёрдамига жуда боғлиқ бўлган хизматлар (бухгалтерия хизматлари ёки мураккаб техник лойиҳалар), ишлаб чиқариш (юқори аниқликни талаб этадиган маҳсулотлар ёки компьютерлар билан бошқариладиган кимёвий заводлар);

- ИТ-саноат бўғими. Юқорида келтирилган учта таркибий қисмга хизмат кўрсатади. ИТ соҳасининг маҳсулотлари кўриб чиқилади. Бунга тармоқ асбоб-ускуналари, компьютер маҳсулотлари, шунингдек, ИТ консалтинг корхоналари қиради [10].

Глобал ривожланиш институти профессори Р. Хикс, шу институт тадқиқотчиси Р.Бухтларнинг фикрича: “Технологияларнинг таъсирини мавжуд иқтисодий жараёнлар, тизимлар ва тармоқлар, тадбиркорликнинг ўзаро алоқалари ва моделларининг ўзгариши сифатида қараш мумкин. Бундан ташқари, бу жараён янги иқтисодий жараёнлар, тизимлар ва тармоқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин” [11].

Мамлакатнинг (минтақа, тармоқ) рақамли иқтисодиётга тайёрлигини баҳолаш услубиётининг тузилмасидан [12] келиб чиқиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлари мажмуасидан фойдаланган ҳолда ривожланишнинг муҳим жиҳатларини тавсифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга тайёрлиги услубиёти тузилмаси [12]



Юнеско/ИТБнинг “Ўзбекистонда инклюзив фан, технология ва инновация тизимини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида тайёрланган материалларида мамлакатдаги фан, технология ва инновация ҳолати, асосий тамойиллар ва устувор вазифалар атрофида таҳлил этилган [13]. Мазкур материалларга “ИФИТ” хорижий журналида ҳам иқтибос келтирилган ва республикадаги тадбиркорлик эко-

тизими, рақамли ва инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг таҳлили ёритилган [14].

Айнан, “ИФИТ” материалларида ҳам Дастурнинг 29 ва 51-мақсадларига урғу берилган. Шу ўринда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароит яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказилиши келтириб ўтилган. Қолаверса, маҳаллий олимларнинг монографиясида [15] мамлакатимиздаги фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, инновацион ҳамкорлик, инновацион инфратузилмалар ҳолати ҳамда янги технологияларни жорий этиш моҳияти ёритилган. Кластер тизимига ўтиш, рақобатбардошлиқни ошириш, сифат, логистика, инжиниринг, ахборот технологиялари ва бошқа ёндашувларнинг синергик эффекти хорижий тажриба асосида баён этилган.

Илмий тадқиқотлар шарҳи кўрсатишича рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, уларнинг анъанавий бизнесга кириб бориши, рақамли маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлиши, онлайн-каналлардан оммавий фойдаланиш, бизнес-жараёнларни қайта қуриш, бизнес-моделларнинг трансформациясига, маркетинг тизимини бошқариш ҳамда истеъмолчи хатти-ҳаракатларининг ўзгаришига олиб келади.

Ривожланган мамлакатлардаги каби республикамизда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларга инновацион ишланмалар, шу жумладан, рақамли технологияларнинг жорий этилиши иқтисодий ривожланишни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. **Бунини мамлакатимизда “Тадбиркор” ахборот тизимини жорий этиш орқали мутасадди ташкилот ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликлар яратилишида ҳам кўришимиз мумкин:**

- тадбиркорлик субъектлари томонидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиллик, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация олиш мақсадида онлайн буюртмалар топшириш;

- топширилган буюртмаларни “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси” (қуйида Жамғарма) томонидан тезкор онлайн кўриб чиқиш;

- тижорат банкларининг кредитлари бўйича, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, ка-

филлик, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

- тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти ва СМС-хабарнома орқали реал вақт режимида буюртмаларни кўриб чиқиш ва уларнинг ижроси ҳолатини кузатиш.

Шунингдек, бизнес муҳитини мониторинг қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш, лицензия ва рухсатномалар олиш жараёнини янада такомиллаштириш, бюрократик тўсиқлар ва коррупцион ҳолатларга барҳам бериш мақсадида соддалаштирилган сўрономалар ўтказиш тизими ишга туширилган.

Бундан ташқари, республика туман ва шаҳарларидаги бозорларда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари нархларини ҳафталик, шунингдек, “Кўйлик улгуржи деҳқон бозори”даги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва “Эски Жува Чорсу” деҳқон бозоридаги гўшт маҳсулотларининг кунлик нархларини мониторинг қилиш тизимлари жорий этилган. Қолаверса, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш, келгусида прогнозлаштириш имконини берувчи “Маълумотларни бошқариш” ахборот тизими ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳрининг геопорталини жорий этиш тажрибаси доирасида “Рақамли Тошкент” вазиятлар маркази ишга туширилган. “Рақамли Тошкент” комплекс тизими учун етарли даражада серверлар ва технологиялар билан таъминланган алоҳида маълумотлар маркази (“Дата центр”) қурилган, геопорталнинг лицензияли дастурий платформаси жорий этилган.

Юқоридаги каби ижобий жараёнлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда хизматларни бошқариш, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш, йўл транспорт, коммунал инфратузилма каби 40 дан ортиқ соҳалар бўйича маълумотларнинг интеграциялашган ахборот муҳитини ташкил этиш орқали реал вақт режимида маълумотларнинг таҳлилин юритиш ва тезкор қарорларни қабул қилиш мақсадида геопорталларни ташкил этишга оид “йўл харита” ишлаб чиқилган.

Мақолада муаллифнинг Республикамиз рақамли иқтисодиётини барқарорлаштиришдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, ахборот коммуникациялари ва технологияларнинг


аҳамияти, мавжуд ҳолат билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган материаллари ҳамда истиқболда эътиборга молик айрим қарашлари келтирилган.

2017-2021 йилларда тармоқлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 2 баробарга ошган (1-расм).




1-расм. 2017-2021 йилларда тармоқлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони
Манба: Статистика агентлиги маълумотлари.

2017-2021 йилларда ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг Навоий вилоятида 2,7 баробарга, Самарқандда 2,5 баробарга, Сурхондарёда 2,3 баробарга, Бухоро ва Қашқадарёда 2,1 баробарга ўсиши кузатилган (2-расм).




2-расм. 2017-2021 йилларда ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони
Манба: Статистика агентлиги маълумотлари.

Кичик бизнес субъектларининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 2021 йилда 54,9%ни ташкил этган (3-расм).



3-расм. 2017-2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ЯИМ ҳажмида улуши
Манба: Статистика агентлиги маълумотлари.

2017 йилда ахборот коммуникациялари ва технологиялари соҳасида 6427 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 10587 тага ортган ёки 164,7 фоизга ўсиш кузатилган бўлса, ИТ корхоналар сони ушбу даврга мос равишда 1619 тадан 3421 тага кўпайган ёки 2,1 мартага ўсган (4-расм).



4-расм. 2017-2021 йилларда ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони
Манба: Статистика агентлиги маълумотлари.

2017 йилда ЯИМ ҳажмида компьютер дастурлаш хизматлари 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 2,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, мос равишда анъанавий АКТ хизматлари (хизмат, ишлаб чиқариш, савдо) нинг 1,4 фоиздан 2,3 фоизга ўсиши кузатилган (5-расм).



5-расм. 2017-2021 йилларда рақамли иқтисодиёт соҳасининг ЯИМдаги улуши динамикаси (фоизда)

Манба: *Статистика агентлиги маълумотлари.*

Шунингдек, инновацион фаолият, рақамли ва “яшил” иқтисодиёт омиллари, кўшимча қиймат ва янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ ёндашувларга асосланиб, тегишли давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг маҳаллий корхоналарини дунёнинг топ брендлари рўйхатига киритиш ва бунда “Brand Finance” компаниясининг хизматларини жалб қилиш, ҳудудлар, соҳаларни (шу соҳа компонентларини инобатга олиб) комплекс ривожлантириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш, рақамли технологиялар (рақамли платформалар, сунъий интеллект, ахборот технологиялари) асосида янги

Мамлакатнинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясига мувофиқ келадиган қарашлар ва мақсадлар атрофида “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси (2023-2030)”ни ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлди ҳамда тегишли таклифлар тақдим этилди

услугларни трансформация (digital transformation) этишни тақозо этмоқда. Бу борадаги мамлакатнинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясига мувофиқ келадиган қарашлар ва мақсадлар атрофида “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси (2023-2030)”ни ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлди ҳамда тегишли таклифлар тақдим этилди.

Хулоса ва таклифлар. Рақамли иқтисодиёт инсон ва жамиятдан ҳаётга янги қарашни талаб қилишни қайд этамиз. *Биринчидан*, постиндустриал жамиятда ўзаро алоқалар, ахборот-коммуникациялар кенг ривожланади. *Иккинчидан*, маълумотлар алмашиши тезлашади. *Учинчидан*, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини оширишда маълум бир маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва шу асосда хизматлар кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш сифатини оширишга имкон яратилади. Шу билан бирга, сунъий интеллект рақамли технологиялари таъсирида янги ғоялар, кадриятлар, касблар пайдо бўлади, маданият ўзгаради. Инсон, бир томондан, технологик инновацияларнинг фаол бошқарувчиси бўлса, бошқа томондан, уларнинг таъсири остида бўлади. Рақамли иқтисодиётнинг вазифаларидан бири – жараёндаги барча иштирокчиларни янги маҳсулотлар, ғоялар, технологияларни фаол яратишга жалб қилиш учун воситалар, усулларни топишга ундайди. Бунинг учун албатта, тадбиркорлик, илм-фан ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқликда ривожлантириш, зарур институционал ва инфратузилмавий шароитларни яратишни тақозо этади. **Бу ўз навбатида қуйидаги омиллар билан боғлиқдир:**

- иқтисодий ва сиёсий воқеликлар технологик инновациялар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади. Бу жараёнларни кичик ва хусусий бизнес тадбиркорлик корхоналари томонидан амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиш;

- рақамли иқтисодиёт бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ижтимоий-иқтисодий йўналишларда инновацион, рақамли, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларининг қўлланилиши, рақамли трансформация даражалари, рақамли тадбиркорлик ҳолатини таҳлил қилиш, ривожланишга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда

бу борадаги давлат сиёсати юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, унинг молиявий механизм ва инструментларини такомиллаштириш, стартапларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, мукобил инвестициялар, жумладан, венчур молиялаштириш, венчур фондларининг иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатнинг белгиланиши ҳамда амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида рақамли, илмий сиғимли ва инновацион технологиялар улушини ошириш, инновациялар ва рақамлаштириш асосида мавжуд ҳолатни юксалтириш;

- ҳудудларда соҳа ва соҳалараро ички ва ташқи интеграцияни кучайтириб, рақамли, инновацион, инвестицион жараёнларни жадаллаштириш, яратувчанликни рағбатлантириш билан илмий-тадқиқотлар самардорлигини ошириш, мавжуд илмий салоҳият, ахборот-ресурс марказларининг илмий захираларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- рақамли инклюзивлик, рақамли технологиялар бўйича ҳудудлар ва аҳоли қатламлари ўртасида фарқни камайтириш, рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш ва бирхиллаштириш, аҳолининг рақамли билимларини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини рақамли трансформация қилиш, “бизнес – истеъмолчи – ҳукумат” муносабатлари ва жараёнларнинг рақамлаштирилишини жадаллаштириш

бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

- рақамли иқтисодиёт қўламини ўлчашда маълумотлар қамровининг торлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ушбу жараёнларда иштирокини аниқлаш қийинлиги билан мураккаблашади. Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг прогнозлари бажарилишини таҳлил қилиш, мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ҳамда уларни баргараф этиш чораларини кўриш.

Шу билан бирга, жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатадиган дастурий таъминотни такомиллаштириш ва ускуналарнинг ҳисоблаш қувватини ошириш, ахборот билан ишлаш имкониятларини кенгайтириш, маълумотларни қайта ишлашнинг жуда юқори тезлигини, ишончли ва хатосиз ишлашини таъминлаш, кўп турдаги монотон, мунтазам ва хавфли ишларни бажаришда инсон омили иштирокини камайтириш чораларини кўриш, технологик тараққиётнинг юқори тезлиги эҳтиёткорликни талаб қилишини эътиборга олиб киберхавфсизликни таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқи, алгоритмлар ва маълумотларга эгалик масаласини диққат билан кўриб чиқиш лозим бўлади. Яна бир хавфли оқибат – бу жамиятдаги тенгсизликни кучайтириш учун сабаб бўлиши мумкин бўлган шахслар ва бутун мамлакатлар учун рақамли тўсиқ хавфи. Роботлаштириш натижасида аксарият аҳоли иш ўринларини йўқотиши хавфи ҳам йўқ эмас.

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатнинг ушбу жараёнга ҳақиқий тайёргарлигига асосланиши керак, шунда харажатлар ўзини оқлайди, ишонччилик, очиқлик ва хавфсизлик таъминланади.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 22 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ” мавзусидаги видеоселектор йиғилиши* (<https://president.uz/uz/lists/view/3848>).

2. *Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари базаси.* <https://lex.uz/uz/docs/4800657>

3. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 15 ноябрь куни тадбиркорлар учун қулайликларни ошириш чоралари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилиши* (<https://president.uz/uz/lists/view/5701>).

4. *Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари базаси.* <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

5. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари базаси. <https://lex.uz/uz/docs/6279879>
 6. Е.В.Дробот. Особенности формирования конкурентоспособности национальной экономики России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Санкт-Петербург. 2004. Стр.16.
 7. В.В.Печаткин, Л.М.Вильданова. Уровень цифровизации видов экономической деятельности как фактор их конкурентоспособности в условиях пандемии. Вопросы инновационной экономики. Том 11. №1. Январь-март 2021. Russian Journal of Innovation Economics. Стр.47-60. 10.18334/vines.11.1.111893
 8. Навстречу «цифровому обществу»: экспертные оценки; экспертный институт социальных исследований. — М.:Наука, 2019. 250 с.
 9. Дудин М.Н. Цифровое предпринимательство в сфере услуг и торговом секторе: сущность, цели, задачи, оценка экономических выгод. М.Н.Дудин, З.К.Омарова. 2019.
 10. Kling R., Lamb R. IT and Organizational Change in Digital Economies. Understanding the Digital Economy. E. Brynjolfsson, B. Kahin (eds). Cambridge: MIT Press. 2000 y. p. 295–324.
 11. Ричард Хикс, Румана Бухт. Определение, концепция и измерение цифровой экономики. Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика. 2018. №2. cyberleninka.ru/article/n/opredelenie-kontseptsiya-i-izmerenie-tsifrovoy-ekonomiki.
 12. Конкуренция в цифровую эпоху: стратегические вызовы для Российской Федерации. Доклад о развитии цифровой экономики в России. Всемирный банк. 2018. сентябрь. С. 4.
 13. Ўзбекистон Республикасининг илм-фан, технология ва инновация соҳаларидаги миллий сиёсати (2022-2030 йй.)
<https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000374566>.
 14. “Ўзбекистонда тадбиркорлик экотизими” IFIT (Institute For Integrated Transitions) журналы, 2022 йил, ноябрь.
(<https://ifit-transitions.org/wp-content/uploads/2022/11/IFIT-Uzbekistan-BT-Entrepreneurial-Ecosystem-in-Uzbekistan.pdf>).
 15. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов, У.Б.Шукуруллаев. Инновациялар ва кластерлаштириши иқтисодий тараққиёт кафолати. Монография. Т.: “Калеон” 2022. 176 бет.
 16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019, 2020, 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, рақамли иқтисодиёт ривожланишининг асосий маълумотлари.
-
-

УЎК: 330.332.(575.1)

Музаффар КАРИМОВ,
PhD (по экономическим наукам),
руководитель проекта Института макроэкономических и
региональных исследований,
E-mail: cadamer85@gmail.com,
Ислом ХУДАЙБЕРДИЕВ,
старший научный сотрудник Института
макроэкономических и региональных исследований,
E-mail: ixudoyberdiyev222@gmail.com

Развитие новых и нетрадиционных источников финансирования в Узбекистане

Аннотация: *сегодня для поддержания существующей динамики экономического развития, достигнутого в стране и обеспечения дальнейшего роста становится важным широкое использование не только традиционных, но и альтернативных источников финансирования. С этой целью в данной статье были проанализированы международные тенденции в сфере новых и нетрадиционных источников финансирования и их текущее состояние в Узбекистане.*

Ключевые слова: *инвестиции, источники финансирования, «зеленые» инвестиции, исламские финансы, смешанное финансирование, мировая экономика, Узбекистан.*

О‘zbekistonda yangi va noan‘anaviy moliyalashtirish manbalarini rivojlantirish

Muzaffar Karimov,
PhD (iqtisodiyot fanlari bo‘yicha),
Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti
loyiha rahbari,
Islom Xudayberdiyev
Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti
katta ilmiy xodimi

Аннотация: *bugungi kunda mamlakatda erishilayotgan iqtisodiy taraqqiyotning mavjud o‘shish dinamikasi barqarorligini ta‘minlash va yanada yuksalishini rag‘batlantirish uchun nafaqat an‘anaviy*

balki muqobil moliyalashtirish manbalaridan ham keng foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu maqsadda ayni maqolada yangicha va noan‘anaviy moliyalashtirish manbalar sohasidagi xalqaro tendensiyalar va ularning O‘zbekistondagi mavjud holati tahlil qilindi.

Kalit so‘zlar: *investitsiyalar, moliyalashtirish manbalari, "yashil" investitsiyalar, Islomiy moliya, aralash moliyalashtirish, jahon iqtisodiyoti, O‘zbekiston.*

Development of new and non-traditional sources of financing in Uzbekistan

Muzaffar Karimov,
PhD (in Economics),
Institute for macroeconomic and regional studies
Head of project,
Islom Hudayberdiyev,
Institute for macroeconomic and regional studies
Senior research fellow

Abstract: *today, in order to maintain the existing momentum of economic development that has been achieved in the country and to ensure further growth, it is important to widely use not only traditional but also alternative sources of financing. For this purpose, this article analyzes international trends in the field of new and non-traditional sources of financing and their current state in Uzbekistan.*

Keywords: *investments, sources of financing, "green" investments, Islamic finance, blended finance, world economy, Uzbekistan.*

Введение. Реформы, проводимые в стране в последние годы, ставят перед собой такие задачи, как рациональное использование имеющихся ресурсов и поиск новых альтернативных и инновационных источников финансовых ресурсов для обеспечения развития национальной экономики.

Согласно Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, основными задачами активизации инвестиционной политики, в том числе для расширения финансирования Целей устойчивого развития являются дальнейшее улучшение и повышение привлекательности инвестиционного климата в стране, принятие мер по привлечению в последующие 5 лет инвестиций в объеме 120 млрд долл. США, в том числе 70 млрд. долл. США иностранных инвестиций. За счет использования механизмов государственно-частного партнерства планируется реализация проектов стоимостью в 14 млрд. долл. США в энергетическом и транспортном секторе, сфере здравоохранения, образования, экологии, коммунальных услуг, водного хозяйства и других отраслях.

Для покрытия потребности в дополнительном финансировании возникает необходимость существенного увеличения государственных и частных инвестиций. Большинство мер Стратегии подразумевают увеличение государственных расходов через расширение существующих или создание новых программ, а также расширение стимулов для вовлечения частного бизнеса в достижение долгосрочных целей развития.

Во многом, проблемы финансирования развития связаны не с недостатком ресурсов, а ограниченностью потенциала их привлечения и вовлечения в процессы развития. Признавая важность проблемы финансирования развития, с 2002 года периодически проводятся Международные конференции по финансированию развития, последняя из которых прошла в 2015 году в Аддис-Абебе.

Одним из результатов данных конференций стало понимание важности расширения разнообразия источников и форм финансирования, для более полного охвата потенциала развития. Так, активное развитие в последнее время получили целевые формы инвестиций (климатическое финансирование,

«зеленые» финансы, смешанное финансирование) и новые инновационные инструменты финансирования (краудфандинг, краудсорсинг, венчурные фонды, диаспорные облигации, сукук, мурабаха и др.).

В Узбекистане нетрадиционные формы и источники финансирования только начинают свое активное развитие. Однако уже имеются определенные подвижки в сфере «зеленого», исламского и смешанного финансирования. Рассмотрим ниже достигнутые в республике результаты в сопоставлении с мировой ситуацией.

«ЗЕЛЕНОЕ» ФИНАНСИРОВАНИЕ

Новые проблемы и направления развития требуют использования новых инструментов, в том числе касающихся распределения и использования финансовых ресурсов. Последние 15 лет в мире были разработаны новые механизмы и инструменты инвестирования, направленные на решение или учитывающие проблемы экологического состояния планеты.

«Зеленое финансирование» – термин, сформировавшийся в начале XXI в, в попытке увязать бизнес-проекты и экологически ответственное поведение экономических субъектов. Однако, в начале развитие нового направления финансирования шло достаточно медленно, учитывая традиционный скепсис большей части общества: история человечества дает не так много поводов ожидать, что предприниматель добровольно будет ограничивать себя экологическими правилами или жертвовать доходом ради целей некоего устойчивого развития.

Однако, сегодня ситуация изменилась. Согласно последнему опубликованному отчету Global Landscape of Climate Finance общий объем финансирования, связанного с климатом, в 2019-2020 году составил 632 млрд. долл., из которых 321 млрд. долл. профинансировано за счет общественных источников и 310 млрд. долл. – за счет частных источников. При этом на гранты приходится 6%, заемные средства составили 61%, а прямые вложения – 33% общего объема финансирования [1]. Следует отметить, что на концессионные и «дешевые» займы приходится лишь 12%, а остальная часть заемных средств представляет собой коммерческие займы.

Общество и правительства стран мира не просто заявляют о своей поддержке принципов ESG, но и формируют соответствующую бизнес-среду:

создаются специализированные инструменты, систематизируются принципы и правила «зеленого» финансирования, все четче очерчивается понятие «зеленых» проектов, а «зеленая» и социальная повестки становятся неотъемлемой частью государственной экономической политики. Активное развитие «зеленых» проектов обеспечивается в том числе и стимулирующими мерами: более низкими ставками по кредитам, налоговыми льготами, иными преференциями. Так, в Евросоюзе и США активно действует система торговли углеродными квотами, и каждая компания там заинтересована сокращать свой углеродный след, чтобы снизить объем потребляемых квот и даже продавать их излишки.

Все «зеленые» проекты требуют большого объема финансирования, в то время как, в большинстве случаев, «зеленые» бизнес-модели и проекты являются высокорисковыми и нетрадиционными. Соответственно, традиционные методы финансирования могут оказаться коммерчески непривлекательными или неприменимыми [2]. Для решения этой проблемы в мировой практике были разработаны новые инструменты финансирования, ориентированные на «зеленую» экономику: «зеленые» кредиты, «зеленые» облигации, фонды «зеленых» инвестиций, углеродные биржи, ценные бумаги, обеспеченные активами (ABS), доходные компании (Yieldco), «зеленые» банки (рис. 1). Рассмотрим каждый из указанных инструментов подробнее.




Рис. 1. Виды инструментов зеленого финансирования

Источник: составлено авторами.

«Зеленые» кредиты представляют собой долговые заимствования любого типа, денежные средства от которых могут быть направлены только на

полное или частичное финансирование новых и/или имеющихся проектов, отвечающих требованиям к «зеленым» проектам [3].

Принципы «зеленого» кредитования (ПЗК) формируют строгую систему, позволяющую всем участникам рынка прозрачно определить характеристики «зеленого» кредита исходя из четырех основных компонентов: использование поступлений, процедура оценки и отбора проектов, управление поступлениями и представление отчетов [4].

Наиболее распространенными сферами проектов, определяемых как «зеленые» проекты, являются проекты в сфере возобновляемой энергетики (производство, распределение, продукты, оборудование), энергоэффективности (здания, аккумуляторы, центральное отопление, интеллектуальные сети, приборы и продукты), предотвращения и контроля загрязнения (сокращение выбросов, контроль парниковых газов, восстановление почвы, предотвращение образования отходов, сокращение отходов, переработка отходов), устойчивого управления природными ресурсами и землепользованием (сохранение наземного и водного биоразнообразия, водопользование и утилизация сточных вод, адаптация к изменению климата), а также внедрение экологически эффективных и/или адаптированных к циклической экономике продуктов, технологий и процессов.

«Зеленые» облигации представляют собой облигации любого типа, денежные средства от размещения которых могут быть направлены только на полное или частичное финансирование новых и/или имеющихся проектов, отвечающих требованиям к «зеленым» проектам [5]. В результате реализации «зеленых» проектов, по которым осуществляется эмиссия «зеленых» облигаций, должна быть получена очевидная экологическая выгода, величина которой оценивается эмитентом с использованием качественных и количественных критериев. Перечень сфер деятельности, для финансирования которых применяются «зеленые» облигации, аналогичен требованиям зеленых кредитов.

Регулирование «зеленых» облигаций осуществляется согласно тем же нормам, что и на другие обращающиеся на организованном рынке ценные бумаги с фиксированным доходом.

В зависимости от механизма формирования денежных потоков выделяют следующие виды облигаций [6]:

• стандартные облигации, доходы от которых направляются на решение задач **«зеленого»** развития;

• **«зеленые»** облигации, привязанные к доходам – облигации без права регресса к организации-эмитенту, где предметом залога и кредитного риска являются денежные поступления в счет доходов, вознаграждений, налогов и т.д., денежные средства от размещения которых направляются на финансирование/софинансирование **«зеленых»** проектов, как связанных, так и не связанных с источниками данных денежных поступлений;

• **«зеленые»** облигации проектного финансирования – ценные бумаги с правом или без права регресса к эмитенту, направленные на финансирование одного или нескольких **«зеленых»** проектов, кредитный риск по которым связан с реализацией самих проектов;

• **«зеленые»** секьюритизационные облигации – облигации, обеспеченные одним или несколькими проектами, включая проекты, обеспеченные ценными бумагами, активами, ипотекой и др.

Веренько Н. и Каменков А. в своей статье [7] приводят классификацию **«зеленых»** облигаций в зависимости от вида проекта:

• климатические облигации (Climate Bonds) – облигации, направленные на проекты в области адаптации и смягчения изменения климата;

• **«голубые»** облигации (Blue Bonds) – облигации, направленные на проекты в области водопользования и сохранения водных экосистем;

• экосистемные облигации (Ecosystem Green Bonds) – облигации, направленные на проекты в рамках реализации устойчивых **«зеленых»** инициатив, направленных на сохранение экосистемы;

• лесные облигации (Forest Bonds) – облигации, направленные на проекты в области лесного хозяйства с низким уровнем воздействия на экосистему;

• социально ориентированные облигации (Social Impact Bonds) – облигации, направленные на проекты, главной целью которых является получение социального эффекта;

• облигации для проектов, связанных с сохранением экосистемы (Conservation Impact Bonds) – облигации, направленные на проекты, главной целью которых является достижение результатов по сохранению природы;

• облигации для развития (Development Impact Bonds) – облигации, направленные на проекты в рамках программы развития;

• облигации для проектов, связанных с сохранением биоразнообразия и улучшением охраны растительного и животного мира (Wildlife impact Bonds).

Несмотря на наличие утвержденных в ряде стран Принципов выпуска **«зеленых»** облигаций, данный инструмент финансирования является одним из наименее прозрачных и определенных [8]. Использование **«зеленых»** облигаций предполагает высокий уровень репутации эмитента, показывающий его положительную платежеспособность и кредитную историю, а также высокий профессиональный уровень специалистов [9].

Так, в 2017 г. в Китае утверждены новые Принципы выпуска **«зеленых»** облигаций, согласно которым налагается запрет на выпуск **«зеленых»** облигаций компаниями отраслей с высоким уровнем энергопотребления и загрязнения окружающей среды, или не входящих в приоритетные отрасли согласно Программе промышленного развития. Эмитент обязуется строго выполнять требования по предоставлению подробной информации об уровне воздействия его деятельности на окружающую среду, как при подаче заявления на выпуск таких облигаций, так и в течение срока их обращения, в письменном виде берет на себя обязательство по использованию денежных средств от размещения **«зеленых облигаций»** только для финансирования реализации **«зеленых»** проектов, отвечающим установленным требованиям в соответствии с Принципами [10].

Согласно исследованию TheCityUK и BNP Paribas, в 2021 году общая стоимость выпущенных в обращение **«зеленых»** облигаций составила 511,5 млрд. долл [11].

Зачастую к **«зеленым»** облигациям относят ценные бумаги, обеспеченные активами (ABS – Asset-Backed Security) [12]. Этот тип ценных бумаг представляет собой торгуемые ценные бумаги, где в качестве активов выступают солнечные фотоэлектрические коллекторы на крышах зданий или другие технологии возобновляемых источников энергии (ВИЭ), обеспеченные денежными потоками в виде платежей за электроэнергию. В результате кредитный риск снижается, а компания получает доступ к ресурсам институциональных инвесторов (пенсионных фондов и страховых компаний и др.), осуществляющих вложения большей частью в проекты со стабильным уровнем доходности, и

возможность использовать их в последующем для реинвестирования в новые проекты ВИЭ [13].

«Зеленый» фонд – паевой фонд инвестиций или иной механизм вложения инвестиций, осуществляющий деятельность по инвестированию в общественно сознательные компании или компании, напрямую содействующие развитию социальной ответственности, путем использования стандартизированных «зеленых» активов. Портфель большей части «зеленых» фондов в странах Европы состоит преимущественно из акций, однако в последнее время, с появлением в 2015 г. и дальнейшим развитием фондов «зеленых» облигаций, на рынке постепенно происходит диверсификация. Для рынков развивающихся стран первый фонд «зеленых» облигаций был создан в 2017 г. совместными усилиями Международной финансовой корпорации (МФК) Группы Всемирного банка и французской компанией Amundi [14].

Системы торговли квотами на выбросы парниковых газов (ETS – Emissions Trading System), или углеродные биржи. По странам мира уровень выбросов парникового газа отличается: уровень выбросов в развитых странах намного выше аналогичного показателя развивающихся стран. В результате, развивающиеся страны выставляют на продажу на специально организованных площадках часть своей квоты на выбросы парникового газа, которые на рыночной основе приобретаются теми странами, выбросы которого превышают норму.

Следует отметить, что стоимость квот на выброс достаточно низкая: в 2018 г. в среднем по миру она составляет менее 12,5 долл./т., от 0,5 долл./т CO₂-экв. в Массачусетсе, до 99 долл./т в Великобритании [15]. На ETS Казахстана цена на 1 апреля 2022 г. составила 1,08 долл./т CO₂-экв. В результате, суммарный оборот мирового углеродного рынка на 1 апреля 2022 г. составил 251 млрд. долл. [16].

Доходные компании (Yieldco) – это публичные компании в виде филиала корпорации, создаваемые путем формирования портфеля проектов в области ВИЭ и реализации акций инвесторам, стремящимся к получению стабильных доходов, но не удовлетворенных низким уровнем доходности рынка облигаций. Действующие объекты ВИЭ представляют собой безрисковые активы, доход от которых формируется в виде платежей за выработанную электроэнергию [17]. Наименование “доходная”, связана с тем что большая часть дивидендов распределя-

ется в виде квартальных премий держателям акций. Традиционно, размер активов для создания Yieldco составляет в среднем 500 млн. долл., а стоимость IPO – 150-200 млн. долл. [18]. Существование и эффективное функционирование доходных компаний тесно связано с наличием определенных институциональных условий и качества регулирования, при которых инвестор готов рассматривать капиталовложения в ВИЭ как способ диверсификации портфеля и хеджирования риска волатильности, исходя из факта независимости от сырья, в отличии от энергоустановок на ископаемом топливе [19].

Под «зеленым» банком понимается финансово-кредитное учреждение, обычно создаваемое государством или за счет привлечения средств международных, региональных и национальных финансовых институтов, которые выделяют средства частному сектору для реализации проектов, в результате которых формируются дополнительные инвестиции в «зеленые» рынки. При этом, необязательно создать новый финансовый институт – банк «зеленых» инвестиций может создаваться за счет реориентации имеющихся банков развития на приоритетную поддержку проектов развития зеленой инфраструктуры, энергосбережения, ресурсосбережения и сокращения загрязнения окружающей среды. Банки «зеленых» инвестиций представляют собой организацию, задачей которой является снижение рисков инвестирования в «зеленые» проекты и стимулирование вложений, мобилизация частных инвестиций, используя ограниченный общественный капитал. Акцент деятельности «зеленых» банков традиционно делается на возобновляемую энергетику, но она все же может охватывать и другие экологические области, включая формирование устойчивой инфраструктуры, экологическое строительство и сохранение биоразнообразия [20].

Как отмечается в исследованиях Организации по экономическому сотрудничеству и развитию [21], в качестве инструментов снижения рисков «зеленые» банки используют формирование резервов покрытия убытков по кредитам, предоставление гарантий, страхование, субординирование задолженности [22]. В результате, создание «зеленых» банков способствует снижению рисков инвестирования в климатические проекты и реализации «зеленых» инвестиционных проектов.

Применение инструментов «зеленого» финансирования в Узбекистане.

В Узбекистане на текущий момент отмечается постепенный рост активности «зеленого» финансирования, и если ранее он был представлен больше в виде отдельных проектов и грантов международных финансовых институтов, то в последние годы были внедрены и другие инструменты финансирования, такие как «зеленые» кредиты и облигации.

Так, 9 июня 2021 года в рамках визита делегации Европейского банка реконструкции и развития (ЕБРР) в Узбекистан во главе с первым вице-президентом банка Юргеном Ригтеринком состоялась церемония подписания соглашения по участию «Узпромстройбанка» в программе ЕБРР по механизму финансирования зеленой экономики (Green Economy Financing Facility) с выделением ЕБРР кредитной линии в размере до 25 млн долл. [23].

Green Economy Financing Facility (GEFF) представляет собой кредитную линию ЕБРР для банков-партнеров в целях рефинансирования проектов, минимизирующих влияние на климат, в соответствии с глобальной стратегией ЕБРР по переходу к зеленой экономике, сокращению выбросов парниковых газов и повышению энергоэффективности.

В сентябре 2021 года «Узпромстройбанк» подписал соглашение с Международной финансовой корпорацией о кредитной линии в 75 млн долл. США, направленной на климатическое финансирование и увеличение кредитования малых и средних предприятий (МСП) в Узбекистане в пропорции 50/50 [24].

В мае 2022 года Совет исполнительных директоров Всемирного банка одобрил предоставление Узбекистану льготного пятилетнего кредита в размере 15 млн долл. США, для целей поддержки усилий правительства по реформированию финансового сектора [25].

20 июня 2022 года Межотраслевой фонд энергосбережения при Министерстве энергетики Республики Узбекистан и АКИБ «Ипотека Банк», сотрудничающие по направлению выделения зеленых потребительских кредитов, подписали Генеральное соглашение, согласно которому со стороны Банка будут выдаваться в общей сложности 54 млрд сумов зеленых потребительских кредитов на приобретение энергосберегающих технологий и оборудования, в том числе по возобновляемым источникам энергии, по базовой ставке Центрального банка на срок в 5 лет [26].

В свою очередь, правительство также активно занимается поиском новых источников финанси-

рования развития, в том числе за счет внедрения инновационных и нетрадиционных финансовых инструментов. Так, в июле 2021 года Правительство республики первым в регионе СНГ и одним из первых в мире осуществила размещение государственных облигаций, нацеленных на целевое финансирование ЦУР – Sovereign SDG Bonds. Объем выпуска составил 2,5 трлн сум (около 235 млн. долл. США) под 14% сроком на 3 года [27]. Полученные средства будут целевым образом направлены на реализацию мероприятий и проектов, направленных на достижение 9 конкретных национальных ЦУР, среди которых и цели «зеленого» развития.

Как видно из приведенного обзора, «зеленые» инструменты отличаются значительным разнообразием, позволяющим расширить возможности привлечения инвестиций в предприятия без участия государства, получать финансовую выгоду от «зеленой» деятельности и снижать/предотвращать загрязнение окружающей нас среды.

ИСЛАМСКОЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ

Сектор исламских финансов является одним из самых быстрорастущих в мире. Исламское финансирование применяется более чем в 50 странах мира. Общий объем активов более 1500 исламских финансовых учреждений, работающих в настоящее время в разных странах мира, превышает 2,5 трлн долл. [28]. В мире из почти 500 исламских финансовых институтов 359 работают в форме полноценных исламских банков, а 141 — в форме "исламского окна", созданного при традиционных банках" [29].

Исламские финансы – это форма финансирования, регулируемая нормами и предписаниями мусульманского права. В свою очередь, эти нормы основываются на принципах морали, справедливости, равенства и объективности [30].

Узбекистан стал членом Исламского банка развития в 2003 году. На сегодняшний день одобрено 30 крупных инвестиционных проектов на общую сумму более 2,5 млрд. долл., которые охватывают строительство школ, доступного жилья, дорог, сетей электро и водоснабжение, учреждений здравоохранения [31].

Исламское финансирование в Узбекистане представлено в лице проектов Исламского банка по развитию частного сектора (ИКРЧС), который на протяжении долгого периода осуществляет сотрудничество с банками. В 2018 году банк Узбекистана

впервые совершил сделку в рамках исламского торгового финансирования. Международная исламская торгово-финансовая корпорация (МИТФК), входящая в группу Исламского банка развития и Asia Alliance Bank подписали соглашение о финансировании торговли по принципу «Мурабаха» [32].

На данный момент с начала своей деятельности в Узбекистане в 2018 году ИКРЧС одобрила финансирование в размере 211 млн. долл. США в рамках

Ключевые слова: высшие учебные заведения, цифровая трансформация, традиционное обучение, цифровое обучение, дистанционное обучение, социальные инновации.

**Digital transformation in higher education –
as a factor of inclusive education**

Behzod Tagaev,

*DSc (in Economics), associate professor,
Head of the department of the National University of
Uzbekistan,*

Shohrukh Kholmurodov,

Student of National University of Uzbekistan,

Gulchehra Turgunova,

Student of National University of Uzbekistan

Abstract: *the article considers opinions about the role and importance of digital transformation as a driver of socially oriented innovations in higher education. In particular, digital transformation in higher education institutions has created an opportunity to facilitate access to education for individuals from different social backgrounds. The results of the survey carried out as part of the study show that digital transformation in higher education improves the skills most in demand in the new knowledge society (searching and processing information, digital communication and socialization or working with text) and, from a transdisciplinary perspective, current global problems (poverty, quality of health, income inequality, environmental crises, etc.) has shown that it provides the knowledge and skills necessary for its solution.*

Keywords: *higher education institutions, digital transformation, traditional learning, digital learning, distance learning, social innovations.*

Кириш. Олий таълим муассасаларига (ОТМ) рақамли технологияларнинг кириб келиши аҳолининг барча ижтимоий гуруҳидаги шахсларнинг (камбағал, соғлиқ сифати, даромаддаги тенгсизлик ва шу қабилар) таълим олиш имкониятини енгиллаштирди. Айниқса, бу жараён Covid-19 пандемияси сабабли рақамли шаклдаги масофавий таълимнинг кенг жорий қилинишини тезлаштирди.

Ўзбекистон ОТМларида ахборот тизимларининг жорий этилиши таълимни рақамлаштириш ва ахборотлаштиришда (шу жумладан, унинг маъмурий жараёнлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги алоқасида) муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ОТМ ахборот тизимида электрон ўқитишни қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқилган модуллардан кенг фойдаланила бошланди. Шунингдек, ўқиш ва курс жадвалларини бошқаришдан ташқари, у асосан тест ва имтиҳонларни ўтказиш учун фойдаланилади. Онлайн ўқитиш академик таълимда у қадар фаол ва оммавий равишда жорий этилмапти.

Онлайн таълим ва талабалар билан мулоқот MS Teams муҳитида ва Office 365 пакетлари кўмагида амалга оширилади. Таълимни рақамлаштириш – таълим технологияларидаги глобал тенденция ҳисобланади ва шу билан бирга рақамли асрнинг манتيкий натижаси сифатида бутун жамиятда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўсишини тавсифлайди. Рақамли таълим шахснинг ҳиссий ва когнитив функцияларининг кенгроқ доирасини ўз ичига олади. У ўқитишнинг жозибадор ва самарали шаклини ифодалайди, аниқликни қўллаб-қувватлайди, амалий ҳаётни назарий билимлар билан боғлайди.

Жамиятни ахборотлаштириш – ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) максимал даражада фойдаланишга босқичма-босқич ўтишдир. Таълим соҳасида эса АКТни ўқитиш жараёнига жорий этиш, ўқитишнинг электрон таълим мазмунини яратиш ва ўқитувчиларни ўқув жараёнида АКТдан фаол фойдаланишга тайёрлаш ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади – ОТМда таълимнинг рақамли трансформациясини талабаларнинг масофавий таълимга ўтишлари тажрибаси орқали баҳолаш бўлиб, у талабалар ижтимоий кўникмаларининг меҳнат бозорида ишга жойлашишларини олдиндан белгилаб беради. Саволномани ишлаб чиқишда рақамли таълимнинг қўлланилиши ушбу инновацион педагогик усулнинг ижтимоий жиҳатини масофавий таълим амалиётидан сўнг талабаларнинг онлайн таълимни қандай қабул қилишлари кизиқтирди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли трансформация глобал даражада ҳар қандай чегараларни олиб ташлади ва ОТМлар таълим беришнинг янги усулини кенг жорий қилишга катта имконият яратди. Рақамли трансформация рақамли технологиялар ташкилотнинг барча жабҳаларига, жумладан, ўқитиш, ўрганиш, тадқиқот ва бошқарувга интеграциялашувини англатади. Олий таълимда рақамли трансформация институтларга онлайн курслар таклиф қилиш, бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилиш ва талабаларга шахсий ўқув тажрибасини тақдим этиш имконини беради [1].

Бир қатор тадқиқотлар олий таълимда ижтимоий инновацияларни ривожлантириш учун рақамли трансформация имкониятларини ўрганиб чиқди. Ижтимоий инновациялар деганда, одамлар ҳаётини

яхшилаш потенциалига эга бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш тушунилади. Олий таълим контекстида ижтимоий инновациялар тенгсизлик, камбағаллик ва экологик инқироз каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўқитиш, ўрганиш ва тадқиқотга янги ёндашувларни ўз ичига олиши мумкин.

Тадқиқотлар рақамли технологиялар ҳамкорликда ўрганиш ва фанлараро тадқиқотларни осонлаштириши ва бу эса ижтимоий муаммоларни янги ечимлар орқали ишлаб чиқишга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Бундан ташқари, рақамли трансформация ижтимоий масъулият ва фуқаролик фаоллигини рағбатлантирадиган ўқитиш ва ўрганишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамият ҳаётида кечаётган туб ислохотлар олий таълим тизимини ҳам камраб олди ва 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди [2].

Ўзбекистонда рақамли трансформациянинг олий таълимга таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров рақамли трансформациянинг олий таълимга ижобий таъсирини кўрсатди. Хусусан, таълим сифати, талабаларнинг фаоллиги ва уларда қониқиш даражасини оширганлигини ва бундан ташқари ижтимоий муаммоларни ҳал қилувчи ўқитиш, ўрганиш ва тадқиқотга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш имкониятини кўрсатди.

Рақамли трансформация олий таълимда ҳамкорликда ўрганиш, фанлараро тадқиқотлар, ижтимоий масъулият ва фуқаролик фаоллигини рағбатлантирадиган ўқитиш, ўрганиш ва тадқиқотга янги ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради [3]. Ўзбекистон Миллий университетиде ўтказилган сўров рақамли трансформациянинг олий таълимга ижобий таъсири ва унинг ижтимоий инновацияларни рағбатлантириш салоҳиятининг яна бир далили бўлди.

Методология. Ушбу тадқиқот доирасида Ўзбекистон Миллий Университетининг 154 нафар талабалари орасида “Google Forms” платформаси ёрдамида онлайн сўров ўтказилди. Сўровнома иштирокчилардан рақамли трансформациянинг олий таълимдаги роли ҳақидаги фикрларини баҳолашга қаратилган қатор саволлардан иборат эди.

Иштирокчиларга тадқиқотнинг мақсади ҳақида маълумот берилди ва сўровда қатнашишнинг ихти-

ёрий эканлиги ва унда иштирок этишни хоҳлаганлар учун ижтимоий тармоқ – Telegram веб иловаси орқали жавоб беришлари ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги ва анонимлиги айтилди. Сўров натижалари асосида тўпланган маълумотлар фақат тадқиқотда иштирок этган тадқиқотчилар учун очиқлиги таъминланди.

Таҳлил ва натижалар

Сўровнома натижалари солиштириш осон бўлиши учун қуйидаги 5 та жадвалга бўлинди:

1-жадвал

Масофавий таълим ҳақидаги фикрларга қўшилиш даражаси

| Фикрлар | Жавоблар (%) | | |
|---|--------------|-----------|-------------|
| | қўшиламан | фарқи йўқ | қўшилмайман |
| Ўқиш кўпроқ мослашувчан | 46,3 | 26,9 | 25,4 |
| Ўқитиш пассив | 35,8 | 14,9 | 46,3 |
| Ўқитиш тезроқ (мавзу қисқа вақт ичида тақдим этилади, чунки талабалар муҳокамада фаол иштирок этмайдилар) | 49,3 | 17,9 | 31,3 |
| Ўрганиш зерикарли | 42,4 | 7,6 | 50,0 |
| Ўқиш кўпроқ самарали | 53,7 | 16,4 | 26,9 |
| Мен онлайн ўқиётганда кўпроқ саволлар берман | 36,4 | 36,4 | 27,3 |
| Мен онлайн дарсларда фаолроқман | 27,3 | 15,2 | 51,5 |

Манба: муаллиф сўровномалари натижалари.

Биринчи жадвалга кўра, иштирокчилар масофавий таълимга ижобий муносабатда бўлиб, юқоридаги 7 фикрга қўшилиш даражаси ўртача 41,6 фоизни ташкил қилди ва бу қўшилмаганларнинг ўртача кўрсаткичидан 4,6 фоизга кўпдир.

Иштирокчиларнинг 53,7 фоизи масофавий таълимда ўқитиш кўпроқ самарали, деб ҳисобладилар. Онлайн дарсларда фаоллик бўйича ҳолат тесқари бўлиб, фақат 27,3% иштирокчилар ўзларини онлайн дарсда фаолроқ ва аксинча 51,5 фоизи бу фикрга қўшилмаган.

Иштирокчиларнинг 25,4 фоизи масофавий ўқишнинг кўпроқ мослашувчан эканлигини инкор қилган. Энг паст қўшилмаганлик кўрсаткичи эса масофавий таълимнинг мослашувчанлиги ҳақидаги фикрда кузатилган.

Ўртача ҳисобда 19,3% иштирокчилар танлаган бефарқлик жавоби, онлайн ўқишда кўпроқ саволлар берилиши ҳақидаги фикрда 36,4%га чиққан. Худди шунча иштирокчилар бу фикрга қўшилишини таъкидлаган. Демак, иштирокчилар онлайн

дарсларда кўпроқ савол беришни муҳим кўрсаткич деб билмайдилар.

Иштирокчиларнинг ярми масофавий таълимда ўқишни зерикарли деб билишмайди. 46,3% иштирокчилар ўқитиш пассивлиги ҳақидаги фикрга кўшилмайди. Иштирокчилар масофавий таълимга яхши муносабатдалигини ушбу салбий фикрларга кўшилмаганлар сонининг кўплиги ҳам тасдиқлайди. Масофавий ўқиш ҳам мослашувчан, ҳам тез ўқитиладиган деб ҳисоблайдиганлар улуши мос равишда 46,3 фоиз ва 49,3 фоизни ташкил қилди.

Умуман олганда, сўров натижалари иштирокчилар орасида масофавий таълимга муносабат ижобийлигини кўрсатди. Улар масофавий таълимни самаралироқ ва мослашувчан деб ҳисоблашади. Онлайн дарсларда фаоллик даражаси контакт дарсларга нисбатан камроқ ҳисобланишига қарамай иштирокчилар томонидан масофавий таълим ушбу сўровнома бўйича устун деб топилди.

2-жадвал

Онлайн ўқишдан сўнг кўникмаларнинг мустаҳкамланганлиги ёки ёмонлашишини баҳолаш, %

| Қобилиятлар | Жавоблар | | |
|---------------------------------------|---------------|-----------|---------------|
| | Яхшироқ бўлди | фарқи йўқ | ёмонроқ бўлди |
| Рақамли кўникмалар | 50,0 | 28,8 | 19,7 |
| Рақамли алоқа – рақамли ижтимоийлашиш | 63,6 | 25,8 | 10,6 |
| Маълумот излаш | 78,8 | 15,2 | 6,0 |
| Вактни эркин бошқариш | 75,8 | 16,7 | 7,5 |
| Мустақил ўқиш | 71,2 | 19,7 | 9,1 |
| Ижодий фикрлаш ёки ҳаракат қилиш | 62,1 | 25,8 | 12,1 |
| Ўз фикрини ифодалаш | 57,6 | 31,8 | 10,6 |

Манба: муаллиф сўровномалари натижалари.

Иккинчи жадвалга кўра, иштирокчилар онлайн тажрибадан кейин ўзларининг қобилиятларини юқорироқ баҳолаганлар. Юқоридаги қобилиятларнинг ўсиши ҳақидаги фикрлар ўртача 65,6 фоизни ташкил қилди. Бу қобилиятлар ёмонлашганини таъкидлаган иштирокчиларнинг ҳисобидан ўртача 6 марта кўп.


Иштирокчиларнинг маълумот излаш қобилиятлари онлайн тажрибадан сўнг ўсган. Бу фикрга иштирокчиларнинг 78,8 фоизи кўшилди. Бу энг яхши кўрсаткич. Контакт дарс давомида мавзуга доир саволларнинг жавобини интернетдан қиди-

ришга имконият камроқ, аммо онлайн муҳитда бошқа ойна очиб бемалол бу имкониятдан фойдаланиш мумкин. Энг ёмон кўрсаткич эса, рақамли кўникмалар қобилиятига тегишли, шунга қарамасдан ҳам иштирокчиларнинг ярми бу қобилияти ўсганини таъкидлаб ўтган. Бу қобилиятнинг пасайганини таъкидлаган иштирокчилар эса 19,7 фоизни ташкил қилди. Айрим иштирокчилар масофавий таълим давомида онлайн синфхонага киришдан ташқари бошқа ҳеч қандай қобилиятларга талаб сезмаганлиги учун улар шундай фикрга келган бўлиши мумкин.

Бу сафар ўртача ҳисобда 23,4 фоиз иштирокчилар “фарқи йўқ” жавобини белгилашган. Энг юқори бефарқлик кўрсаткичи ўз фикрини шакллантириш қобилиятига тегишли бўлиб, иштирокчиларнинг деярли 1/3 қисми бу фикрни кўллаб-қувватлаган. Иштирокчилар масофавий таълимни самарали ва қулай деб билишса ҳам, баъзи иштирокчилар учун ўз фикрини шакллантиришда масофавий таълим тажриба ҳеч қандай роль ўйнамаган. Шунга қарамай, 57,6% иштирокчилар бу қобилияти яхшиланганлигини айтиб ўтган.

Бошқа қобилиятларда масофавий таълим тажрибасидан кейин қобилиятлари ошганини таъкидлаганлар сони кўпроқ. Ижодий фикрлаш ва рақамли алоқага киришиш қобилиятлари 60 фоиздан кўпроқ иштирокчиларда, вақтни эркин бошқариш ва мустақил ўз ишида ишлаш қобилиятлари эса 70 фоиздан ортиқ иштирокчиларда яхшиланган.

Сўров натижаларига кўра, масофавий таълим тажрибасидан кейин аксарият иштирокчилар ўз қобилиятлари яхшиланганини таъкидлашган. Дарс жараёнида қатнашиш ҳамма учун зарурат бўлгани учун кўпчиликда рақамли ва техник кўникмалар ошиши кузатилган. Хулоса қилиб айтганда масофавий таълим тажрибаси иштирокчиларга яхши таъсир кўрсатган.



3-жадвал

Масофавий таълим хусусиятларини
баҳолаш, %

| Фикрлар | Жавоблар | | |
|--|----------|----------|---------|
| | юқори | стандарт | пастрок |
| Онлайн ўқишга уйда тайёргарлик кўришининг мураккаблиги | 19,7 | 59,1 | 21,2 |
| Масофавий ўқиш учун билимларга талаблар | 21,2 | 54,5 | 24,2 |
| Масофавий ўқитишда билимларнинг мавжудлиги | 28,8 | 47,0 | 24,2 |
| Масофавий ўқитишда таълим сифати | 13,6 | 50,0 | 36,4 |
| Масофавий таълимнинг мураккаблиги | 24,2 | 57,6 | 18,2 |
| Контактли (анъанавий) ўқитишга нисбатан самарали | 18,2 | 42,4 | 39,4 |

Манба: муаллиф сўровномалари натижалари.

Учинчи жадалга кўра, иштирокчилар масофавий ва контактли таълим (анъанавий таълим) хусусиятлари солиштирилганда аксарият иштирокчилар уларни яқин деб билади. Ўртача ҳисобда 51,8% иштирокчилар юқоридаги 6 фикрга стандарт жавобини берган. Бу ўрта кўрсаткич учун жуда юқори салмоқ бўлиб, юқоридаги жадаллардагидан 2 марта кўпроқ.

Иштирокчилар масофавий таълимга ва анъанавий таълимга тайёрланишнинг мураккаблигини бир хил баҳолайдилар. Шунингдек, уларнинг фикрича, масофавий ва контактли ўқишда таълим сифати ва улар учун билимларга бўлган талаблар бир-бирига жуда яқин. Икки таълим турининг мураккаблиги ҳам нисбатан бир хил баҳоланган.

Маълумотлар мавжудлигига боғлиқ фикрни ўртачадан кўпроқ иштирокчилар қўллаб-қувватлаган ва 28,8 фоизи иштирокчилар масофавий таълимда маълумот топиш осонлигини таъкидлаб ўтган. Аммо, 47 фоиз иштирокчи масофавий ва контактли таълимда бу масалада унча катта фарқ йўқлигини таъкидлаган.

39,4 фоиз иштирокчи онлайн ўқишга нисбатан контактли ўқитиш самаралироқ эканлигини ва 42,4 фоиз иштирокчи эса улар орасидаги фарқ минималлигини айтиб ўтган. Хулоса қилиб айтганда, айнан таълим жараёнига боғлиқ хусусиятларда контактли ва масофавий таълим унча катта фарққа эга эмас.

4-жадвал

Талабаларнинг масофавий таълимнинг фойдали
тарафларига қарашлари, %

| Тасдиқлар | Жавоблар |
|--|----------|
| Транспорт харажатларининг камлиги | 60,5 |
| Камроқ моддий харажатлар | 54,4 |
| Онлайн таълимда дастурий таъминот хавфсизлиги | 52,8 |
| Етарлича техник таъминланиши | 49,9 |
| Ижтимоий алоқалар учун кўпроқ вақт қолиши | 56,5 |
| Сифатли интернет | 47,3 |
| Контактли ўқитишга нисбатан муҳокама қилишга шароит кўпроклиги | 46,5 |

Манба: муаллиф сўровномалари натижалари.

Талабаларнинг 60,5 фоизи масофавий таълимнинг фойдаси транспорт харажатлари камлигида, 46,5 фоизи онлайн муҳитда муҳокама қилиш эркинроқ ва 54,4 фоизи камроқ моддий харажатларда эканлигини билдирганлар (4-жадвал).

Умуман олганда, ушбу фикрлар бўйича иштирокчиларнинг овозлари 50 фоизга яқин. Ўрта кўрсаткичдан энг узок бўлган юқоридаги фикрлар қандайдир маълумот бериши мумкин, лекин буни қонуният сифатида кўриш ноўрин.

5-жадвал

Талабаларнинг масофавий таълим
камчиликларига қарашлари, %

| Тасдиқлар | Жавоблар |
|---|----------|
| Шахсий мулоқот камлиги | 56,1 |
| Интернет алоқасининг пастлиги | 57,4 |
| Таълим олишда шахсий алоқа йўқлиги туфайли ўзлаштиришда муаммолар | 50,4 |
| Семинарлар каби муҳокама қилиш имконияти йўқлиги | 52,2 |
| Ўқув материаллари онлайн таълим учун мос эмаслиги | 50,1 |
| Интернет харажатларининг юқорилиги | 50,0 |
| Техник қобилиятлар йўқлиги учун муаммолар келиб чиқиши | 37,8 |

Манба: муаллиф сўровномалари натижалари.

Масофавий таълимнинг камчиликлари ҳақидаги фикрлар (5-жадвал) ўртача ҳисобда 50,6 фоизни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич сифатли интернет алоқасининг пастлиги ёки мавжуд эмаслиги бўлиб, 57,4 фоизни ташкил қилади. Алоқа инфраструктураси ривожланмаган ҳудудларда бу муаммо яққол юзага чиқади ва шунинг учун аксарият иштирокчилар томонидан бу масофавий таълимнинг камчилик тарафи сифатида кўрилган. Энг паст кўрсаткич эса техник қобилиятлар етишмаслигига боғлиқ бўлиб, фақат 37,8% иштирокчи бу фикрга қўшилган. Қолган иштирокчилар ўзларининг техник қобилиятларини яхши баҳолайдилар. Сўровнома талабалардан олинганлиги туфайли улар орасида техник муаммоларга дуч келганлар сони камроқ. Лекин умумий ҳулосага келганда, масофавий таълимнинг устунликлари ва камчиликлари ўрганилганда иштирокчиларнинг фикрлари икки томонга тенг ажралди.

Иштирокчилар рақамли таълим тажрибасидан сўнг уларнинг кўп қобилиятлари, хусусан, техник кўникмалари яхшилангани ҳақида хабар беришди. Ушбу ҳулоса адабиётларга мос келади, бу рақамли технологиялар талабаларга ҳамкорлик ва ўзаро таъсир қилиш учун кенг манбалар ва имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш орқали ўқув жараёнини яхшилаши мумкинлигини кўрсатади [4]. Рақамли таълим томонидан тақдим этилган мослашувчанлик, айниқса, ишлайдиган ёки бошқа масъулиятга эга бўлган талабалар учун фойдалидир, чунки бу уларга ўз тезлигида ва ўз жадвалида ўрганиш имконини беради.

Бирок, рақамли таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида гап кетганда, иштирокчиларнинг фикрлари иккига бўлинган. Баъзи иштирокчилар рақамли таълим янада мослашувчан ва вақтни тежаши сабабли самаралироқ эканини, бошқалари эса анъанавий ўрганиш усуллари янада самаралироқ, чунки улар кўпроқ юзма-юз мулоқот ва янада мукамал тузилган ўқув муҳитини таъминлашини таъкидладилар [5]. Бу шуни кўрсатадики, рақамли таълимнинг самардорлиги индивидуал имтиёзлар ва ўрганиш услубларига, шунингдек, ўрганишнинг аниқ мақсадлари ва контекстларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг бир чеклови шундаки, маълумот тўплаш усули иштирокчиларнинг фикрларига асосланади, бу эса нотўғри қарашларга олиб келиши мумкин [6]. Масалан, иштирокчилар рақамли

технологиялардан фойдаланиш қулайроқ бўлгани ёки ўтмишда рақамли ўрганиш бўйича ижобий тажрибага эга бўлгани учун рақамли таълим самардорлигини ортиқча баҳолаган бўлиши мумкин. Ушбу чекловни бартараф этиш учун келажакдаги тадқиқотларда ўз-ўзидан билдирилган фикрларни ўрганиш натижаларининг объектив ўлчовлари, масалан, тест баллари ёки баҳолари билан бирлаштирилган аралаш усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ушбу чекловга қарамай, мазкур тадқиқот натижалари назария ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳулоса шундан иборатки, рақамли таълим вақтни бошқариш нуқтаи назаридан самаралироқ, чунки у талабаларга ўз тезлигида ва ўз жадвалларида ўрганиш имконини беради. Ушбу ҳулоса рақамли технологияларнинг анъанавий таълим усулларига хос бўлган вақт ва макон чекловларини енгишга ёрдам бериши мумкинлигини кўрсатадиган адабиётларга мос келади [7]. Рақамли таълим талабаларда кўпроқ мослашувчанлик ва эркинликни таъминлаш, индивидуал ўрганишни ривожлантириши, вақтни бошқариш, танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш каби муҳим кўникмаларни ривожлантириши мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг асосий гипотезаси ОТМдаги рақамли трансформациялар кўпроқ инновацияларга олиб келиши ва ижтимоий инновацияларнинг драйверига айлантиришдир. Онлайн сўров натижалари шуни кўрсатадики, бу гипотезани қисман қўллаб-қувватлаш мумкин, чунки сўров иштирокчилари рақамли таълимни анъанавий таълим усулларига қараганда анча мослашувчан ва самарали деб ҳисоблашган.

Шунингдек, ҳақиқий таълим ҳали ҳам индивидуал таълимдан содир бўлади. Рақамли технологиялар талабалар учун кенг қўламли ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишни таъминлаб бериши мумкин бўлса-да, ҳақиқий натижа ўқувчилар мустақил таълим фаолияти билан шуғулланганларида юзага келади. Бу шуни кўрсатадики, ОТМ ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратишлари ва ўқитиш усулидан қатъий назар, талабаларга ўз таълимини назорат қилишлари учун имкониятлар яратиши керак.

Келажакда ОТМда рақамли трансформация истиқболлари ёрқин дея олиш мумкин. Рақамли технологиялар ОТМга ўз таъсирини кенгайтириш, ўқитиш ва ўрганишнинг янги усулларини тадқиқ этиш, ижтимоий инновацияларни қўллаб-қувват-

лаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун янги имкониятларни тақдим этади. Бироқ, рақамли технологиялар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ОТМ бир қатор муаммоларни ҳал қилиши керак.

Улардан бири рақамли технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиши ёки технологиядан фойдаланиш имкониятидан қатъий назар, барча талабалар учун очик ва адолатли бўлишини таъминлашдир [8]. ОТМлар рақамли инфратузилмага сармоя киритиши, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун тренинглар ўтказиши ҳамда рақамли технологияларнинг ўқув дастурига мазмунли ва самарали киритилишини таъминлашлари талаб этилади.

Яна бир қийинчилик – рақамли ўрганишнинг афзалликларини юзма-юз мулоқот ва иштирок этиш зарурати билан мувозанатлашдир. Рақамли таълим кўплаб афзалликларга эга бўлса-да, таълим жараёнида одамларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири муҳимлигини тан олиш муҳимдир.

ОТМ индивидуал талабаларнинг эҳтиёжлари ва афзалликларига мослаштирилган рақамли таълим муҳитини лойиҳалаш, уларнинг ўз устида ишлаш, ривожлантиришга қаратилган имкониятларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорлик ва инновация маданиятини ривожлантиришни ўз ичига олиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу тадқиқот натижалари ОТМ рақамли ва анъанавий таълим усуллари ўртасидаги мувозанатни диққат билан кўриб чиқишлари зарурлигини кўрсатади. Рақамли технологиялар мослашувчанликни ошириш ва ресурслардан фойдаланиш каби кўплаб афзалликларни бериши мумкин бўлса-да, улар барча талабалар ёки барча ўқув контекстлари учун мос келмаслиги мумкин. ОТМ барча талабалар учун, уларнинг афзал кўрган ўрганиш услуби ёки технология малакасидан қатъий назар, инклюзив ва фойдаланиши мумкин бўлган ўқув муҳитини яратишга интилишлари зарур. Натижалар талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини ривожлантиришга, уларнинг эҳтиёжларини қўллаб-қувватлайдиган мослашувчан ва инклюзив таълим муҳитини яратиш муҳимлигини таъкидлайди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ОТМ да рақамли трансформация истиқболлари ижобий, аммо улар рақамли технологиялар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун бир қанча муаммоларни ҳал қилишлари керак. Хусусан, рақамли инфратузилмага

сармоя киритиш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлашлари муҳим. ОТМ ижтимоий инновацияларни илгари суриш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун рақамли технологиялар салоҳиятини ўрганиш орқали бугунги куннинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилишда етакчи роль ўйнаши мумкин.

Рақамли трансформация олий таълим имкониятини янада кенгайтириш ва бугунги динамик ва мураккаб муҳитга жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш каби аниқ ижтимоий мақсадларга эришиш йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлиши мумкин. **ОТМ да рақамли трансформация истиқболлари ижобий бўлиб, улар рақамли технологиялар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун қуйидаги йўналишларда ҳаракат қилишлари зарур:**

1. ОТМ рақамли таълимни қўллаб-қувватлаш учун рақамли технологиялар ва инфратузилмага сармоя киритиш, шунингдек, ушбу технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун ўқитиш ҳамда қўллаб-қувватлаш усуллари кўриб чиқишлари керак.

2. ОТМ рақамли таълимнинг талабалар эҳтиёжларига жавоб беришини ва ижобий таълим натижаларини рағбатлантиришини таъминлаш учун доимий баҳолаш ва фикр-мулоҳазаларини ўрганишлари ҳамда талабаларнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва умидларига мослашиш учун ўзларининг ўқитиш стратегияларини мослаштиришлари муҳим.



3. ОТМлар ижтимоий инновацияларни рағбатлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун рақамли технологиялар салоҳиятини ўрганишлари зарур. Рақамли технологиялар ОТМ га кенгроқ манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш, шерикчиликнинг янги шакллари ўрганиш ҳамда мураккаб ижтимоий муаммоларга инновацион ечимларни ишлаб чиқиш имкониятларини тақдим этади. ОТМлар ушбу имкониятларни аниқлаш

ва ижтимоий инновацияларни рағбатлантириш учун рақамли технологиялар салоҳиятидан фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқишда фаол бўлишлари мақсадга мувофиқ.

4. ОТМлар ижтимоий инновацияларни илгари суришлари ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун рақамли технологиялар салоҳиятини ўрганиш орқали бугунги куннинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилишда етакчи роль ўйнашлари лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони.*
4. Schröder, A., David, A., & Hamburg, I. (2018). *Creating spaces for innovations in education and lifelong learning. In atlas of social innovation: New practices for a better future; Howaldt, J., Kaletka, C., Schröder, A., Zirngiebl, M., Eds.; SI-DRIVE Deliverable No. 12.6; TU Dortmund University, 170–172.*
5. Windrum, P. (2008). *Innovation and entrepreneurship in public services. In P. Windrum & P. Koch (Eds.), Innovation in public sector services (pp. 3–20). Edward Elgar.*
6. Kim, M. G., Lee, J. H., Roh, T., & Son, H. (2020). *Social entrepreneurship education as an innovation hub for building an entrepreneurial ecosystem: The case of the KAIST social entrepreneurship MBA program. Sustainability, 12, 9736.*
7. Krčmářová, J. (2011). *The third mission of higher education institutions: Conceptual framework and application in the Czech Republic. European Journal of Higher Education, 1(4), 315–331.*

УЎК: 314.114(575.1)

Шахло МАХКАМОВА,
иқтисодиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи,
E-mail: shmakhkamova@mail.ru

Пенсия жамғармаси даромадларини ошириш ҳамда даромад ва харажатлар мутаносиблигини таъминлаш

Аннотация: мақолада Пенсия жамғармаси даромадларини ошириш йўлларининг хориж тажрибаси ҳамда даромад ва харажатлар мутаносиблигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган имитацион модель ҳисоб-китоблари натижасида яратилган вариантлар таҳлили амалга оширилиб, Ўзбекистон учун илмий асосланган таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: аҳолининг қариши, пенсия ёши, даромад ва харажатлар шаклланиши, прогноз, пенсия тўловлари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ходимлар сони улуши, бадаллар фоиз ставкаси, ўртача пенсия, иш ҳақи.

Увеличение доходов пенсионного фонда и обеспечение сбалансированности доходов и расходов

Шахло Махкамова,
кандидат экономических наук,
руководитель проекта Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

Аннотация: в статье проведен анализ вариантов, созданных в результате расчетов разработанной имитационной модели обеспечения баланса доходов и расходов, а также зарубежного опыта способов увеличения доходов Пенсионного фонда, представлены научно обоснованные предложения для Узбекистана.

Ключевые слова: старение населения, пенсионный возраст, формирование доходов и расходов, прогноз, пенсионные выплаты, трудоспособное население, доля в численности занятых, процентная ставка взносов, средняя пенсия, заработная плата.

Increasing the income of the pension fund and ensuring a balance between income and expenses

Shakhlo Makhkamova,
PhD (in Economics),
Project Manager Institute for Fiscal Studies
under the Ministry of Economy and Finance
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: the article presents an analysis of options created as a result of calculations from the developed simulation model for ensuring the balance of income and expenses, as well as foreign experience in ways to increase the revenue of the Pension Fund. Scientifically substantiated proposals for Uzbekistan are also presented.

Keywords: population aging, retirement age, formation of income and expenses, forecast, pension payments, able-bodied population, share in the number of employees, contribution rate, average pension, salary.

Кириш. Бугунги кунда аҳолининг қариб бориши Европа давлатларида кучайиб бормоқда. Шу сабабли пенсия ёшини ошириш масалалари кўпгина

давлатларда долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ҳам аҳолининг келажакда қариш тенденцияси кучайиши прогноз қилинмоқда. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларидан бири пенсия таъминоти бўлиб, Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш механизмларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармонининг иловаси: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 54-мақсад “Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”нинг 178-банди **“Фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш”** бўлиб, бу Пенсия жамғармаси даромадларини ошириш ҳамда даромад ва харажатлар мутаносиблигини таъминлаш усулларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи. Себастьян Бетермье пенсия жамғармасининг асосий муаммоси аҳолининг кутилаётган умр давомийлиги аниқ эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, кутилаётган хавф-хатарларни прогноз қилиш орқали жамғарма даромадлари самарадорлигига эришиш мумкинлигини ва хавф-хатарларни бошқариш тизимини кучайтириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади ва бу бизнинг фикрларимиз билан мос келади [15]. Август Бейкер пенсия жамғармаси активларининг инвестицион кўрсаткичларини яхшилаш учун режанинг жорий кўрсаткичларини синчковлик билан баҳолаш ва кейин келажакдаги кўрсаткичларни яхшилаш чораларини кўришни таклиф этган [3].

Виктор Ляшок пенсия таъминоти асослари ва кўрсаткичлари, пенсия таъминоти тизимининг жаҳон тажрибаси, пенсия тизимини ўзгарувчан демографик шароитларга мослашувчан механизмлари, шунингдек, пенсия таъминоти тизимининг жамғариб бориладиган қисмини ривожлантириш истикболларини таҳлил қилган [19]. Сильчук Александра Александровна ўз ишида пенсия жамғармаси тақчиллигини камайтириш учун жамғариб бориладиган пенсияни ихтиёрий форматга ўтказишнинг ижобий таъсирини кўрсатган [16]. Омон Ғаниев тадқиқотларида жамғариб бориладиган пенсия тизимига тўланадиган тўлов миқдорининг бугунги кундаги 0,1% дан оширилиши ва солиқ тизимидаги ислохотлар

зарурлиги келтирилган бўлиб, бизлар ҳам бу фикрларга қўшилаемиз [5]. Баҳодир Умурзоқов тадқиқотларида пенсия жамғармаси даромад ва харажатларига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиб, бизнинг фикримиз каби, уларни бошқаришни таклиф этган [18]. Владимир Станиславович Назаров, турли давр авлодлари учун турли пенсия тизими зарур, деб ҳисоблайди [2]. Пенсия таъминоти муаммолари бутун дунёда долзарб ҳисобланади. Бунда ушбу муаммоларнинг долзарблиги мамлакат иқтисодий ривожланишидан қатъий назар намоён бўлади. Дунёда пенсия таъминоти масаласи долзарбланишининг асосий сабаби аҳолининг қариш жараёни ҳисобланади, яъни туғилиш қисқариши ва ўртача умр кўриш давомийлигининг узайиши билан боғлиқ. Барча ривожланган мамлакатларда, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларда ва ривожланаётган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли ёшга боғлиқлик коэффициенти ошмоқда, бу эса пенсия тўловларини молиявий қоплашни шакллантиришда жиддий диспропорцияларга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизимларини ислоҳ қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг бош мақсади пенсия суғуртасини янада такомиллаштиришдан иборат. Бунга унинг рационаллигини ошириш ва тобора ошиб бораётган кекса фуқаролар контингентига тўлашга харажатларни қоплаш учун қўшимча молия манбаларини излаш орқали эришилади [4, 6, 7, 10, 11, 14].

АҚШ, Канада каби ривожланган мамлакатларда пенсия ёши аёллар ва эркеклар учун 65 ёш. Испанияда 2027 йилга келиб пенсияга чиқиш ёши ҳар йили икки ойга ошиб, прогрессив равишда 67 ёшгача этади. Бироқ айрим мамлакатлар – Италия, Польша, Хитойда пенсияга чиқиш ёши аксинча, пасайтирилмоқда. Италияда пенсия ёши эркеклар учун 66 ва аёллар учун 67 ёшдан 62 ёшгача пасайтирилди. Хитойда эркеклар пенсияга 60 ёшдан, аёллар эса машғулот турига қараб 50–55 ёшдан чиқишлари мумкин. Яқин вақтда пенсия ёшини аёллар учун 45 ёшгача ва эркеклар учун 55 ёшгача камайтириш бўйича ислохотни амалга ошириш режалаштирилмоқда [8]. Италия ёшлар орасидаги ишсизликни камайтириш учун қарияларни вақтида пенсияга чиқариш ниятида, токи кексалар иш ўринларида ўтириб қолмай, давлат вэлфери(Welfare)га кетсин. Хитой иқтисодий стагнация фондида ишчи кучи айланишини тезлаштиришга уринмоқда: энди иқтисодиёт кўп ишчиларга муҳтож эмас, лекин ёш ходимлар унга зарур.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамғариб бориладиган пенсия тизими мохиятан фақат меҳнатга ҳақ тўлаш шароитларида мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса пенсия суғуртасининг кўнгилли ва бошқа турларини ўрнатиш имконини беради. Ўтиш даври мамлакатлари иқтисодиётида пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади пенсия фондларининг фаолияти учун бозор механизмларини йўлга қўйиш, амалдаги (тақсимот) тизимлар негизида кўшимча (жамғариб бориладиган) тизимлар ва аҳоли пенсия суғуртасининг нодавлат тузилмаларини шакллантиришдан иборат. МДХ мамлакатларидаги ислохотлар турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда амалга оширилмоқда, бу эса уларнинг ўтказилиши хусусиятига таъсир кўрсатади. МДХда пенсия ислохотларини амалга оширишга тўсик бўлаётган омиллар суғурта институтларининг реал бозори йўқлиги, аҳоли даромадлари, шунингдек аҳолининг айрим қатламлари боқиманда кайфиятда эканлигидан иборат. Пенсия тизимида стаж сотиб олиш, гарчи бу ҳам пенсия тизимини ислоҳ қилиш варианты бўлса-да, бу тизим иқтисодиёт учун зарур шароитларни шакллантириш имконини бериши мумкин. У мамлакатлардаги қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорини рағбатлантиради, кўшимча инвестициялар оқимини кучайтиради, суғурта маданиятини сезиларли оширади. Буларнинг барчаси пенсияларни ошириш учун кўшимча манбаларни топиш имконини беради. Пенсия тизимини баҳолаш коэффициентларидан бири алмашиш коэффициенти бўлиб, ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақи миқдорига нисбати билан аниқланади. Россияда алмашиш коэффициенти - 29,4 бўлиб, камайиш тенденциясида бормоқда [17].

Асосий қисм. Пенсия жамғармасининг шаклланиши ва сарфланиши сценарийлари ва вариантларини ҳисоблашнинг самарали усули сифатида Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлари ўзгариш жараёнларини имитация қилувчи математик модель ишлаб чиқилди. Ҳисоблаш методологияси дунё тажрибасида кенг қўлланиладиган иқтисодий-математик усулларга асосланган.

Математик модель аҳолининг ёш ва жинс бўйича демографик тузилишининг прогнози ва Пенсия жамғармасининг даромадлар ва харажатлар қисмларига таъсир этувчи турли механизмларнинг таъсирини кўрсатадиган бир қатор параметрлар асосида Пенсия жамғармасининг келажакдаги актуар

балансини ҳисоблайди. Ушбу ёндашув иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда бутун дунёда кенг қўлланилади. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлашда Пенсия жамғармасининг имитацион актуар балансидадан фойдаланилади.

Таклиф ва тавсиялар ижтимоий-иқтисодий барқарорликка таҳдидларни бартараф этиш ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Ҳисоблаш тажрибаси ёрдамида Пенсия жамғармаси шаклланишини прогноз қилиш модели базаси орқали Ўзбекистоннинг истиқболли ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда турли сценарийлар ва вариантлар кўриб чиқилади. Усулнинг мантиғи шундаки, модель актуар баланс тизимининг турли элементлари орасидаги ва киритиш ҳамда натижавий параметрлар ўртасидаги боғланишларни тавсифлайди. Имитацион моделнинг асосий элементлари қуйидаги математик формулалар билан ифодаланиши мумкин:

Пенсия жамғармаси даромади:

$$ДПФt = Pt + It + Ot + Жt,$$

Бу ерда,

Pt-корхоналар взнослари, *It* – ходимлар взнослари (жисмоний шахсларнинг даромад солиғи), *Ot* – реализация ҳажмидан взнос, *Жt* – бошқа даромадлар.

Харажатлар формуласи:

$$РПФt = Pвт + PИt + PКt + PСt,$$

Бу ерда: *Pвт* – ёшга доир пенсия харажатлари, *PИt* – ногиронларга пенсия харажатлари, *PКt* – боқувчисини йўқотганлик пенсияси харажатлари, *PСt* – ижтимоий тўловлар учун харажатлар.

Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари таққосланади ва актуар баланси тузилади. Камомад ёки ортиқча бўлишига қараб тизимни такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Статистика агентлиги, Пенсия жамғармаси маълумотлари, Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг тадқиқотлари натижалари ташкил этади. Тадқиқот натижалари Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларини истиқболдаги даврга шакллантириш борасида ишлаб чиқилган имитацион моделга асосланади.

Модель аҳоли сонининг ёши ва жинси бўйича прогнози асосида пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг актуар балансининг шаклланиши ва унга турли омиллар таъсирини ҳисоблайди. Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлари прогнозининг ушбу модели асосида дастур ишлаб чиқилган.

Омилларнинг Пенсия жамғармасига таъсирининг аҳамиятидан келиб чиқиб ва ислохотлар борасидаги жаҳон амалиётини ҳисобга олиб, қуйидаги вариантлар ҳисоблаб чиқилган:

1. Даромадларни шакллантириш – ПЖ даромад қисмига таъсир қилувчи вариантлар;

2. Харажатларни шакллантириш – ПЖ харажат қисмига таъсир қилувчи вариантлар;

3. Даромад ва харажатларнинг мувозанатловчи – вариантларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларини синтезловчи (аралаш) вариантлар.

Пенсия жамғармасининг истиқболдаги даврга даромад ва харажатларининг шаклланишига таъсир кўрсатишнинг асосий механизмлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин бўлиб:

- ойлик маошининг ўртача йиллик ўсишининг ўзгариши – Пенсия жамғармасининг даромад қисмига таъсир кўрсатади;

- пенсия миқдорининг ўртача йиллик ўсишининг ўзгариши – Пенсия жамғармасининг харажат қисмига таъсир кўрсатади;

- ишлаётганлар сонининг ўзгариши Пенсия жамғармасининг даромад қисмига таъсир кўрсатади;

- бадаллар фоиз ставкасининг ўзгариши Пенсия жамғармасининг даромад қисмига таъсир кўрсатади;

- пенсияга чиқиш ёшининг ўзгариши Пенсия жамғармаси харажат қисмига таъсир кўрсатади;

- реализация ҳажмидан бадалларнинг фоиз ставкалари ўзгариши Пенсия жамғармаси даромад қисмига таъсир кўрсатади;

Ушбу кўрсаткичлардан ташқари демографик омил – аҳолининг қариши бор. Бу омил 2020 йил - 10%, 2021 йил - 11% бўлган ва бошқа барча омиллар сақланиб қолгани ҳолатида 2022 й. – 12 % га етиши кутилади.

Тадқиқот натижалари ва хулоса

1. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизимларини ислоҳ қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг бош мақсади пенсия суғуртасини янада такомиллаштиришдан иборат. Бунга унинг рационалликни ошириш ва тобора ошиб бораётган кек-

са фуқаролар контингентига тўлашга харажатларни қоплаш учун қўшимча молия манбаларини излаш орқали эришилади.

2. Демографик прогнозга кўра, пенсия ёшидаги аҳоли улушининг ўсиши кутилаётганини ҳисобга олинганда, тегишли равишда Пенсия жамғармасининг даромади ва харажати ўртасидаги фарқ камаяди. Шу боисдан пенсия таъминотининг кутилаётган муаммосининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

3. Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш муаммосини ҳал қилиш учун энг таъсирчан чора маошнинг ўртача йиллик ўсишини пенсияларнинг ўртача йиллик ўсишига нисбатан орттиришдан иборат. Худди шундай натижани пенсияларнинг ўртача йиллик ўсишини маошнинг ўртача йиллик ўсишига нисбатан камайтиришда ҳам олиш мумкин. Ҳисоблаш эксперименти шуни кўрсатадики, 0,01 бандга тенг айирма Пенсия жамғармаси 10,0 фоиз ошишини кўрсатади. Айирманинг 0,03 бандгача етиши Пенсия жамғармаси актуар балансини яхшилайти. Бунинг учун корхоналарда Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича муайян чоралар кўриш тавсия этилади.

4. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонидagi ходимлар (взнос тўловчилар) сони улуши жуда паст даражада (25,1%). Уни оширишнинг етарлича имконияти мавжуд. Биз томонимиздан 16-30 ёшдаги нофаол (уюлмаган) (расман ишламайдиган, ўқимайдиган) ёшлар ва 30-60 ёшдаги ишсизлар (жами 930 респондент) ўртасида ўтказилган ижтимоий тадқиқотга кўра, уюлмаган ёшларнинг 64,9% ва ишсизларнинг 79,1% пенсияга чиқиши муҳимлигини қайд этди. Ёш ўтгани сайин пенсияга чиқиш аҳамияти ҳам ошаверади. Бу эса истиқболда расман ишлайдиганлар сонини 60-70% га етказиш салоҳияти борлигини кўрсатади.

Халқаро меҳнат ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш учун пенсионерлар ва ходимлар (взнос тўловчилар) нисбати 1:4 бўлишини тавсия қилса-да, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1:1,5 ни ташкил этади [9]. Бу ҳолат взнос тўловчилар пенсия олувчиларга нисбатан 4 баравар кўп бўлиши кераклигини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70%дан кўпроғи взнос тўлаши, яъни, ҳозирги 25% га яна 45% взнос тўловчи қўшилиши кераклигини кўрсатади.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонида ходимлар улушининг 1 фоизга оширилиши Пенсия жамғармаси даромад

қисмининг 4 фоизга ортишига олиб келади. Шунингдек, ходимлар сонини 10–15 фоизга кўпайтириш бўйича зарур чораларни кўриш орқали ҳам Пенсия жамғармаси актуар балансининг зарур даражасига эришилади.

5. Пенсия жамғармаси даромад қисмининг Пенсия жамғармасига тўловлар фоиз ставкаларини ошириш асосида бажарилган ҳисоб-китоблар ва ишлаб чиқилган вариантлар асосида улардан энг самаралиси белгиланди. Бу вариантда ўртача маош ва пенсия миқдорини мос равишда йилига 1,23 бараварга ва 1,20 бараваргача ошириш (айирма 0,03 банд) ва ходимлар салмоғини 44,2 фоизгача ошириш (19,1% га ошади) кўзда тутилган, шунда Пенсия жамғармасига бадаллар ставкаларини ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (МХФ)дан 24 фоизгача (1% га) камайтириш ва ходим учун 0 фоиз қолдириш, шунингдек реализация ҳажмидан камайтириш 1,0 фоиз (0,6 бандга) камайтириш ва пенсияга чиқиш ёшини аёллар учун 59 ва эркаклар учун 65 ёш деб белгилаш мумкин. Пенсия ёшини ошириш эса ўз навбатида бир қанча ижобий ва салбий жиҳатларга эга. Демографик ҳолат ва арзон ишчи кучи мавжудлиги бу усулни қўллашга имкон бермайди. Ўзбекистон аҳолиси нисбатан ёш, ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд минтақа ва норасмий бандлик улуши юқори.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди: маош миқдорининг йиллик ўзгаришини – 1,23 пункт ва пенсия миқдори ўзгаришини – 1,20 пункт деб белгилаш; ходимлар сонини 39,2% гача ошириш; бадаллар МХФдан - 29%, ходимлардан - 0%, реализация ҳажми - 1,5%; пенсия ёшини ўзгартирмасдан ҳозирги ҳолатдагидек қолдириш, яъни 54/55 ёш - аёлларга ва 60 ёш – эркакларга. Бу ҳолатда Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари фарқи +36,6% профицитни ташкил этади. Алмашиш коэффициенти – ўртача пенсия миқдорининг ўртача маошга нисбати – 56,9 ва боғлиқлик коэффициенти – пенсия олувчилар сонининг ходимлар сонига нисбати – 63,4 га тенг бўлади. Охириги пайтда Ўзбекистонда бу коэффициентлар мос равишда – 25 ва 80 бўлган.

Шунингдек, халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ, давлат томонидан қафолатланган кўп босқичли пенсия тизимини жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш, жамғариб бориладиган пенсияга ажратмалар миқдорини ошириш ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ шкала ва ставкаларини кўриб чиқиш, яъни жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаларини бугунги кундаги 12% фоизли ясси шкаладан ижтимоий адолатли прогрессив шкалага ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.* <https://lex.uz/docs/5841077> [18.04.2022].
2. «Автор пенсионной реформы» подвел ее первые итоги. В.Назаров <https://www.mk.ru/economics/2020/01/05/avtor-pensionnoy-reformy-podvel-ee-pervye-itogi.html>
3. Август Бейкер , Деннис Э. Лог , Джек С. Рейдер. Повышение эффективности инвестиций пенсионного фонда <https://academic.oup.com/book/2295/chapter-abstract/142430389?redirectedFrom=fulltext>
4. В каком возрасте в странах СНГ выходят на пенсию, доступно по ссылке <https://tj.sputniknews.ru/infographics/20181207/>
5. Ганиев О. Налоговая реформа и пенсионная система Узбекистана: обеспечение финансовой <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2349>
6. Какой пенсионный возраст в Швеции, доступно по ссылке <https://emigranto.ru/evropa/shveciya/pensionnyi-voznrast-shvetciia.html>
7. Как формируется и кому полагается пенсия в Великобритании, доступно по ссылке <https://zagrportal.ru/velikobritaniya/zhizn-v-velicobritaniji/pensiya-v-velikobritaniya.html>
8. Китай снижает пенсионный возраст до 55 лет для мужчин и до 50 лет для женщин <https://sensay.mirtesen.ru/blog/43322542614/Kitay-snizhayet-pensionnyiy-voznrast-do-55-let-dlya-muzhch>

9. Оценка системы социальной защиты в Узбекистане на базе основного диагностического инструмента (CODI) совместный отчет МОТ, ЮНИСЕФ и Всемирного банка. 2020 https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_760150.pdf [29.12.2022].
 10. Пенсионная система Швеции. <https://www.enpf.kz> [04.07.2022].
 11. Пенсионные проблемы стареющего мира <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/rus/2006/09/pdf/Turner.pdf>
 12. Пенсия в Японии, доступно по ссылке <https://visasam.ru/emigration/pension/pensiya-v-yaponii.html>
 13. Правление Центрального банка, на состоявшемся 20 января 2022 года заседании, приняло решение о сохранении основной ставки без изменений https://cbu.uz/ru/press_center/releases/584578/
 14. Размер пенсии в Израиле в 2020 году, доступно по ссылке <https://zaganportal.ru/izrail/zhizn-izrail/pensiya-v-izraile.html>
 15. Себастьян Бетермье. Как улучшить долгосрочное планирование для пенсионных фондов. <https://policyoptions.irpp.org/magazines/june-2022/how-to-improve-long-term-planning-for-pension-funds/>
 16. Сильчук А.А. Повышение финансовой устойчивости пенсионной системы Российской Федерации // автореф. на соиск. уч. ст. к.э.н. https://gui.ru/files/dissertations/2016/06/silchuk_a_a/autoreferat.pdf
 17. Счетная палата <https://tass.ru/ekonomika/12165521> [29.12.2022].
 18. Умурзаков Б. Х. Совершенствование пенсионного обеспечения Узбекистана в условиях модернизации национальной экономики // Экономика региона. – 2011. – N 1 (25). – С. 216-223.
 19. Эксперты НИФИ и представители Республики Узбекистан обсудили вопросы с применением пенсионной системы. В.Ляшок <https://www.nifi.ru/en/news-ru/novosti/1439-news-30102020>
 20. <https://policyoptions.irpp.org/magazines/june-2022/how-to-improve-long-term-planning-for-pension-funds/>
 21. http://erepo.usiu.ac.ke/bitstream/handle/11732/1997/C02_Arnolds_C.pdf?isAllowed=y&sequence=2
 22. <https://academic.oup.com/book/2295/chapter/142430389>
 23. <https://mf.uz/>
 24. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/1419-ozbekiston-respublikasining-demografik-holati-4>
-
-

УЎК: 159.923

Shirin DUSHAMOVA,
Мамлакатимизда 2022 йил давомида умумий қиймати 4,5 млрд.доллардан ортиқ бўлган жами 212 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, энергетика соҳасида 8 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 20 та, сув хўжалиги соҳасида 52 та, экология соҳасида 53 та, таълим соҳасида 48 та, маданият соҳасида 24 та, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида 2 та, транспорт, коммунал хизматлар, солиқ, хунармандчилик саноати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида биттадан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин [2].

Шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан молиялаштириш эҳтиёжларни тўлиқ қопламайди. Шунинг учун хусусий сектор томонидан инвестициялар талаб қилинади. Бундан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг тегишли механизмини амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги – бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир.

Дунё мамлакатларида мавжуд давлат ва хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, тамойиллари, ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва уни мамлакатимизда ривожлантириш олдимизга қўйилган вазифалардан биридир. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мамлакатимизда кундан кунга тараққий этиб бораётганлиги бу соҳада қилинаётган илмий тадқиқотларнинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Давлат-хусусий шериклик бўйича кўплаб хорижий олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хорижий олимлардан М. Паздников, F. Ullah, M. Thaheem, A. Цепелева, T.E. Мельник, E.B. Галиева, E. Дынин, M. Жерард, B.A. Кабашкин, B.G. Варнавский, A.B. Клименко, B.A. Королев, E. Белый, K. Антонова, E. Галиева ва A. Магденколар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикликнинг мамлакат иктисодиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини билдирган.

М. Паздников фикрича **“Давлат-хусусий шериклик”** – давлат ва бизнес шерик бўлган ғарбий бозор иктисодиётининг маҳаллий воситаси сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, шериклар тенгдирлар, шунинг учун **“Давлат хусусий шерикчилиги”** атамаси қўлланилади, деб таърифлайди [3]. F. Ullah, M. Thaheemлар эса, **“Давлат-хусусий шериклик – лойиҳаларининг шартнома муддати лойиҳадан кутилаётган даромадлилик ва капитал баҳосига ўзининг таъсирини кўрсатади”** деб таърифлаган [4]. A. Цепелеванинг докторлик диссертация ишида Лондон-2012 Олимпия ўйинларини **“Спорт соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг энг ёрқин намуналаридан”** бири деб эътироф этган [5]. T.E. Мельникнинг фикрича,

“Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик амалиётини ривожлантириш давлат органларининг ушбу соҳадаги ижтимоий сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш эҳтиёжлари билан белгиланади” деб таъкидлаган [6]. Е. Галиева ва А. Магденко томонидан берилган таърифда, давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш ва унинг турли шакллари қўллаш учун жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қонун ҳужжатларида акс эттириш зарур деб атаган [7]. Е.Б. Галиеванинг фикрича, Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий мақсади лойиҳада хусусий шерик томонидан даромад олишдир. Хусусий шерикларни нафақат спорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишга жалб қилиш, балки уларни спорт иншоотларини бошқаришга жалб қилиш ва шу билан бирга давлат бюджет харажатларини камайтириш долзарб масаладир [8].

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик соҳасининг моҳияти ва турли жиҳатларини ёш тадқиқотчи олимларимиз Джуманиязов У.И. (2017), Шавкатов Н.Ш. (2021), Султанов А.С. (2021), Халмуратов К.П. (2021), Юнусова С.Б. (2022), Ҳалимов Ф.Э. (2022), Тохиров Ж.Р. (2022), Мамаюсупова Д.Б. (2022), Ҳайитов С.Б. (2022), Утегенов Қ.Д. (2022), Каюмов Б.Э. (2023), Утемурадова Г.Х. (2023), Якубова С.С. (2023) томонидан ўрганилиб, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ёш олимларимиздан Ф. Ҳалимовнинг тадқиқот натижаларига кўра, давлат-хусусий шерикликнинг бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилиши натижасида иқтисодий самарадорлик қуйидагиларда намоён бўлади: давлат бюджетини хисобига турли хилдаги халқаро, республика ва ҳудудлараро миқёсдаги жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини молиялаштириш қисқариши; ижтимоий аҳамиятга эга тадбиркорлик фаолияти ривожланиши; истиқболда янги соҳа ва тармоқларнинг юзага келишига имкон туғилиши; янги иш ўринлари яратилиши; давлат бюджетига солиқ манбалари ва тушумлари кўпайишини кўришимиз мумкин [9].

Бундан кўриниб турибдики, охириги йилларда олимларимиз томонидан бу соҳаларга қизиқиш юқорилиги мамлакатимиз тараққиётининг ривож топишига туртки бўлади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда бир қатор маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган маълумотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлардан фойдаланилди. Тадқиқот ишида мантикийлик, таҳлил ва синтез ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сон Фармонининг 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда қиймати қарийб 14 млрд.доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган [2].



1-расм. Соҳалар кесимида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сони

Манба: Давлат хусусий шерикчилик агентлигининг 2022 йил 2-чорақ ҳисоботи асосида тайёрланган.

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жорий йилда мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда экология ва сув хўжалиги соҳаларининг улуши кўпчилигини кўришимиз мумкин. Бошқа соҳалар жумладан, автомобиль йўллари, логистика, спорт, авиация, туризм, маданият, чиқиндиларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида амалга ошириш назарда тутилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

1. Бир миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси давлат шериги, яъни Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

2. Бир миллион АҚШ долларидан - ўн миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, давлат шериги яъни Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг ваколатли давлат органи томонидан Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади. Вазирлар Маҳкамаси давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари туфайли соҳаларга хорижий тажриба ва технологиялар ҳам кириб келмоқда. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаси, муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳимлигини инобатга олиб, унинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашимиз керак.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд бўлган бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик шарти асосида куриладиган ва фойдаланиладиган хизмат турлари:

- Спорт майдончалари ва иншоотлари;
- Спорт кийимлари ва жиҳозлари дўконлари;
- Фитнес марказлари;
- Хизмат кўрсатиш шохобчалари;
- Бошқа хизматлар.

Давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерик (бизнес)нинг ўзаро манфаатли шериклиги экан, улар ўртасида ҳамкорликнинг асосий нуқтаси томонларнинг ҳар бирининг мақсад ва манфаатларини мувофиқлаштиришдир. Давлат-хусусий шериклик давлат ва бизнеснинг умумий мақсадлари ва аҳамиятини ушбу 2-расм орқали кўришимиз мумкин.



2-расм. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва бизнеснинг мақсадлари ва аҳамияти
Манба: муаллиф ишланмаси.

2-расмдан кўриб турибмизки, давлат ва бизнеснинг шериклик фаолияти пировардида иқтисодий комплекснинг ишлаши ва аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, давлат мулкни оқилона бошқариш, инфратузилмадан фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлайди.

Европа давлатларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик нафақат спорт инфратузилмаси объектларини яратиш/реконструкция қилиш лойиҳаларида, балки бошқа турдаги лойиҳаларда ҳам қўлланилади. Буюк Британияда “хусусий молиявий ташаббус” асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни, шу жумладан профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда (яъни спорт ва таълим соҳалари кесишмасидаги лойиҳалар). Шу билан бирга, шерикликда нафақат давлат ва бизнес вакиллари, балки олий ўқув юрталари, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар.

Давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик

Ўзининг молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашишидан иборатдир. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равшан қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Ушбу 3-расмда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат ва хусусий шерикнинг устунлик ва фойдалилик томонлари келтириб ўтилган [10].



3-расм. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий шерик учун фойда ёки устунлик жиҳатлари
Манба: муаллиф ишланмаси.

3-расмдан кўриш мумкинки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий сектор тегишли маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришда бир хил даражададир. Бундан ташқари, спорт анжомлари, кийим-кечак ва пойафзалларни сотиш фақат хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади, бу ерда давлат секторининг улуши йўқ. Бу фирмалар истеъмолчиларга чегирмаларни биргаликда тақдим этиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузадилар ва клуб ҳудудида жойлашиши мумкин. Спорт товарлари бозорида ҳам баъзи ўзгаришлар юз берди. Масалан, илгари машқ ускуналари ишлаб чиқарувчиларининг эътибори биринчи навбатда спорт клублари ва бошқа спорт иншоотларига қаратилган бўлса, энди улар асосан уй хўжаликларига қаратилган. Спорт соҳасидаги тадбиркорлар жисмоний тарбиянинг роли ортиб бораётганидан, шунингдек, барча истеъмолчилар спорт марказларига ташриф буюриш учун етарли молиявий ресурсларга ва бўш вақтга эга эмаслигидан хабардор. Шунини кўшимча қилиш мумкинки,

нафақат спорт анжомларини сотиш, балки ижарага бериш соҳаси ҳам ривожланмоқда.

Жаҳон амалиётидан фойдаланиб жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги моделларини 4-расмда кўришимиз мумкин [11].



4-расм. Давлат-хусусий шериклик моделлари
Манба: муаллиф ишланмаси.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиш жараёнини тезлаштириш учун қуйидагилар зарур:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш;
- хусусий секторни жисмоний тарбия ва спорт хизматларини ривожлантиришга жалб қилиш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағлар ва субсидиялар ажратиш тизимини жорий қилиш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий шерикка тижорат банклари имтиёзли тарзда кредитлар ажратиши;
- хусусий бизнеснинг барча мумкин бўлган соҳаларидан максимал даражада фойдаланиш;
- давлат-хусусий шерикликнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада мукамаллаштириш ва такомиллаштириш;
- давлат-хусусий шерикликнинг янги механизм, модель, усул ва схемаларидан, хусусан, тўлиқ ҳаёт даври шартномаларидан фойдаланишни кенгайтириш.

Давлат-хусусий шериклик механизми – давлат ва муниципал ҳокимиятларнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги чекланган имкониятларини енгиб ўтиш, баъзи рискларни хусусий секторга топшириш, тақдим этилаётган ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ва давлат инфратузилмаси объектларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун хусусий секторнинг бошқарув кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиш имконини беради [12].

Хулоса

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат-хусусий шериклик воситаларидан фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни қўллаш келажакда самара беришини исботлади. Шундай қилиб, аҳолини спортга жалб қилиш учун жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришнинг қўшимча манбалари зарур. Бу ўз навбатида инвесторлар учун тегишли шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Шу сабабли, кичик ва ўрта корхоналарнинг устувор ривожланиши ва давлат-хусусий шериклик моделларининг турли шаклларини ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатади.

Умуман олганда мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишига бир қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли эмаслиги, маъмурий тўсиқлар, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг етарли эмаслиги ва уларнинг фаолиятининг пастлиги тўсиқлик қилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш қуйидаги асосий сабабларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:



1. Жаҳон амалиётида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида асосан бюджет лойиҳаларини амалга ошириш харажатлари ва муддатларининг ошиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Шу муносабат билан лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш учун аралаш вариантлардан фойдаланиш давлат харажатларини камайтириш ва спорт иншоотларини куриш лойиҳаларини амалга ошириш вақтини қисқартиришнинг мумкин бўлган вариантларидан биридир.

2. Жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмасини ривожлантириш давлат ривожланиш сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмасининг ишлаши учун самарали ва сифатли шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат-хусусий шериклик мумкин бўлган вариантлардан бири бўлиши мумкин.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолияти самарадорлигини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида баҳолаш тизимини яратиш зарур. Бунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг етарли даражада ривожланмаганлигига қарамай, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ва корхоналари ўзларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, инфратузилмани сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун янги спорт иншоотлари яратиш ва ҳоказо.

4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизматларни кўрсатишни яхшилаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик учун давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш илмий тадқиқотлар нуктаи назаридан ҳам амалий нуктаи назаридан ҳам жуда долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз; иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг ҳозирги ҳолати, жисмоний тарбия ва спорт ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча шаклларининг табиати, роли, ўрни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шаклида белгилашда муҳим аҳамиятга эга; учинчидан, давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиши барқарор ўсиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда давлат ва бизнеснинг умумий манфаатларининг сабаби ва натижаси, жамиятда аҳоли саломатлигини яхшилаш кафолати ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли қарори. www.lex.uz
 2. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши агентлиги www.pppd.uz сайти маълумотлари. <https://www.pppda.uz/10897>
 3. М. Паздников. Государственно-частное партнерство: суть и понятие. URL: <http://politmanagement.ru>.
 4. F.Ullah, M.J. Thaheem et al., A review of public-private partnership: Critical factors of concession period *Journal of Financial Management of Property and Construction*, 21 (3) (2016), pp. 269-300, 2016.
 5. А. Цепелева. Совершенствование механизма государственно-частного партнерства в сфере услуг физической культуры и спорта: дис. ... канд. экон. наук. СПб., 2015. С. 70.
 6. Т. Мельник. Государственно-частное партнерство в области физической культуры и спорта / Журнал российского права. 2016. № 12. С. 133-141.
 7. Галиева Е.Б, Магденко А.Д. Правовое регулирование государственно-частного партнерства в сфере спорта на региональном уровне / Журнал Спорт: экономика, право, управление. 2019. № 2. С. 17-19.
 8. Галиева Е.Б. Развитие государственно-частного партнерства в сфере физической культуры и спорта / Актуальные проблемы правового регулирования спортивных правоотношений: сб. матер. VIII междунар. науч.-практ. конференции: Челябинск (Россия) - Минск (Республика Беларусь): 26 апреля 2018 г. Челябинск: Уральская Академия, 2018. С. 32-35.
 9. Ҳалимов Ф.Э. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. 62-б.
 10. У. Юлдошев. Рақамли иқтисодиёт шароитида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик. Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари. Илмий электрон журнали, махсус сон 2. 2022.
 11. А.П. Косинцев., Д.А. Обождина. Государственно-частное партнерство как эффективная форма привлечения инвестиций в сферу физической культуры и спорта. Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. № 3/2013.
 12. Мамаюсупова Д. Б. Давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари. Илм сарчаишмалари илмий журнали. 1/2021.
-
-
-

УЎК: 34723(575.1)

Одил НОРБОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти,
E-mail: odilnorboyev75@gmail.com

Мулк дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ва хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш истиқболлари

Аннотация: ушбу мақолада мулкчилик муносабатлари, мулквий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоя қилиниши, ушбу ҳуқуқларни чекловчи ҳолатларни бартараф этиши бўйича вазифалар изоҳланган. Шу билан биргаликда мулкчиликни ривожлантиришида ҳуқуқматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар ёритилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулквий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишига тўсқинлик қилувчи чекловларни бекор қилиш бўйича ҳулосалар олинган.

Калит сўзлар: мулкчилик муносабатлари, хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши ҳуқуқи, чекловлар, бекор қилиш бўйича ҳулосалар.

Надежная защита неприкосновенности права собственности и перспективы повышения уровня капитализации частной собственности

Одил Норбоев,
доцент кафедры фундаментальной
экономики Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация: в данной статье речь идет о создании надежной защиты отношений собственности и прав собственности, обеспечивающей реализацию задач по устранению факторов, ограничивающих эти права. При этом выделяются реформы, проводимые нашим правительством в

сфере развития собственности. В результате проведенного анализа сделаны выводы об отмене ограничений, прямо или косвенно ограничивающих право владения, пользования и распоряжения частной собственностью, препятствующих полноценной реализации принципов рыночной экономики в имущественных отношениях.

Ключевые слова: отношения собственности, право владения, пользования и распоряжения частной собственностью, ограничения, выводы об отмене.

Reliable protection of property rights and prospects for increasing the level of capitalization of private property

Odil Norboev,
Tashkent State University Of Economics Department
of Fundamental Economics associate professor

Abstract: this article discusses the creation of a reliable protection of property relations and property rights, ensuring the implementation of tasks to eliminate factors that restrict these rights. Reforms implemented by our government in the field of property development are highlighted. As a result of the analysis, conclusions were drawn regarding the abolition of restrictions, directly or indirectly limiting the right to own, use, and dispose of private property, hindering the full implementation of market economy principles in property relations.

Keywords: ownership relations, the right to own, use and dispose of private property, limitations, conclusions on cancellation.

Кириш. Ўзбекистонда мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш Янги Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган. Мулкдорлик муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш, мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш масалалари борасида ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Шунинг учун мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш бўйича қулай шароитлар яратишнинг таъсирчан чоралари бўйича илмий асосланган ва амалий аҳамият касб этадиган дастурлар ишлаб чиқишга зарурият туғилмоқда. Шунинг учун мулк хилма-хилликни таъминлаш ва хусусий бизнес субъектларининг бозорга ишлаш шарт-шароитлари, мулкчилик йўналишидаги қонунчиликнинг амал қилиши ва унга риоя этилишини таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари самарасини изоҳлаш мумкин бўлади.

Республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мулкчилик муносабатлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, босқичма-босқич миллий иқтисодиётга жорий этиб келинмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек «мақсадимиз иқтисодиётни янада ривожлантириш ва эркинлаштиришга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни давом эттириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётда бозор рақобатини мустақамлаш, аграр соҳани таркибий модернизация қилиш ва юқори натижадорликка эришиш, иқтисодиётнинг давлат секторини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишдир» [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мулк хилма-хиллиги

ва уларнинг ҳуқуқий дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш хусусий мулк ҳуқуқи ва бизнес муҳитига боғлиқ бўлади, бунда «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчаларига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодиёт фанида хусусий мулк, тадбиркорлик фаолияти ва бизнес шарт-шароитлари ноқлассик ва маржинал назарияларда кенг ёритила бошланди. Ғарб иқтисодчи олимлари Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кене, ва Ж.Б.Сэй асарларида таърифланишича, бизнес ва тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир [2]. Бизнесмен (тадбиркор) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у «Мулк эгаси» деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, деб таъкидлайди» [3]. Тадбиркор ўз ишини ўзи режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадини ўзи мустақил тасарруф этади. Бизнес – бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётнинг ўзи, сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Шундай қилиб, бизнес – бу корхона ташкил қилиш демакдир. Демак, бизнес йўқ нарсадан пул ишлаб топиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни, яъни мулк хилма-хилликни қарор топтириш асосида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида мулк хуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, мулкчилик капиталлашуви даражаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларининг амалдаги ҳолати мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Миллий иқтисодиётда хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулк муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартиблар, талаблар ва чекловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан 2022 йил 1 сентябрдан

бошлаб бекор қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида мулккий плюрализмни яратиш учун янги имкониятларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашдир.

«Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир» [4]. Бозор иқтисодиётида бизнес ва хусусий тадбиркорлик эркинлигининг таъминланганлиги иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартини ҳисобланади. Шу боисдан бизнес ва тадбиркорлик функцияси, назарияси иқтисодий назария фанида муҳим ўрин тутди. XVIII асрадаёқ француз иқтисодчиси Р. Кантиолон, XIX асрада немис классик мактаби вакилларидан И. Тюнен ва Г. Мангольф ҳамда америкалик иқтисодчи Ф. Найт тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларини алоҳида объект сифатида кўриб чиққанлар. Р. Кантилон тадбиркорликнинг муҳим хусусияти: риск эканлигини асослаб берган. «Унинг фикрича тадбиркорни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган ва риск қилишга қодир бўлган, келажакка интилувчи, даромад олишдан умидвор бўлган ва шу билан бирга йўқотиш ва зарар кўришга ҳам тайёр бўлган ҳар қандай шахс деб таърифлаган» [5]. XVIII-XIX асрларда ижод қилган Р. Кантилон, Й. Тюнен, Ф. Кене, А.Смит, Ж.Б. Сей иқтисодчи олимлар тадбиркорликни ва бизнес, шунингдек, тадбиркор ва мулкдор тушунчаларини айнан бир хил маънода изоҳлаганлар. Ўзбек олимларидан И.Э.Турсунов, А.Б.Қурбонов, Ф.Ф. Маматовлар қуйидагича таъриф беришади: «бизнес ва тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир хил ижтимоий-иқтисодий асосларга ва тамойилларга эга тушунчалардир» [6].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кичик корхона, микрофирма, фермер ва деҳқон хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркор-

лар, хунармандлар сифатида ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, бандлик муаммосини имкон қадар бартараф этишга, рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш улар фаолиятининг якуний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид бир қатор қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. **Республикамизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шароитлар яратилган:**

1. Кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланадиган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш кабиларни эътироф этган.

2. Давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан чет эл валютасидаги пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилиши таъкидланган.

3. Мулкдорлик масаласида асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, мулк дахлсизлигини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш, айниқса, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида талай ишлар амалга оширилди.

4. Солиқ тизими соддалаштирилди ва унификацияланди, фаолият турига руҳсат бериладиган ҳужжатларни олиш тартиби тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилинди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашуш ва режали тартиботли минималлаштирилди.

5. Кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтиш вақти 30 дақиқани ташкил этади. Яқка тартибдаги тад-

биркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун фақат бир дона, юридик шахс сифатида кичик корхонани рўйхатга олишда эса – икки дона ҳужжат талаб этилади.

6. Деярли барча тармоқдаги кичик корхоналар кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ягона солиқ тўлови ставкаси, реализация қилинган товарлар ва хизматлар ҳажмининг 5% ини ташкил этади.

7. Янги ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил давомида улар рўйхатдан ўтган кунидаги солиқ ва мажбурий тўловлар ставкасини қўллаш ҳуқуқи берилди. 2018-йилдан бошлаб 1 гектардан кўпроқ ер майдонига эга бўлган кичик корхоналар ягона ер солиғи тўлаши белгилаб қўйилди.

8. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда: банклар томонидан имтиёзли ставкалар бўйича кредитлар бериш; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тадбиркорлик фаолиятига берилган кредит маблағларининг 50% миқдоридagi кафиллик ва тижорат банклари кредитлари бўйича ҳисобланган фоиз харажатларини қоплаш.

9. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул институт томонидан бизнес манфаатлари ҳимояланган. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятини режадан ташқари текшириш бекор қилинди, шунингдек биринчи марта содир этилган молиявий-хўжалик ҳуқуқбузарлик учун тадбиркорлик субъектлари маъмурий жарималарнинг барча турларидан озод этилган.

10. Республиканинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи «ягона дарча» тамойили остида фаолият кўрсатадиган марказларда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи марказлар ташкил қилинган. Тадбиркорлик фаолиятини энди бошловчи субъектлар учун ўзларининг бизнес режаларини тузиш, ҳуқуқий ва амалий кўмак бериш, шунингдек фаолиятлари учун зарур маълумотларни олишлари учун «бизнес-инкубаторлар» ташкил этилган.

11. Республика бўйича тадбиркорларга бизнес юритиш бўйича ўқув курслари, хусусийлаштирилган объектлар базасида лойиҳалар амалга ошириш, 5 йил муддатга ноль ставкада ижара асосида ер майдонлари ажратиш орқали ёшларни доимий иш билан таъминлаш. Тадқиқотлар жараёнида юқорида келтирилган фикрларимизнинг мантиқий давоми сифатида қуйидаги жадвални кўриб чиқамиз (1-жадвал) [8]. 1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг улуши ЯИМ таркибидан 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 60,4 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда эса пасайиб 54,9 %ни ташкил этганига гувоҳ бўламиз. Бунга асосий сабаб сифатида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашда солиқ тўловчиларнинг йиллик ўртача ишчилар сони мезонига муқобил равишда кичик бизнес субъектларининг ўтган йилдаги товар айланмасининг миқдорини қўлланилиши ҳисобланади.

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмга нисбатан %да)

| Йил | ЯИМ | Саноат | Қурилиш | Бандлик | Экспорт | Импорт |
|------|------|--------|---------|---------|---------|--------|
| 2000 | 31 | 12,9 | 38,4 | 49,7 | 10,2 | 22,8 |
| 2018 | 60,4 | 37,4 | 73,2 | 76,3 | 27,2 | 56,2 |
| 2021 | 54,9 | 27 | 72,4 | 74,4 | 22,3 | 48,7 |

Манба: муаллиф ишланмаси.

Қурилиш ва бандлик соҳасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши сезиларли даражада ошган. Экспорт ҳажми 2000 йил 10,2 фоизни ташкил этган, 2021 йилда эса 22,3 фоизни ташкил этган. Импорт

ҳажми 2000 йил 22,8 фоизни ташкил этган, 2021 йилда эса 48,7 фоизни ташкил қилганини кўриш мумкин. Бу жадвалда экспорт ҳажми импорт ҳажмига нисбатан жуда пастлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича эълон қилинган чора-тадбирларга қарамай, ҳозирги вақтда уларни реал равишда амалга ошириш анча орқада қолмоқда. Кўпгина қонунчилик масалалари ҳал қилинмаган, шу жумладан умумий солиққа тортиш тизими доирасида кичик ва ўрта корхоналар ва йирик бизнесга бўлган муносабатларнинг тенглиги таъминланмаган, натижада кичик корхоналар капитал, табиий ресурслар ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишмоқда. Бу каби муаммоларнинг мавжудлиги эса тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартиблар, талаблар ва чекловларни бекор қилишга эътибор қаратилмоқда. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг ҳамма бўғинларини қамраб олган туб иқтисодий ислохотлар жараёнининг асосий негизини мулкчилик, мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини белгилаб беради. Тадбиркорлик турли хил эҳтиёжлар мажмуасидир. Улар мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини оширади ҳамда ҳозирги шароитда аҳоли бандлигини таъминлашнинг қулай ечими ҳисобланади. Мулк капиталлашуви учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш чет мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиб бу тажрибани ўзимизга мослаб янгича ёндашувлар асосида тадбиқ қилиш асосан уларнинг солиқ сиёсатини чуқур ўрганиш ҳамда тадбиркорларга берилган солиқ ставкаларини ҳудудларнинг солиқ потенциалидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш яширин иқтисодиётни кескин камайитиришга туртки бўлади. Тадбиркорлик субъектлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, иқтисодиёт тармоқларига замонавий техника-технологияларни жалб қилиш орқали маҳаллий хом-ашёлардан сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш имконияти яратилади. Биз олиб борган таҳлилларимиз нати-

жасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, улар фаолиятини самарали ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

◆ Мулкларни олиб қўйиш ёки бузишдан олдин мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланиши керак шунда тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритади, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириб, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтиради. Энг муҳими, бундай тартиб-қоидалар пировардида, иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали фаолияти учун қулай шароитларни яратади;

◆ мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишда ҳудудий ёндашувга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ҳудуднинг табиий-иқлим, географик хусусиятлари, йиллар мобайнида етакчи бўлган соҳалар, ушбу соҳалар бўйича орттирилган бой тажрибалардан ҳамда инсон ресурсларидан мақсадли фойдаланиш;

◆ кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизимини ташкил этиш;

◆ UZKAD тизимига Гаров реестри, «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, «Давлат мулки» ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари ва кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа барча давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйиш;

◆ оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тақдим этилаётган субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида субсидиялардан фойдаланиш мониторинги дастурини ишлаб чиқиш;

◆ янги ташкил этилаётган бошланғич ва инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

◆ кичик бизнесни рағбатлантиришда бизнес-инкубаторлар, бизнесни қўллаб-қувватлаш марказлари, инновацион ва бошланғич бизнеснинг жадаллаштирилган дастурларини шакллантириш, ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини йўлга қўйиш;

◆ замонавий бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қолоқ ҳудудлар ва паст рентабелликка эга бўлган кишлоқ ва ўрмон хўжалиги

каби юқори хатарларга эга соҳаларни ривожлантиришни доимий равишда давлат томонидан рағбатлантириш керак бўлади.

◆ Хусусий мулк капиталлашуви мулкдорга унинг ихтиёрига зид тарзда мол-мулки билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа давлат ва жамоатчилик вазифаларини юклаш ёхуд номақбул шартларни қўйиш;

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.*
2. <https://taxfoundation.org/corporate-taxratesaround-world-2018>.
3. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. *Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 1999 й.*
4. *Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сон Қонуни. 2012 йил 2 май.*
5. Н.Ўрмонов ва бошқалар. *Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: 2007 й.*
6. Х.Т.Азизов, О.Оқолов, Ф.Ҳ.Отахонов. *Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи. Дарслик.– Т.: ТДЮУ наириёти, 2016 й.*
7. www.iza.uz – *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириши масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши маълумотлари.*
8. www.stat.uz – *Статистика агентлиги расмий сайти маълумотлари.*

УЎК: 352/354(575.1)

Сардорбек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириши агентлиги
Андижон вилоят филиали бош инспектори,
E-mail: sardor_uwed@yahoo.com

Давлат фуқаролик хизматида раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш: хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили

Аннотация: мазкур мақолада ривожланган хорижий давлатларда давлат фуқаролик хизматидаги раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашдаги амалга оширилаётган ислохотлар, илгор хорижий тажрибалар таҳлили, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари тоифаланиши, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашдаги методлар, самарадорликни баҳолашнинг карьера моделига таъсири, жорий этилган рағбатлантириши чоралари тўғрисида маълумотлар ҳамда ўрганилган хорижий тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистонда раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, бошқарув самарадорлигини баҳолаш, раҳбар ходимлар, хорижий тажриба.

**Оценка эффективности управленческой
деятельности руководителей на
государственной гражданской службе:
анализ опыта зарубежных стран**

Сардорбек Исмоилов,
главный инспектор Андижанского областного
филиала Агентства по развитию государственной
службы при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в данной статье рассмотрены реформы, проводимые в сфере управления эффективностью государственных служащих в развитых зарубежных странах, анализ передового зарубежного

опыта, а также классификация государственных служащих, методы управления эффективности, влияние оценки эффективности на карьерную модель, внедренные меры стимулирования и предложения по управленческой оценке деятельности руководителя государственной службы в Узбекистане на основе изученного зарубежного опыта.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, управленческая оценка, руководители, зарубежный опыт.

**Assessing the effectiveness of managerial activities
of leaders in public service:
analysis of international experience**

Sardorbek Ismoilov,
Chief inspector of the Andijan regional branch of the
Agency for the Development of Public Service under
the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article investigates the reforms implemented in the sphere of managing the efficiency of government officials in developed foreign countries, analyzes cutting-edge foreign experience and classifies government officials, management methods for efficiency, the impact of assessing efficiency on career development, adopted stimulation measures and suggestions for managerial performance evaluation of a state service leader in Uzbekistan based on the studied foreign experience.

Keywords: public civil service, performance management evaluation, executives, foreign experience.

Кириш. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини ошириш барча ривожланаётган давлатларнинг ҳозирги кундаги муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Анъанавий тарздаги паст мотивация, ҳаракат ва натижа ўртасидаги ноаниқ алоқа ҳамда бошқарув фаолияти самарадорлигини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилмаганлиги бошқарув фаолияти самарадорлигини қайта кўриб чиқишга туртки бўлмоқда. Бунда эса давлат хизмати самарадорлигини оширишда биринчи навбатда раҳбар ходимлар фаолиятини самарали ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди. Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир.

2022 йил 8 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасида давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий, бошқарув ва ёрдамчи гуруҳлари белгиланган [1]. Давлат фуқаролик хизматида раҳбар ходимларга давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий ҳамда бошқарув гуруҳлари кирган бўлиб, фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими бошқарув гуруҳига нисбатан тадбиқ этилади. Бошқарув гуруҳига давлат органи ва ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимларидаги давлат фуқаролик хизматчилари киради.

2004 йилда “**Harvard Business Review**” тадқиқот маркази томонидан самарадорлиги юқори бўлган ходимларни аниқлаш ҳамда энг илғор рағбатлантириш тажрибаларини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқот натижалари эълон қилинди. Бу тадқиқотда мингдан ортиқ компаниялар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўртача ҳар бир компаниядаги ходимларнинг 5 фоизи доимий равишда юқори даражада самарали фаолият олиб боради, яна 5-7 фоиз ходимлар эса, доимий равишда қониқарсиз фаолият олиб боради, қолган 88-90 фоиз ходимларга нисбатан мақсад ва вазифаларни тўғри ва самарали бажаришлари учун мажбурий назорат талаб қилинади [2]. Бу эса ўз навбатида раҳбар ходимлар олдида ходимларни рағбатлантириш, ишга қизиқтириш ҳамда ташкилотлар-

нинг стратегик мақсадлари сари йўналтириш каби вазифалар мавжудлигидан далолат беради.

Раҳбар ходимлар самарадорлигига асосланган тизим бозор иқтисодиёти шароитидаги компаниялар ўртасида ривожланган бўлиб, давлат бошқаруви даражасида самарадорлик ва натижадорликни таъминлайдиган илғор бошқарув тажрибаларидан фойдаланиш замонавий менежментнинг NPM (New Public Management) мактаби вакиллари томонидан таклиф этилган [3].

